

ЭЪТИҚОДГА

садоқат

УЎК: 80(575.1) (092) (062)

КБК: 80г (5Ў)я43

Э 99

Таниқли адабиётшунос

ЙЎЛДОШХЎЖА СОЛИЖОНОВ

замондошлари назарида

Масъул муҳаррир: филология фанлари доктори, профессор С.Мўминов.

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи: филология фанлари бўйича фалсафа доктори А.Қаюмов.

Ушбу китобда таниқли адабиётшунос, филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Йўлдошхўжа Солижонов тўғрисидаги ҳамкасблари, ижод аҳли, шогирдлари билдирган фикр-мулоҳазалар акс этган. Уларда умрининг тўртдан уч қисмини таълим-тарбия ва илм соҳасига бағишлаган олимнинг ҳаёт йўли, фаолияти, шахсиятига оид самимий муносабат ўз ифодасини топган.

Фарғона – 2020.

СЕРМАҲСУЛ ОЛИМ, ҲАҚИҚАТГҶЙ ИНСОН

**Равшан Ҳасанович Мақсудов,
Фарғона давлат университети университет ректори,
техника фанлари доктори, профессор**

Тўқсон йиллик тарихий тажрибага эга, илмий потенциали жиҳатдан мамлакатимиз олий ўқув юртлари орасида олдинги ўринлардан бирини эгаллаган Фарғона давлат университети ректори лавозимига тайинланганидан кейин дастлаб фаолиятимни факультет жамоалари, профессор-ўқитувчилар, талабалар, ҳатто техник ходимлару фаррошларнинг истак-хоҳиши, фикр-мулоҳазалари билан танишишдан бошладим. Бу истагимни амалга ошириш учун факультетларга “юриш” қилишни режалаштирдим. Ташрифни қайси жамоадан бошлашни ўйлаб юрган кунларнинг бирида филология факультети декани З.Раҳимов келиб, жамоаси Наврўз байрамини нишонлаш тадбирини ўтказаетгани, иложи бўлса, қатнашиб, тадбирни очиб беришимни сўради. Бу мен учун аини муддао бўлди. Проректорлардан бир-икки кишини ёнимга олиб бордим. Факультет профессор-ўқитувчилари ва талабаларини халқимизнинг кўхна миллий байрами билан қизгин табрикладим ҳамда фаолиятида муваффақиятлар тиладим. Кейин давраларни тўлдириб ўтирган профессор-ўқитувчилар билан кўришиб, яна бир бор муборакбод этдим. Улар орасида қирра бурун, оппоқ сочлари кексалигидан далолат бериб турган бир домла кўзимга истараси иссиқ, чеҳраси ҳам танишдек кўринди. Бу менда кейинроқ катта таассурот қолдириб, эътиборимни тортган домла Йўлдошхўжа Солижонов экан.

Орадан уч-тўрт кун ўтиб, домланинг ўзи ҳузуримга кириб, мени ректорлик лавозими билан қутлади, фаолиятимга омад ва муваффақият тилади. Гап орасида риштонлик эканлигини, ўтган асрнинг 80-йилларида уларнинг қишлоғи жойлашган “Ўзбекистон 50 йиллиги” совхозида директор бўлиб ишлаган дадам Ҳасанбой Мақсудов билан яхши таниш ва суҳбатдош бўлганини айтиб қолди. Отамни кўрган бу инсон қалбимга янада яқинроқ туюлди.

Маълум кунлар ўтиб, ҳар бир факультет жамоаси билан катта мажлислар залида йиғилиш ўтказиб, университетда ўқув-тарбиявий, илмий-тадқиқот ишларини янада юқори поғонага кўтариш, сифатини яхшилаш, ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги таъмагирлик иллатига барҳам бериш юзасидан жамоа аъзоларининг очиқ-ошкора, холис фикр ва таклифларини эшитишни бошладим. Филология факультети жамоаси билан ўтган учрашувда Солижонов домланинг чиқиши менда яна бир бор катта таассурот қолдирди. У киши дастлаб ўқув-тарбия, илмий-тадқиқот соҳаларига оид таклиф ва мулоҳазаларини айтгач, жамоа ҳақида маълумот бера бошлади. Факультетда ёши энг катта ва ҳамкасбларининг қарийб тўқсон фоизини ўзи ўқитган устоз сифатида декандан тортиб, ҳар бир кафедра мудири, декан ўринбосарларидан бошлаб то оддий ўқитувчигача ҳазил-мутойиба билан шу қадар аниқ ва тўқис тавсиф бериб, мени ҳайратга солди.

Шундан сўнг домланинг илмий-педагогик фаолияти ва шахсига қизиқишим янада ортди. У киши ҳақидаги маълумотлар билан танишиб, катта

ва сермашаққат ҳаёт йўлини босиб ўтганига амин бўлдим. 1940 йилнинг 11 июлида Риштон туманидаги Булоқбоши қишлоғида туғилган Йўлдошхўжа ака 1957 йили Охунбобоев номидаги 3-ўрта мактабни битиргач, уч йил жамоа хўжалигида чопиқчи, табелчи, қурувчи, почтальон бўлиб ишлабди. 1960 йилда олий маълумот олиш ниятида Фарғона давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетига ҳужжат топширган ва кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, талабалар сафига қабул қилинган. 1965 йилда институтни имтиёзли диплом билан битиргач, ўқувчилик давридан бошлаб туман, вилоят ва республика матбуотида фаол қатнашиб, қалами хийла ўткирлашиб қолган Йўлдошхўжа Солижоновни вилоят “Коммуна” газетаси (ҳозирги “Фарғона ҳақиқати”) адабий ходим сифатида ишга қабул қилишади. Бу ерда икки ярим йил хизмат қилгач, институтнинг ўзбек адабиёти кафедрасига ишга ўтади.

Мақсад аниқ бўлса, иш ҳам юришаверади. Илмий-тадқиқот иши олиб боришга астойдил киришган Йўлдошхўжа Солижонов тез орада ўша пайтдаги А.С.Пушкин (ҳозирги А.Навоий) номли Тил ва адабиёт (айни чоғда ўзбек тили, адабиёти ва фольклори) институтининг катта илмий ходими, филология фанлари доктори С.Мамажонов раҳбарлигида “XX асрнинг 20-30 йиллари ўзбек адабиётида автор нутқининг шаклланиши ва ёзувчининг шахсий услуби” мавзуси устида иш бошлайди. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда астойдил ҳаракат қилиб, 1974 йилда муваффақиятли ҳимоя қилади ва филология фанлари номзоди илмий даражасига эришади. 1981 йили доцентлик унвонини олади. Мен домланинг меҳнат дафтарчаси билан танишиб, 52 йилдан буён нуқул мақтов қоғози, фахрий ёрлиқлар, рағбатлантирувчи мукофотлар олиб ишлаб келаётгани, кафедра тарихида энг кўп муддат мудирлик лавозимида муваффақият билан ишлаганига гувоҳ бўлдим.

Йўлдошхўжа ака республика газета ва журналларида илмий мақолалари билан янада фаол қатнаша бошлайди. Айниқса, илмий рисоалар нашр этишга алоҳида эътибор қаратди. 1983 йилда босилиб чиққан Ғафур Ғулом ижоди ҳақидаги “Улуғ санъаткор” рисоласидан то ҳозиргача ўттизга яқин китоби босилиб чиқди. Оммавий ахборот воситаларида эса беш юздан зиёд мақоласи эълон қилинган. Биргина 2018 йилнинг ўзида “Чингиз Айтматов – адолат ва ҳақиқат куйчиси”, “Ижоднинг машаққатли йўли” монографиялари, “Лирика латофати, насрнинг назокати”, “Сўз сеҳри ва меҳри” китоблари, республика ОАК рўйхатидаги журналларда 6 та, ОАВларида 8 та мақоласи босилиб чиққанига ўзим гувоҳман. Бу рақамлар Йўлдош Солижоновнинг меҳнатсевар, юксак салоҳиятли сермахсул олим эканлигини исботловчи далилдир. Серғайрат олим кексалигига қарамай, 2003 йили ўзи 30 йилдан буён тинимсиз шуғулланиб келаётган севимли мавзуси бадиий нутқ ва услуб муаммоларига бағишланган “XX асрнинг 80-90 йиллари ўзбек насрида бадиий нутқ поэтикаси” деб аталган докторлик диссертациясини яқунлаб, муваффақиятли ҳимоя қилди. Ҳозирги пайтда Йўлдошхўжа Солижонов республика адабиётшунослари орасида бадиий нутқ ва услуб масаласида етук мутахассислардан бири ҳисобланади.

Айни чоғда Йўлдош Солижонов олий билим даргоҳимизда илмий кадрлар тайёрлаш борасида ҳам ғайрат билан ишламоқда. 2019 йилнинг ўзида унинг раҳбарлигида икки нафар ёш тадқиқотчилар (М.Жўраева, А.Қаюмов)

филология фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олдилар. Шу кунларда домла яна тўрт нафар изланувчи-тадқиқотчига илмий раҳбарлик қилмоқда. Бу хайрли иш ҳам тез орада ўз самарасини беришига ишонамиз.

Мен Фарғона университетида забардаст олимлар --А.Ғофуров, А.Ўринов, Р.Расулов, Ғ.Йўлдошев, Ғ.Ҳомидов, К.Онаркулов, М.Исомиддиновлар билан бирга ишлаётганимдан чексиз фахрланаман. Булар орасида халқ маорифи аълочиси, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, филология фанлари доктори, профессор Йўлдошхўжа Солижоновнинг алоҳида ўрни ва обрўси бор. Домланинг мен айтмаган фазилатлари ушбу китобда жамланган мақолаларда баён қилинган бўлиб, улар сизларда устоз ҳақидаги тасаввурингизни янада бойитишига ишонаман.

Устоз Йўлдошхўжа Солижоновга таваллуд айёмининг 80 йиллиги муборак бўлсин! Фанимиз фидойисига Яратгандан узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

ҲАМКАСБЛАР ҲИММАТИ ХАЗИНАСИДАН

ФАРҒОНАДА БИТТАГИНА

Умарали Норматов,

филология фанлари доктори, профессор.

Асли фарғоналик бўлсам ҳам умримнинг асосий қисми Тошкентда ўтган, шу юртда туп қўйиб, палак ёздим, ўз даврининг энг нуфузли олийгоҳи ЎзМУда таҳсил олдим, бир-икки йиллик она юртим Фарғонада ўқитувчилик қилганимни ҳисобга олмаганда, кейинги бутун ҳаётим шу университет билан чамбарчас боғланди. Фан номзоди, фан доктори даражаларига, профессор унвонига, адабиётшунос-танқидчи номига, Фан арбобиликка, “Меҳнат шуҳрати” орденига ва яна қатор мукофоту нишонларга шу азим шаҳарда эришдим. Устозларим, орттирган дўсту-улфатларим, шогирдларимнинг аксарияти шу шаҳарда сафдош, елкадош, ҳамнафас бўлиб келган.

Шунга қарамасдан, она юртим, қариндош-уруғлар, фарғоналик дўстлар, адабий-илмий, маданий муҳит билан доимий алоқада бўлиб келганман. Истеъдодли ижодкор марҳум Йўлдош Сулаймон, Фарғона давлат педагогика университетининг таниқли вакиллари: зукко адабиётшунос олим, раҳматли профессор Азимжон Раҳимов, кадрдон дўстим иқтисод фанлари доктори, профессор Аҳмадали Ғафуров, бир томони яқин қариндошим, самимий инсон, ажойиб тилшунос, филология фанлари номзоди Маҳфузулла Раҳмоновлар билан илиқ мулоқотлар, ҳаёт, жамият, адабиёт, адабий жараён теварагидаги баъзан тонготар давом этган суҳбатларни эслаш мароқли. Фарғоналик ана шундай сафдош, суҳбатдош, маслақдош дўстларим сирасида адабиётшунос олим, филология фанлари доктори Йўлдош Солижоновнинг ўзига хос бетакрор ўрни бор.

Мен узоқ йиллар мобайнида унинг матбуотдаги мақолалари, Ёзувчилар уюшмаси тадбирларидаги чиқишларини мунтазам кузатиб борганман. Ҳозир эътибор берсам, руҳий ёки бадиий дид борасидаги яқинликми, бизни қизиқтирган мавзулар ўртасида муайян муштаракликлар бор экан. Менинг илк йирик ишим Ғафур Ғулом шеъриятига бағишланган, Йўлдош Солижоновнинг илк китоби “Улкан санъаткор” ҳам Ғафур Ғулом шеърияти мавзусида. Менинг илмий изланишларимнинг катта қисмини устоз адиб Абдулла Қаҳҳор ижоди устидаги тадқиқотлар ташкил қилади, Йўлдош Солижоновнинг “Сўз сеҳргари” китоби ҳам шу мавзуда, иккимиз ҳам адабий танқиднинг ўзига хос шакли бўлган мактуб жанрини хуш кўраимиз.

Йўлдошалини анча узоқ вақтлардан бери таниган бўлсам-да, бевосита яқин мулоқотларимиз нисбатан хийла кеч, 2000 йиллардан бошланди. Йўлдошали ҳар гал Тошкентда яшайдиган ўғли Музаффар (ўзимнинг собиқ талабам)никига ташриф буюрганида, албатта, бизникига қўниб ўтарди. Аксарият ҳолларда илиқ ёз оқшомларида кечган бу гурунглари мавзуси

табийки, адабиёт, адабий жараён, ёш истъдодлар, жаҳон адабиётидаги ҳодисалар ва ўзбек адабиётининг кечаги куни, бугуни ва истиқболи бўлар эди.

У билан дилдан суҳбат куриб, вақт алламаҳал бўлганини сезмай қолар эдик, фақат ўғлининг қўнғироғидан кейингина, у жилмайиб узр сўрар, иккимиз ҳам хуш кайфиятда, тотли гурунгимиз таъми оғзимизда қолиб-қолиб, хайр-хўшлашар эдик. Шу тариқа Йўлдошали билан йилда бир-икки марта ҳамсуҳбат бўлишга одатландик.

Йўлдошалидаги чинакам олимга хос холислик, босиқлик, беғаразлик каби хислатларини таъкидламоқчи эдим. Баъзан илмий мунозаралар чоғи фикрларимиз бир жойдан чиқмаган, биримизнинг қарашимиз иккинчимизникини инкор қилган вақтлар ҳам бўлган. Шундай пайтларда у менинг кескин танқидимни босиқлик билан қабул қилгани, кейинги учрашувларимизда ҳар доимгидек самимийлик ва илиқликни сақлагани учун унга бўлган ҳурматим чандон ортган.

2011 йили 80 ёшни қаршилаганимда Ёзувчилар уюшмасининг ташаббуси билан Худойберди Тўхтабоев, Иқбол Мирзо, Маҳмуд Тоир, Баҳодир Карим сингари бир гуруҳ таниқли адиб, шоир ва адабиётшунослар билан бирга она юртимга сафар қилганимда, Бешариқ тумани бўсағасида бизни кутиб олган обрўли раҳар ходимлар, кадрдон ёру биродарларим қаторида Йўлдошалини кўриб кўнглим тоғдек кўтарилиб кетган. Ташрифимиз давомида унинг бошидан охирига қадар бизга дилкаш ҳамроҳ, сидкидил йўлдош бўлганини унутмайман.

Йўлдошали серқирра инсон, доимо қизғин фаолиятда, ҳаракатда. Агар синчиклаб назар солинса, унинг, айниқса, 2000 йиллар ижоди сермахсул бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Назаримда, бунинг замирида истиқлол берган ижод эркинлиги имкониятлари ётади. Истиқлолнинг илк ўн йиллиги эҳтирослари босилиб, жиддий ўзгача таҳлил, тадқиқ, чуқур изланишлар палласига ўтилган 2000 йилларга келиб Йўлдошалининг кетма-кет “Нутқ ва услуб”, “Олимнинг олами”, “Зулматдан нур қидирганлар”, “Мен сиздан сабоқ олдим”, “Сўз сеҳргари”, “Ҳақиқатнинг синчков кўзлари” каби монография ва рисоалари чоп этилди. Адабий жараёнга фаол муносабат билдириб, матбуотда қатор мақолалар эълон қилди.

Йўлдошали баъзи “олим”лар каби китобу мақола сонини кўпайтириш, матбуотда ўзини кўрсатиб қўйиш учун ёзмайди. Уларда синчков адабиётшунос олимнинг теран нигоҳи, айтмоқчи бўлган жиддий гапи, фаол муносабати, чуқур таҳлил ва кузатишга асосланган илмий мулоҳазалари етакчилик қилади. Шулар билан бир қаторда, у бадий ижод билан шуғулланишга ҳам вақт топди, айнан шу йиллари “Сув келтирган азиз” ҳужжатли қиссаси, “Ўғлим, сенга айтаман” шеърий ва насрий пародиялари, “Сен ширмон юзлигим”, “Умрим бекатлари” шеърий тўпламлари дунё юзини кўрди ва ўз китобхонларининг дилига йўл топди.

Умрни шитоб билан елиб кетаётган чавандозга ўхшатадилар. Ҳаш-паш дегунча Йўлдошали ҳам табаррук 80 ёшни қоралабди. У бу қутлуғ ёшни фахр билан қаршиласа арзийди, зеро, мақтанишга, ғурурланишга арзигулик ижоди, касби, унвонлари, ажойиб оиласи, фарзандлари-ю неварачеваралари, эл-юрт олдида обрўси ва эътибори бор. Қўлидан қаламини, қалбидаги ижод иштиёқи

ва шавқини ташлагани йўқ. Фарғона адабий муҳити билан мени боғлаб турадиган “биттагина” дўстимга узок умр, саломатлик ва узун умри давомида ана шу ижод иштиёқи ва завқи ҳамроҳ бўлишини тилайман!

СЎЗ СЕҲРИГА МАФТУНКОР ДЎСТИМ

**Дамин Тўраев,
филология фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

Мен атоқли адабиётшунос, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, филология фанлари доктори, профессор Йўлдош Солижонов билан ўтган асрнинг 70-йиллари аввалида танишганман. Бизлар тенгги авлод-адабиётшунослар турли вилоятлардаги ўқув юртларида олий маълумот олган бўлсак-да, республикамизнинг илм марказлари жойлашган Тошкент шаҳридаги аспирантура таҳсили давомида маслакдош бўлганмиз.

Адашмасам, ҳозирги ўзбек адабиётшунослигининг таниқли вакиллари сифатида фаолият олиб бораётган Бахтиёр Назаров, Маҳкам Маҳмудов, Нуъмон Раҳимжонов, Йўлдош Солижоновлар ЎзРФА Тил ва адабиёт институтида атоқли адабиётшунос, фан арбоби, академик Салоҳиддин Мамажоновнинг аспирантлари эдилар. Камина эса, самарқандлик Муслиҳиддин Муҳиддинов, наманганлик Тўлқин Йўлдошев, андижонлик Собиржон Тошканов, сирдарёлик Ҳақназар Халиловлар қаторида ҳозирги ЎзМУнинг Ғулом Каримов, Субутой Долимов, Озод Шарафиддинов, Лазиз Қаюмов, Умарали Норматов каби алломалар фаолият олиб борадиган Ўзбек адабиёти кафедрасининг аспиранти эдим.

Хуллас, ана шу йиллардан бир-биримизга бўлган эътиқод ва эътиқод туфайли дўстлик ришталари мустаҳкамланиб борди. 1974 йилда Йўлдошжон номзодлик ишини ҳимоя қилгач, Фарғона давлат педагогика институтида иш бошлади. Омадни қарангки, ўша йилнинг кузида у ҳозирги ЎзМУдаги Олий ўқув юрти ўқитувчилари малака оширадаган 4 ойлик курсига ўқишга келди. Мен бу кезлар номзодлик диссертацияси ҳимоясининг завқли юмушлари билан машғул эдим.

Бу жараён ҳақида Йўлдошхўжа (мен унга гоҳида Хўжа исми билан мурожаат қиламан. Чунки у риштонлик хўжалар авлодидан -Д.Т) “Менинг Даминтой дўстим” деб номланган мақоласида батафсил тўхталган. Шундай қилиб десангиз, аспирантлик давридаги интихосиз гурунгларимиз танаффуссиз давом этди. Озод Шарафиддинов, Субутой Долимов, Ғулом Каримов, Умарали Норматовлар даврасига интилиш, уларнинг дарсларини эшитиш бошқа дўстларимизга нисбатан Йўлдошхўжа иккаламизда кучлироқ эди. Мен аспирантлик давримда бу улуғ устозлар ишончига кириб, улар билан гоҳида эркин муомалада бўлиш мақомига эришган эдим.

Йўлдошхўжа киришимлилиги ва билимдонлиги билан бу алломаларнинг ҳам ўзлари даврасидаги одамига айланди. У бунгача академия тизимининг Тил ва адабиёт институтидаги И.Султон, М.Қўшжонов, С.Мамажонов,

А.Хайитметов, Н.Каримов, А.Абдуғафуров каби алломалар сабоқларини олиб, улар назарига тушган эди. Йўлдош Солижонов мен ҳақимдаги мақоласида ЎзМУдаги устозлар-Озод аканинг пурмаъно ҳазилларини, Субутой домланинг ликопча чертиб қўшиқ айтганларини, менинг исмимга той қўшимчасини қўшиб чақиришларини соғинч билан эслар экан, Лазизхон Қаюмовдан оз-моз ҳайиқишимизни ҳам айтиб ўтади.

Дарҳақиқат, нафақат аспирантлар ва курс тингловчилари, балки университет ва факультет домлалари ҳам Лазизхон ака билан эҳтиёткорлик муомаласида бўлишарди. Лазизхон ака кафедрага келганда жуда жиддий, кўринишдан анча-мунча виқорлик ва сипоҳилик бордек туюларди. Бунинг устига у киши айна пайтда “Ўзбекистон маданияти” газетасида муҳаррир вазифасида ҳам ишлаши юқори идоралар билан яқин алоқада фаолият олиб бориши ҳам бу сирлиликини кучайтирарди. Таникли мафкурачи сифатида собиқ Иттифоқда танилиши ҳам домланинг университет ва факультетда катта нуфузга эгаллигига сабаб эди.

Йўлдошали дўстимнинг бу мақоласига киритмаган бир воқеа тафсилоти мен ва яқинларимнинг хотирасида анча узоқ яшайди. 1974 йил 19 декабрь кечқурун менинг номзодлик ишим ҳимоясидан кейин талабалар шаҳарчасидаги одмигина чойхонада бир пиёла чой ташкил этдик. Устоз Озод ака бошчилигидаги Ўткир Ҳошимовдан иборат бир гуруҳ ижодкорлар ҳам иштирок этяпти. Даврани бошқараётган Абдуғафур Расулов бир пайт “диссертантни табриклаш учун сўз хурматли ёзувчимиз Мирмуҳсинга” деб қолди. Не кўз билан кўрайки, дўстим Йўлдошхўжа кўзига кўзойнак тақиб олиб, Мирмуҳсин киёфасида мени табрикламоқда эди. “Даминжон Сизни ҳимоя билан табриклайман. Сиз менинг романим ҳақида яхши мақола ёзгансиз. Ҳимоянгизни Союз раисининг ўринбосари Нормурод Нарзуллаевдан эшитдим”. Йўлдошхўжанинг Мирмуҳсин киёфасига кириб айтган бу табриги ва унинг овози оҳангида пайпоқ ҳақидаги пародиясини ўқиб бергани ҳаммани ҳайратда қолдирди.

Унинг табригида айтилган сўзлар замирида нималар ётгани фақатгина Йўлдошхўжа билан каминага аён эди. Ушбу даврада иштирок этган отам раҳматли кўп йиллар “Мирмуҳсин бўлган оғайнинг қалай, кўришиб турибсанми, мендан салом айтиб қўйгин”, деб кўярди. Отамдаги бу самимият Йўлдошхўжадаги хушчақчақлик ва очиклик, дўстга нисбатан эътиқод, унинг қувончини баҳам кўриш, ҳамнафаслик фазилатлари эвазига пайдо бўлганини илғаш қийин эмас.

Умуман, дўстим Йўлдошхўжа бурун туфайли Мирмуҳсин, Саид Аҳмад, Ёдгор Обиджон каби элимиз назарига тушган ижодкорлар билан киёфадош бўлгани учун ҳар доим Яратганга шукроналик билдириб туради.

Ёшлигимизда бўлиб ўтган ана шундай ҳангома янглиғ хотираларга ҳам оз эмас, кўп эмас 50 йил атрофидаги вақт ўтибди. Ёшлик йилларимизни эслар эканман, баъзи битикларимда инсонлар ўртасидаги дўстликни бир неча тоифага бўлганим, бу тоифалардаги талабалик, илм таҳсили даврида орттирган дўстликнинг беминнат ва садоқатли хусусиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаганим ёдимга тушади. Йўлдошхўжа билан ўртамиздаги дўстлик ана

шундай тоифадаги дўстлик эканлигидан доим фахрланиб юраман. Бу гапларни исботловчи бир-икки мисол келтирай. Йўлдошхўжа водийдами ёки Тошкентдами қашқадарёлик одамни кўрса, дархол “Менинг Қарши шаҳрида Дамин Тўраев деган дўстим бор, шу одамни танийсизми?,” дея сўрайди. Уни учратган йўлдошининг касби, амали қизиқтирмайди. Қизиқ-а. Учраган одам “ҳа, танийман ёки айтган одамингизнинг исми шарифи таниш” деса бўлди, сумкасида ўзи ёзган китобдан у одамга дастхат ёзиб, “бунисини Даминжонга етказинг” дея салом йўллайди ва бироз ўтиб “китобни олдингизми, саломни етказдим”, деб Фарғонадан телефон қилади. Дўстимдаги дўстларга бўлган меҳр ва эътиқодни ҳар қанча эъозлашга арзийди.

Йиллар давомидаги тинимсиз изланишлар эвазига дўстим Йўлдошхўжа Солижонов йирик адабиётшунос ва илмий мактаб яратган олим мақомига эришди, илмий жамоатчиликнинг эътиборига сазовор бўлди. Шу ўринда аччиқ бўлса-да, маданий жабҳамиздаги баъзида сезилиб қоладиган бир ҳолатни айтишга тўғри келади. Марказдаги баъзи ОАВ нашрлари ва илмий-адабий мақолалар чоп этиладиган газета-журнал ходимларида вилоятларда яшаб ижод қилаётган мутахассисларга савия нуқтаи назаридан “ўзгача” қараш сезилиб туради. Бунинг исботи сифатида “Тафаккур” журнали (2016, 1 сон, 54-60 бетлар) ходимининг Йўлдош Солижонов билан қилган суҳбатини эслаш мумкин. Суҳбат жараёнида журнал ходими “Домла, вилоятда яшаётган аксар олимлар пойтахтдаги ҳамкасбларидан истиҳола қилибми, республика матбуотида кўп кўринавермайди... фикрлашда ҳам хийлагина фарқ сезилади...” деган мулоҳазаларни билдиради. Дўстимиз журнал ходимининг бу мулоҳазаларидаги баъзи эътирозларга кўшилган ҳолда вилоятларда Тошкентдагидек қайноқ илмий-ижодий муҳит бўлмаса-да, марказий радио-телевидения, газета ва журналлар узоқлик қилса-да, фидоийлик билан ижод қилаётган ва ҳар бир чиқиши адабий жамоатчиликни сергак тортираётган бир қатор адабиётшунослар борлигини қайд этади.

Барчамизнинг устозимиз Умарали Норматовнинг қуйидаги фикрлари дўстимизнинг вилоятларда яшаб ижод этаётган адабиётшунослар фаолиятига берган баҳоси нақадар ҳаётий эканлигини тасдиқлайди: “Юртимиз вилоятларидаги олий ўқув даргоҳларида узоқ йиллар хизмат қилиб, докторлик илмий даражаларига, профессор унвонига эришган, ўзига хос илмий мактаб яратган Ҳотам Умуров, Дилмурод Қуронов, Муҳаммаджон Холбеков, Йўлдош Солижонов каби таниқли адабиётшунос, мунаққидлар...Мустақил мамлакатимиз илм-фан тараққиётига муносиб ҳисса кўшиб келмоқда”. Дарҳақиқат, устоз тўғри таъкидлаганидек дўстим Йўлдошхўжа Солижонов мамлакатимиздаги дастлабки илм масканларидан саналган Фарғона давлат университетида намунали меҳнат қилиб, унинг илмий мавқени кўтаришга ҳисса кўшиб келаётган ва ўз илмий мактабини яратган, нафақат воҳа адабий муҳити балки умуммиллат адабий муҳит ва адабиётшунослиги тараққиётида ўзига хос ўринга эга бўлган йирик олим ҳисобланади.

Шу ўринда барча ижод аҳлига хос бўлган бир хусусиятни эслашга тўғри келади. Неки шоир ва ёзувчи бор уларнинг барчасида ўз асари ҳақида етук адабиётшуносларнинг фикрини, китобхонлар муносабатини билишга қизиқиш

мавжуд. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида кўпгина ижодкорларнинг истеъдодлигидан тортиб ўрта миёна даражасидагиларгача М.Кўшжонов, О.Шарафиддинов, У.Норматов, Н.Каримов, И.Ғафуров каби олимлар фикрини билиш илинжида бўларди.

Эндиликда эса шоир ва ёзувчиларимиз Б.Назаров, Н.Раҳимжонов, Д.Куროнов, С.Мели, И.Ҳаққул, Б.Каримов, У.Жўракулов, Н.Жабборов каби олимларнинг фикрини билишга қизиқишлари ҳам бор гап. Эътироф этиш керакки, бугунги ижодкорларимиз кўз тиккан ана шу адабиётшунослар сафида ҳозирги адабий жараён хусусида ҳозиржавоблик ва холислик билан фикр билдирувчи менинг дўстим Йўлдош Солижонов борлиги ҳам ёқимлидир.

Дўстимизнинг илмий адабий жамоатчилиқнинг эътирофини қозонишида ундаги заковат ва истеъдод, илм йўлларидаги тинимсиз меҳнат билан биргаликда илмий изланишларига раҳбарлик қилган академик Салоҳиддин Мамажоновнинг номзодлик ҳимоясидан кейин “жим бўлиб кетманг, адабий жараёнга аралашиб туринг” дея огоҳлантириб қўйиши, Озод Шарафиддинов билан ҳар кўришганида “нималар ёзаяпсиз” дея тергаб турилиши, Умарали Норматовнинг “Китоб тайёрланяпти – фалон мавзуда мақола ёзиб юборинг” дея кўнғироқ қилишлари адабиётшунослик масъулиятини ҳис этиб ижод қилишида асосий омиллар сифатида ўз самарасини берди.

Профессор Йўлдошхўжа Солижонов илмий тадқиқотларининг асосий хусусиятларига тўхталадиган бўлсак, уларнинг адабиётшунослиқнинг муҳим муаммоларига бағишланганлиги ва методологик характерда эканлигини алоҳида таъкидлашни истар эдим. Ана шундай муҳим назарий муаммолардан бири бадий ижоддаги муаллиф нутқи ва услуби масаласининг Й.Солижонов тадқиқотларида ўрганилишидир. Маълумки, насрий асарларда муаллиф нутқи асар асосидаги ғояни очишдан ташқари, воқелиқни шарҳлаш, қаҳрамонлар психологик ҳолатини тасвирлаш ва унга муносабат билдириш каби улкан бадий вазифаларни бажаради. Й.Солижонов ўзининг “Нутқ ва услуб” номли монографик тадқиқотида ўзбек адабиётшунослигида биринчилардан бўлиб XX аср ўзбек насри мисолида ёзувчи нутқи масаласини тадқиқ этди. У ўз тадқиқотида XX аср ўзбек адабиётининг тамал тошини қўйган А.Қодирий, Чўлпон, Ойбек, А.Қаҳҳор асарларидаги ёзувчи нутқининг мумтоз намуналаридан тортиб А.Мухтор, С.Аҳмад, П.Қодиров, О.Ёқубов ва Ш.Холмирзаев, Ў.Ҳошимов, О.Мухтор, М.М.Дўст. Т.Мурод, Х.Дўстмуҳаммад каби турли ижодий услубдаги ёзувчилар асарларида турлича кўринишдаги шакллари илмий-амалий жиҳатдан ҳал этиб берди. Энг муҳими, рус ва европа адабиётшунослигидаги “муаллифнинг нохусусий тўғри нутқи”, “нохусусий тўғри бўлмаган муаллиф нутқи” деган илмий талқинларга муносабат билдириб, XX аср ўзбек романларидаги ёзувчи нутқида билвосита муаллиф нутқининг ҳикоя характеридаги, диолог, реплика (луқма)сидаги яширин, суҳбатдошга хаёлан мурожаат этиш каби ранг-баранг шакллари кўзга ташланаётганини исботлаб берганидир.

Дўстимиз илмий тадқиқотчилигидаги муҳим хусусиятлардан яна бири таҳлилда сўз санъатининг бадий эстетик фазилатлари, унинг куч қудратини, бадий ижоднинг сўз санъати эканлигига урғу бериб боришининг бўртиб

туришидир. Айниқса, олимнинг “Сўз сеҳргари”, “Мўъжизалар сеҳри”, “Кўзгудаги ҳаёт” каби китобларида бадиий сўз ва ижодкор тушунчаларининг узвийлигини, адабиётнинг ўлмас тушунча эканлиги таҳлил диққат марказида тутилади.

Муаллифнинг бир катор мақолалари ва “Сўз сеҳргари” китоби устозларимиз М.Кўшжонов, О.Шарафиддинов, У.Норматовларнинг А.Қаҳҳор ижоди хусусидаги тадқиқотларига ҳамоҳанглиги ва янги кузатишлари билан ҳам эътиборлидир

Сўзга ошуфталик илмий таҳлилининг “Лирика латофати, насрнинг назокати” (Тошкент, 2018) номли рисоласида балқиб туради. Айтиш жоизки, бу рисола орқали дўстимиз илмий фаолиятида янги қирралар билан танишамиз. Қаранг: рисола номланишининг ўзиёқ китобхонни сўз санъати дунёсига етаклайди. Бир қарашда латофат ва назокат сўзларининг маъносида синонимлик-ўхшашлик борлигини инкор этиб бўлмайди. Бизнингча, дўстимиз рисолаи номлашда назм ва насрдаги латофатли ва назокатли хусусиятни беришда Ҳазрат Навоий анъанаси изидан борган. Навоий “Маҳбубул-қулуб” асарида “Назмларнинг ифодаси ниҳоятда ёқимли. Истаган одам шеърлардан сўз мўъжизаларини топа оладилар...” деб ёзган эди. Китобнинг бўлимлари ва бўлимлардаги фаслларнинг номланиши кишини лол қолдиради. Фасллар номланишига монанд илмий талқинлар ундан-да назокатли ва латофатлидир. Эътибор қилинг: “ Лирик шеърият тараққиёти ва ўзига хослиги” фаслида А.Орипов, О.Матжон, Х.Даврон, У.Азим, Ш.Раҳмон, А.Қутбиддин асарлари асосида сўнгги йиллар шеъриятдаги ўзига хос тараққиёт хусусиятлари “Истиқлолнинг толмас куйчиси”да шўро даврида “эрки йук банди”, “кўзи боғлиқ, дили доғлиқ” бўлиб яшаган инсоннинг истиқлол туфайли инсон сифатида қайта туғилганлиги ғурур ва фахр ҳислари билан куйлаган машҳур шоиримиз Эркин Воҳидов ижоди; “Тасвирда Ҳотам, Сўзга хасис адиб” фаслида ўзининг Мешполвон, Оловжон, Гулмат образлари билан китобхонлар меҳрини қозонган Қоплон ва Ажиналар тимсолида муҳим ижтимоий муаммоларни кўтариб чиққан шоир, ёзувчи ва драматург Анвар Обиджон ижодидаги ўзига ҳосликлар; кейинги фаслларда А.Бойқўзиев ижодидаги изланишлар, Фарғона давлат университетида таҳсил олган Қутлибеканинг ижоддаги қутлуғ қадамлари, Ғулом Фатхиддин шеъриятидаги ғамгин манзаралар, ўйноқи туйғулар ҳассослик билан таҳлил этилган. Рисоланинг О.Ёқубов, Н.Фозилов, И.Султон асарлари мисолида ҳаёт ҳақиқатининг бадиий инъикоси, адабиётимиздаги мазмуний ва шаклий изланишларнинг насрдаги назокатли талқини ҳақидаги қимматли кузатишлар баён қилинган.

Дўстим Йўлдошхўжанинг “XX аср адабиётшунослиги антологияси (2011)га киритилган “Деталлар тилга кирганда” ва “ Тафаккур” журнали (2019, 4-сон)да чоп этилган “ Kamu, Absurd, Sizif va o'zbek adabiyoti“ номли мақолаларини сўнгги йиллар ўзбек адабиётшунослигини бойитган фундаментал тадқиқотлар сирасига киритиш мумкин. Муаллиф биринчи мақоласида асарда ғоявий бадиий юк ташувчи бадиий деталь таҳлили орқали XX аср ўзбек насрида ўзига хос ҳикоячилик мактабини яратган адибларимиздан Шукур Холмирзаевнинг бадиий маҳоратини очиб беради. Ёзувчи маҳоратини

кўрсатиш учун адиб “ Сайланма” сидан 3та. “ Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди “, “Булут тусган ой” ва “ Кузда баҳор ҳавоси” номли ҳикояларни таҳлил доирасига тортади. Муаллифнинг таҳлил услуги ҳам ўзига хос. Ундаги илмий таҳлилда биз бадиий асарнинг баркамоллигини белгиловчи бадиийлик, ҳаққонийлик, халқчиллик каби мезонларни ҳам кўраимиз. Хусусан, фикрлашнинг илмий-бадиий уйғунлиги китобхон ҳамда адабий танқидчига қаратилган суҳбат ва мулоҳаза асосида ўзининг мустақил назарини баён қилиб бориши яққол сезилиб туради. Мақоладаги қиёсий ва герменевтик таҳлил Ш.Холмирзаевнинг бир қатор ҳикоялари жаҳон адабиётдаги асарлар билан беллаша оладиган бадиият намуналари эканлигини исботлаб беради. Менга қолса, Йўлдошхўжа дўстимнинг ушбу мақоласини ҳозирга қадар Шукур Холмирзаев ҳикоялари ҳақида ёзилган тадқиқотларнинг энг сараси дейман. “Тафаккур” журнали (2019, 1-сон)даги эслатганимиз мақоласида ҳам дўстимиз тафаккур кўламнинг ниҳоятда кенглиги илмий таҳлил жараёнида чиқарган хулосаларидан сезилиб туради. Мақолада таниқли ёзувчимиз Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “ Донишманд Сизиф” романи асосидаги таҳлилда бугунги насримизда бадиий талқин қилинаётган масалалар умумбашар миқёсидаги ижтимоий муаммо даражасига кўтарилаётгани, жаҳон адиблари ижодий тажрибасига уйғун жиҳатлар ўрганилиши эътиборлидир. Энг муҳими, Йўлдошхўжа Солижонов Хуршид Дўстмуҳаммаднинг ушбу романи жаҳон адабиёти хазинасига ўзбекона Сизиф образини олиб киргани ва юнон афсоналарининг бадиий талқини ҳақида гап кетса, ХХІ аср ўзбек адабиёти ҳам эса олиниши учун ижодий замин яратилганидир, деган ифтихор ва қониқиш хулосалари бугунги адабий жараёнимизда сўз қушлари янглиғ қанот қокмоқда.

Дўстимнинг қатор китоблари, тадқиқотлари, баъзи ёзувчиларимизга ёзган мактуб-мақолаларидаги илмий хулосаларидан бакалавриат босқичидаги “Замонавий ўзбек адабиёти”, “Ҳозирги адабий жараён”, “ Адабий танқид” , магистратура босқичидаги “Истиқлол даври ўзбек адабиётининг назарий масалалари” фанларини ўқитиш жараёнида фойдаланамиз. Шу сабабли талабаларимиз Й.Солижоновнинг ўзбек адабиётшунослигидаги мавқеини яхши билишади, ўзларини у кишининг ғойибона талабалари сафида ҳис қилишади. Аспирантларим эса, ўзлари ишлаётган мавзулари моҳиятини очиш мақсадида унинг бу тадқиқотларидан иқтибос келтиришни хўш кўришади.

Дўстим Йўлдошхўжаниннг ўзбек адабиётшунослигидаги хизматларидан яна бири, марказдан узоқда яъни вилоятларда ижод қилаётган шоир ва ёзувчиларнинг ижоди, улар асарларидаги ўзига хос бадиий талқинлар ҳақидаги кузатишларини илмий-жамоатчилик эътиборига ҳавола қилишдир. Бу борада муаллифнинг “Фарғона адиблари” китоби эътиборлидир. Китобхон ушбу китоб орқали ХХ аср ўзбек адабиётининг таниқли вакиллари- Чархий, Охунжон Ҳақимов, Йўлдош Сулаймондан тортиб, адабий жараёндаги янги тўлқинлар силсиласини ташкил этувчи Баҳодир Исо, Мавлуда Авазова, Муътабар Ғуломова, Абдулла Содик каби янги истеъдодлар асарларидаги ўзига хос бадиий изланишлардан воқиф бўладилар.

Дўстим юбилейи муносабати билан табрик мақола ёзар эканман, унинг бадиий ижоди ҳақида, хусусан, шоирлиги ҳақида бир-икки оғиз гап айтмай

ўтолмайман. Ҳаётда шеър ёзмаган одам бўлмаса керак. Лекин шеър ёзганнинг ҳаммаси ҳам шоир бўлавермайди ёхуд барча шоирман деганнинг ёзганидан шеър чиқавермайди. Фаразларга эрк бериб айтадиган бўлсак, фалакнинг гардиши ила дўстимиз бадий ижод билан яккаш шуғунланганида ҳам адабиётимиз бўстони таниқли бир шоир билан бойган бўларди. Йўлдошхўжанинг аспирантлик йилларида Инсоннинг кўнгил мулки бўлган шеър машқ қилишини сезмаган эдик. Мен дўстимнинг бадий ижоди билан бундан ўн йиллар бурун дабдурустдан танишганман. Бунинг тафсилоти қуйидагича: Кунларнинг бирида Қашқдарё вилоятида маърифий-маънавий, ижтимоий-оммабоп нашр ҳисобланган “Эл” газетасида чоп этилган “ Сен кимсану мен кимман?” номли шеърга кўзим тушди. Муаллиф сифатида Йўлдош Солижонов ёзилган. Шеърнинг мазмуни анча аниқ, бадий ғояси анча залворли. Унда жамиятимиздаги пок инсонларга тўхмат тошларини отиб юривчи баъзи ифвогар одамларнинг типик вакили бўлган кимса ҳажв остига олинган эди. Шеърдаги лирик қаҳрамоннинг ватанпарварлик туйғулари мени тўлқинлантириб юборди. Шеър шоирнинг қайси китобидан ёки қайси нашрдан олинганини аниқлаш мақсадида газета таҳририятига йўл олдим. Анча талабчан ва қаттиқўл муҳаррир Мусо Муродовнинг қабул куни бўлмаса-да, унинг ҳузурига киришга муваффақ бўлдим. Муҳаррир билан суҳбатда шеърнинг интернет сайтидан олингани аниқ бўлди. 2017 йилда турли мавзудаги шеърлар, пародиялар, бағишловлар жамланган “Умр бекатлари” номли тўплами қўлимга етгач (уни ҳам “Чинобод” санаторийсида даволанаётган қашқадарёлик бир зиёлидан бериб юборган - Д.Т.), унинг ижод дунёсига юзландим, Қарасам “Сен кимсану мен кимман?” шеъри ҳам тўпламни безаб турибди. Тўпламдаги баъзи шеърлар ўтган асрнинг 60-йиллар бошида ёзилганлиги кўрсатилган. Демак, Йўлдошхўжа талабалик даврдан бошлаб шеър ёзишни тўхтатгани йўқ. Тўпламдаги аксарият шеърларда инсон ҳаёт манзиллари ва умр бекатлари, ҳаётнинг турли-туман рангин ҳолатлари, ёшлиқдаги изтироб ва севинчлар, пинҳоний туйғулар, лирик қаҳрамон туйғуларида водий гўзаллиги, юрт меҳри таъсирчан ва табиий берилган.

Йўлдошхўжанинг бадий ижодидаги барчамизнинг қадрдонимиз, таниқли Сўзшунос Маҳфузулло Раҳмоновнинг ҳаётига бағишланган замонавий эртаги мени жуда завқлантирди. Тошкентда устоз Умарали ака (у киши Маҳфузулло акага “ родной” божа бўладилар-Д.Т.)нинг хонадонидан бўлганимда кеноним Венера опанинг ҳам диққатини тортиб “Йўлдошхўжа Маҳфузулло Раҳмонов ҳақида ажойиб эртақ ёзибди” деганимда, устоз ҳам, келиноним ҳам маъқуллаган эдилар. Дарҳақиқат, асардаги персонажлар сони (улар 20 дан ортиқ-Д.Т.), миллий урф-одатлар, водий манзараси, ундаги бир олий мактабдаги ажойиб маърифий муҳит тасвири, воқеалар силсиласининг бадий хронотоп асосида жойлаштирилиши эртақ-пьеса жанрига тўлиқ жавоб беради. Факат сахна кўринишини тақсимлаб олиш керак, холос.

Мен сўз санъатига мафтункор, унга фидойи бўлган инсон билан дўст ва замондош бўлганимдан фахрланишим баробарида мўъжизалар мўъжизаси адабиёт бўстонидаги суҳбатларимиз узоқ йиллар давом этишини Яратгандан тилаб қоламан.

СЕРҚИРРА ИХЧАМЛИК

Қозоқбой ЙЎЛДОШ,

педагогика фанлари доктори, профессор.

Йўлдош ака билан илк бор, чамаси, 2000 йиллар бошида учрашдик. Унгача у ер-бу ерда чиққан мақолаларини ўқиган бўлсам-да, ўзини кўрмаган, демакки, суҳбатини олмаган эдим. Ўшанда Йўлдош домланинг докторлик диссертацияси бизнинг кафедрада муҳокама қилинди. Муҳокама жуда қизгин ва яхши ўтди. Йўлдош ака раҳматли Раҳматилла Иноғомов домла билан яқин экан, шекилли, йиғиндан сўнг Иноғомов домла кўярда қўймай, гурунглашишга ундади. Раҳматилла ака раҳбарлигида Адҳамбек Алимбеков, Йўлдош ака ва мен Адҳамбекникига бориб роса ҳангомани қизитдик. Гурунг асносида сиртдан сипо ва тортинчоқ кўринадиган Йўлдош аканинг қизиқарли суҳбатдош, энг муҳими, яхшигина ҳазил туйғусига эга одам эканига таниғ бўлдим. Муҳокамада у киши жиддий олим сифатида кўринган бўлса, ўша гурунга домланинг аския бобида ҳам, шоҳмот ўйинида ҳам бировга бўш келмаслиги аён бўлди. Мамажон Муҳитдиновдай гроссмейстерлар ҳамда Эркин Воҳидовдай машҳур шахматчилар билан дона суришиб юрган Раҳматилла ака ўшанда, негадир, Йўлдош акага ютқазиб қўйганига таниғ бўлганмиз. Кўрганлар яхши билади Раҳматилла ака аскияга ҳам уста одам эди. Аммо ўша куни Иноғомов домла шоҳмотда ютқазгани туфайлими ё янги фан докторининг руҳи баландлик қилдими, ишқилиб, аския борасида ҳам ўчини ололмаганди.

Домла докторлик диссертацияси химоясидан сўнг Тошкентга тез-тез келадиган бўлди. Ёзувчилар уюшмасида ўтадиган йиллик йиғинларда ҳам анча фаол эди. Кўпчилик Тошкентда туриб бундай йиғинларга вақт тополмаса, Йўлдош ака Фарғонадай жойдан эринмай етиб келган ҳолатлар кўп бўлган. Бу орада домла билан анча яқинлашиб қолдик. Дўрмондаги ёзувчилар ижод боғида кўришиб турадиган бўлдик. Бу йўлиқишларимизда ҳар турли мусобақалар ҳам ўтказардик. Ва домла бу мусобақаларнинг бирортасида ҳам бўш келай демасди.

Жисман ихчамгина, овози шикаста Йўлдош ака менда кўриниши билан моҳияти уйғун одам сифатида тааассурот қолдирган. Домланинг аксар ёзганлари ҳам ихчам. Сўзни исроф қилишни хуш кўрмайди. Қўлимдаги ўнга яқин китобининг бари ҳам юпқа-юпқа. Ўқишга ҳам, кўтариб юришга ҳам қулай. Ихчамлигига қарамай, ё айнан ихчамлиги туфайлимикин, Йўлдош ака жуда серқирра қобилият эгаси ҳам. Аскиячилиги ва шоҳмотни яхши билишини айтдим. Кейин қарасам, тузуккина шеърлар ҳам ёзар экан, давраларни бошқаришни ўрнига қўяр экан. Ўзининг асл иши бўлмиш синчиликнинг-ку барча йўналишлари бўйича қалам суради. Адабиёт оламидаги ҳамма янгиликлардан вақтида хабардор бўлади. Шунинг учун ҳам у киши таҳлил қилган кўпчилик асарларни аксар касбдошлари ҳали ўқимаган ҳам бўлишади. Чунончи, талаба қиз Муяссар Тиловованинг “Кўкёл” ҳикоясини алоҳида бир мақолада атрофлича таҳлил қилганда кўпчилик адабиёттанувчилар бу ёзувчи қизнинг ким эканини ҳам билишмаганди. “**Лириканинг латофати**” мақоласида шеърларидан намуна келтирган Акрам Аминовнинг кимлигини мен ҳалигача билмайман.

Олим адабий жараёни синчковлик билан кузатиб боради ва ўзининг ҳар бир тадқиқотида унга хос тамойилларни кўрсатиб беришга уринади. Жумладан, унинг “Чигал тақдирлар драмаси” мақоласидаги: **“Сўнгги йилларда ўзбек адабиёти шаклан ва мазмунан шиддатли янгиланиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Кейинги ўн йилликда ўзбек адабиётида дурагайлашиш, чатишиш, пайвандлашув ҳодисаси кўзга яққол ташланяпти”** тарзидаги тўхтама ҳодиса замиридаги қонуниятни ҳаққоний кўрсата олгани билан эътиборни тортади.

Й. Солижонов ўзи тадқиқ қиладиган объектнинг моҳиятини белгиловчи жиҳатни тайин қилиш, унинг мавжудлиги ва тараққиётини таъминлайдиган омилларни аниқлаб олиш фикрга салмоқ бағишлайди, деб ҳисоблайди. Бу хусусият олимнинг **“Ҳозирги ўзбек ҳикояси...”** мақоласидаги: **“...ҳикоя деганда биринчи галда воқеалар баёни эмас, балки унда яратилган характер кўз олдимишга келади”** шаклидаги хулосасида кўзга яққол ташланади. Олим ушбу мақолада ўзбек ҳикоячилигида содир бўлаётган ўзгаришларнинг туб сабабларини кўрсатиб беришга уринади. У адабий жараёндаги ҳар бир ўзгариш, янгиланиш қандайдир сабаб билан рўй бериши ва муайян оқибатларга олиб келишини ўзбек ҳикоялари мисолида ишонарли кўрсатиб беради: **“Янги аср бошларига келиб ҳикоя жанрининг яна ҳажман ихчамлашаётгани сезилмоқда. Бу эса жанр структурасида новеллага хос хусусиятларнинг қайта жонланаётганлигидан далолат бераётир. Шундай хусусиятлардан бири, ҳикоя сюжетида кучли драматик воқеаларнинг кетма-кетлиги ва босқичма-босқич кучайиб боришидир... Натижада ҳикояларда воқеа тизилиши кучайиб, баён темпи ортмоқда”**. Бу фикрлар синчининг ҳикоячиликнинг ўсиш кечимини синчиклаб кузатиши самараси ўлароқ пайдо бўлган.

Йўлдош ака ўзи тадқиқ қиладиган бадиий-эстетик объектга хос энг майда жиҳатларга қадар синчиклаб ўрганади ва уларнинг замирида муайян қонуният борлигини аниқлашга уринади. Бу жиҳатдан олимнинг отадошлар: Асқад Мухтор билан Омон Мухторнинг адабий-эстетик қарашлари солиштирилган **“Муштараклик ва ўзига хослик”** мақоласи характерлидир. Йўлдош домла бу тадқиқотида бир адабий объектга бу икки адиб қандай ёндашгани, қайси жиҳатни кўргани, кўрганидан қандай хулоса чиқаргани борасида уларнинг ўнлаб мақолаларидаги қарашларни битталаб солиштириш асосида жуда синчковлик билан эринмай кўрсатиб беради. Олим икки ёзувчининг қарашларидаги ўртоқ ва айирмали жиҳатларни кўрсатиш билан кифояланмай, буларнинг сабабини ҳам ишонарли асослайди.

“Лириканинг латофати” мақоласида эгаманлик (мустақиллик) даври ўзбек шеърлятига хос ўртоқ жиҳатларни: **“...ўзбек лирикаси бошқачароқ сифат касб эта бошлади. Унда ижтимоий тафаккур юки ортди. Бу ижтимоийлик инсоннинг шахсий муносабати, ҳис-туйғулари билан чамбарчас боғлиқ тарзда ифода этилди”**, - дея изоҳлайди. Бу тўхтамада бугунги миллий лирикага хос етакчи хусусиятлар аниқ акс этади.

Олим ўз фикрларини айрим ҳолларда ҳикмат кўринишида ифода этади: **“Шеър бу инсон қалби, руҳидир. Қалб билан руҳ эса илоҳиётга тегишлидир.**

Яхши шеър ёзилмайди, балки тугилади...” йўсинидаги қараш фикримизга далил бўла олади. Шунингдек, домланинг: *“Ўзбегим” қасидаси ўз даврида миллатнинг маънавий эҳтиёжи тарзида дунёга келган ва халқнинг айни пайтдаги ўзлигини англаш учун янгиланаётган хоҳиш-истагини ифодалаган эди*”,- тарзидаги қаноати ҳам масаланинг моҳиятини кўра билганидан белгидир.

Олимнинг Анвар Обиджон шеърияти ҳақидаги: *“Адиб қандай мавзу ёки воқеликни қаламга олмасин, унга биринчи галда ўзининг ўзбек фарзанди эканлигини ҳис қилиб ёндашади*”,- шаклидаги тўхтамида А. Обиджон ижодига хос етакчи қирра бўлмиш миллийликни тўғри топа билгани кўринади.

Гарчи домланинг ёши улуғ ва ўзини анъанавий йўсиндаги адабиёт тарафдори, деб билса-да, миллий адабиётимиздаги шаклий-мундарижавий изланишларни қабул қилиб, ундаги рационал жиҳатларни холис баҳолай олади. Олимдаги бу хусусият шоир Абдунаби Бойқўзи томонидан яратилган “бешнаво” деб аталмиш шеърий шаклларга унинг муносабатида яққол кўзга ташланади. Йўлдош ака бешнаволарни жуда билгичлик ва хайрихоҳлик билан чуқур таҳлил қилади. Шоирнинг битикларида *“изтироб, армон устуворлик қилиши*”ни қатор мисоллар орқали исботлайди. Бешнаволарда олим остма-уст қаторлаштирилган бешта сўзни эмас, балки чинакам шеърий ҳодисани кўра ва кўрсата билган, улардаги поэтик латофатни ишонарли изоҳлаб бера олган.

Домланинг Исажон Султон қиссаси ҳақидаги: *“Онаизорим” қиссаси ўзбекнинг ҳақиқий қишлоқ аёли қиёфасига қўйилган адабий ҳайкал*”,- деган қараши ҳам кишида хайрихоҳлик уйғотади. Олимнинг бу тўхтами ҳам ёзувчи маҳоратига, ҳам ўзида миллат аёлига хос эзгу маънавий сифатларни уйғунлаштирган аёл шахсига берилган адолатли баҳо бўлди дейиш мумкин.

Хуллас, ҳозирда улуғ саксон ёшини қаршилайётган оқсоқол олимга куч-қувват, чегара билмас адабий кечимдаги диққатга лойиқ яратиларни кўриш ва баҳолаш бобида чарчамаслик тилаймиз. Ихчам мақолалару ихчам китоблар кўпаяверсин, оға!

ТАЛАБЧАН ВА ҚАТЪИЯТЛИ ОЛИМ

Салимахон МИРЗАЕВА,

Андижон давлат университети профессори.

Самода юлдузлар бисёр. Кўнгил энг ёруғига талпинаверади. Саноқсиз юлдузларнинг ўз ўрни бор. Аммо улар орасида энг порлоғи, энг нурафшони ялт этиб кўзга ташланаверади. Ундан кўз, қалб узолмайсан. Беихтиёр талпинасан, унга ўхшагинг, унингдек ёруғ юлдузга айлангинг келаверади.

Адабиёт ҳам бесарҳад бир осмон... Унинг юлдузлари беқиёс. Ҳар юлдузнинг ўз услуби, ўз айтар сўзи бор. Аммо ана шу услубга бетакрор чизгилар бера олган, адабий муҳитга ёниб кириб келган, қарийб эллик йиллик фаолиятини шу ёруғлик билан қанча-қанча илмталаб кўнгилларга зиё улаша олган бир юлдуз борки, у ҳақида гапирганда тўлқинланмаслик мумкин эмас. Мен таърифламоқчи бўлган юлдуз ўзига хос овози, услуби, фикрига эга, шунингдек, талабчанлиги билан адабий муҳитда юксак ўрин топа олган

Йўлдошхўжа Солижоновдир. Бу инсон айтган гапнинг ўрни бор, илдизи бор. Олим ҳеч қачон асоссиз, илдизсиз фикр айтмайди.

Элик йил... Бу оз фурсат эмас. Бир инсоннинг туғилиб, кексалик фаслига яқинлашиши дегани... Бу вақт чинакам сарҳисоб, ёруғ бир илмга рўшнолик аслида...

Инсон, аввало, устоз танлашда синчков, талабчан бўлиши шарт! Йўлдошхўжа Солижонов бу борада адашмади. Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги Тил ва адабиёт илмий-текшириш институтининг катта илмий ходими, филология фанлари доктори С.Мамажоновга шогирдлик машаққатли йўлнинг дебчаси бўлди. Унинг илмий раҳбарлигида номзодлик диссертацияси устида бошланган иш “Ўзбек насрида автор нутқининг шаклланиши ва ёзувчининг шахсий услуги” мавзусида олиб борилди. Ўтган асрнинг 20-30-йиллари материаллари асосидаги илмий изланишлар филология фанлари номзоди илмий даражасини олишда муҳим қадам бўлди. Нуфузли таҳририятдаги бир муддатлик фаолият республика газета ва журналларида илмий мақолаларининг мунтазам эълон қилинишида муҳим аҳамият касб этди. Изланишлар қанот ёзди. Илм сирларининг парвози тобора юксалиб бораверди. Шогирдлар сафи кенгайди. Кечагина шогирдликдан бахт топаётган мутахассис кўп ўтмай доцентлик мақомини олди. Ўзи талабчан устозга, салоҳиятли олимга айланди. Атрофида бу илм нуридан баҳра олувчилар кўпайди. Зиёга талпинувчи қалблар сони ортди. Ҳам хавас, ҳам шогирдлик орзусидаги талабаларнинг олимни йўқлаб келишлари гўёки офтобга талпинган шуълаларни эслатади.

2003 йилда ҳимоя қилинган “XX асрнинг 80-90-йиллари ўзбек насрида бадиий нутқ поэтикаси” мавзусида докторлик диссертацияси адабий муҳитнинг энг гўзал эътирофларини ўзида жо этди. Улкан адабий меросни муштдек юрагига, беназир идрокига сингдира олишлик машаққати олим учун ўзгача бир завқ, ўзгача бир тантилик, ўзгача бир хотиржамлик заминидир.

Айни кунга қадар чоп этилган 20дан ортиқ китоблар (шундан 3та монография, 5 та ўқув ва услубий кўлланмалар, адабий-танқидий мақолалар, рисоалар), 500 га яқин илмий мақолалари бугун биз шогирдлар учун жуда катта илмий мерос, айтиш жоиз бўлса, ибратли тажриба мактабидир.

Олим иш фаолиятининг 25 йилини кафедра мудири сифатида раҳбарлик машаққатларига сарф этди. Қувониб айтиш керак, мазкур даврда кафедранинг илмий салоҳиятини ошириш, ўқув тизимини яхшилаш борасида энг илғор ташаббуслар илгари сурилди. Айниқса, сўнгги 14 йил давомида 4 та фан номзоди (А.Қосимов, О.Акбаров, И.Рустамова, З.Раҳимовлар), 4 та фан доктори (Й.Солижонов, А.Сабирдинов, Ҳ.Жўраев, А.Қосимовлар) сафимизга қўшилди, адабий-илмий ислохотларнинг фаол ижрочисига айландилар. Домланинг раҳбарлигида 2011 йилда Ф.Кийикбоев, 2017 йилда Қ.Йўлчиев, 2018 йилда А.Қаюмов ҳамда М.Жўраевалар илмий ишларини ҳимоя қилди.

Й.Солижоновнинг фаолияти хусусида сўз борганда, яна бир муҳим жиҳатни алоҳида таъкидлаш лозим. 2002 йилда олимнинг ташаббуси билан кафедрада магистратура мутахассислиги очилди. Ҳозир бу магистратурани тамомлаган 40 дан зиёд мутахассисдан 6 нафари кафедра ўқитувчиси

лавозимида фаолият кўрсатмоқда. Комил илм соҳибининг ўзи эса бугун 8 нафар изланувчи тадқиқотчига илмий раҳбарлик қилаётир. Адабиётшуносликнинг долзарб муаммолари, оғриқ нуқталар ечими юзасидан олиб борилаётган ҳар бир илмий изланиш, тадқиқот учун олим бор куч-ғайратини аямайди. Қаттиқ талабчанлик, ишга масъулият, янги ғояларга ташналик, замонавий ёндашувлар – барчаси Йўлдошхўжа Солижонов фаолиятининг асосий мезонларидир.

Албатта, сидқидилдан қилинган ҳар меҳнатнинг қадр, рағбати бор. Астойдил хизматлар эътироф этилганда янада гўзаллашади, шижоат ўсади. Таълим соҳасидаги кўп йиллик хизматлари давлатимиз томонидан юқори баҳолангани мукофотларда намоён. Жумладан, 1991 йилда “Ўзбекистон республикаси халқ маорифи аълочиси”, 2015 йилда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 24 йиллиги муносабати билан “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи” унвонлари билан тақдирланди. 2013 йилда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан “Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!” шиори остида олий ўқув юртлари ўртасида ўтказилган вилоят кўрик-танловининг “Энг яхши маъруза матни” номинацияси бўйича “3-даражали диплом”и, 2014 йилда Ўзбекистон республикаси давлат мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб “Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!” эзгу шиори остида ўтказилган “Энг улуғ, энг азиз” Фарғона вилояти танловида “Ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари” номинацияси бўйича “Ватан озод, турмуш обод, кўнгиллар шод” ҳамда “Кўзгудаги ҳаёт” китоблари учун “1 даражали диплом”, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг “Ватан учун яшайлик” IV республика танловида “Мўъжизалар сеҳри” китоби, мустақиллигимизнинг 27 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан эълон қилинган “Ватан учун яшайлик” V11 Республика танловида “Лирика латофати, насрнинг назокати” номли рисоласи учун рағбатлантирувчи мукофотларига сазовор бўлган олим улардан куч олди. Юрагида ўзини суйган, ўзи суйган халқига, меҳрини, қадрини улуғлаган Ватанига нисбатан янада ёруғроқ олов кўз очди. Янги-янги изланишларга қанот беришга, уларга таянч бўлишга интилиш ишқи кучайди. Нафақат Фарғона вилояти, балки бутун республикада ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирларда, адабиёт кунларида, ёзувчилар юбилейларида алоҳида эҳтиром билан таклиф этиладиган олим адабиётшунослик оламида меҳнатлари қадр топганидан, юксак баҳоланаётганидан мамнун. Ёш авлодни юксак маънавиятли баркамол авлод қилиб тарбиялаш, илмий-адабий муҳит тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш, изланишларга рағбат бериш, адабиётшунослик муаммоларини бартараф этиш йўлини умрининг эзгу тож амали деб билган бундай инсон ҳар қанча эътирофга, ҳар қанча олқишга, ҳар қанча ифтихорга муносиб. Устознинг талабчанлиги тўғрисида алоҳида қайд этишни истадик. Уларнинг шогирдлари шунчаки ўқимайди, шунчаки изланмайди, шунчаки китоб варақламайди. Олимнинг ўргатганлари, тадқиқотлари “шунчаки”ликдан йироқ, жудаям йироқ... Қайси мавзуда бўлмасин, агар изланиш ишида, диссертацияда

камчилик бўлса, сўз сеҳри етарли бўлмас, чуқур билим намоёни кўринмаса, бас, устоз ўша изланишни қабул қилмайди. Токи, шогирд астойдил, чин кўнгил билан илмга талпинмас экан, ундан ёруғлик чиқишига ишонмайди.

Ҳаётда шундай инсонлар борки, тақдирига БАХТ сураглари илм билан чизган. Умри саҳифаларини ёритган қуёш нурлари шогирдлари йўлида намоён. Қадамлар улар томонга тортади, улардан ўрганиш ишқи, билим олиш завқи ўлмайди. Шундай умрлар бор, сарҳисобидан хайр топиш мушкул, шундай тақдирлар бор эзгулик ва яхшилиққа ҳамоҳанг. Улуғ адабиётшунос, етук олим, сўз сеҳргари, фикр талабчани Йўлдошхўжа Солижонов ана шундай беқиёс умр соҳибидир. Улардан ўрганиш, тажрибасини сингдиришнинг ўзиёқ шогирдга тотли бир завқ, илм бахтини беради.

Ғайрати ичига сиғмайдиган устоз

Насимхон Раҳмонов,

**Филология фанлари доктори,
Ўзбекистон Миллий университети профессори.**

Дейли Карнегининг шундай гапи бор экан: “Инсоннинг исми –ўзи учун ҳар қандай тилда энг ёқимли ва муҳим товуш”. Мен Карнегининг гапига тузатиш киритмоқчи эмасман.Аммо унинг гапидан шундай маънони уқиб олиш мумкинки, дилга яқин устозларнинг исмини бошқалардан эшитганингизда, китоб ёки матбуот саҳифаларида ўқиганингизда қулоғингизга жудв ҳам ёқимли эшитилади.

70- йилларнинг охирида Тошкентга келиб “Ўқитувчи” нашриётида ишлар эдим. Ўша пайтларда ёш ёниқ шоирлар ҳисобланган Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Хуршид Даврон кабиларнинг шеърлари халқимиз қалбидан жой олган, уларнинг ижодига муносабат билдирган мунаққидлар ҳам тезда эътиборга тушарди. Адашмасам, ўша йиллари “Олтин беланчак” рукнида бир қатор ёш шоирларнинг (бугун улар ёш жиҳатидан эмас, ижодда ҳам катта шоир эканликларини шу ўринда айтгим келди) китоблари чикқан эди. Дўконда Усмон Азимнинг шу рукндаги китобига кўзим тушиб қолди. Бу китобчага Йўлдош Солижонов сўз боши ёзган экан. Шоир ҳақида илиқ сўзлар, адабиётнинг келажакдаги катта вакилига самимий тилаклар...Китобчадаги сўз бошини ҳамкасбларимга, бошқа дўстларимга мақтаниб кўрсатдим: “Йўлдошали Солижонов мени Фарғона педагогика институтида ўқитган устозим”. Бу гапларни келтиришимдан мақсад устоз Йўлдошали домла бундан 40-45 йиллар илгари Тошкентдаги адабий, илмий муҳитида ҳам ўз ўрнига эга бўлган

адабиётшунос олим, мунаққид бўлганини, гарчи кўпчилик билса ҳам, яна бир эслатишни истадим.

Талабалик хотираларини эшлашга туртки бўладиган бирон омил бўлади. Йўлдошали Солижонов ва унинг қаторида турадиган Азим Рахимов, Асқарали Шаропов ва яна бошқа бир қатор тилшунос устозларимиз аудиторияда биз талабаларни ўзларига қандай жалб қилиб дарс ўтишлари бугун ҳам кўз олдимда. Йўлдошали домладаги яна бир фазилат – юморга мойиллик, топқирлик, гапни ўз ўрнида “михлаб” қўйиши ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Биз 2-курсда ўқиётганимизда республика бўйлаб “Зеҳн” кўрсатуви ташкил қилинган эди. Кўрсатувда вилоятлар турли соҳада беллашар эдилар. Фарғона вилояти билан Тошкент вилояти ўртасидаги беллашув куни бутун факультетимиз талабалари ётоқхонамиз залида йиғилдик. Беллашув иштирокчиларининг кўпчилиги ўша пайтдаги институтимиз талабалари эди. Фарғона вилояти командасининг капитани Йўлдошали Солижонов. Беллашувда айрим субъектив сабабларга кўра Тошкент вилояти ғолиб бўлди. Кўрсатув ниҳоясида команда раҳнамоларига бир топшириқ берилди: улар қалам ҳақида оригинал, юморга йўғрилган мисрани экспромт тарзида айтишлари керак эди. Йўлдошали Солижонов бу топшириқни шунчалик маҳорат билан ижро этдики, фарғоналикларга хос юморни ўз ўрнида ишлата билиш лаёқатига ҳамма тан берди. Кўрсатувни томоша қилиб ўтирган талабаларнинг қарсақларидан ётоқхона биноси ларзага келгандай бўлди.

Ана шундай салоҳиятли устоз Йўлдошали аканинг адабиётшуносликдаги хизматини алоҳида тавсифлаб ўтиришга ҳожат йўқ деб ўйлайман. Вилоятда фаолият олиб бораётган адабиётшуносларнинг республика миқёсидаги энг фаолларидан бири Йўлдошали Солижоновдир.

Устоз ҳақида кўп яхши гапларни, мактовларни айтавериш мумкин. Қолаверса, устоз ҳар қанча мактовларга муносиб. Гапни шу ерда мухтасар қилиб, ғайратингиз асло сусаймасин, устоз, дейман.

СЕРЗАҲМАТ, СЕРҲОСИЛ УСТОЗ

**Икромиддин Остонақулов,
тарих фанлари доктори.**

Мен учун шеър ёзиш турфа, севикли ҳунаримдур,
Туну кун меҳнат ила қўлга киритган зафаримдур.

Айлаган мани бу кун шону шарафларга сазовор
Барча иш уза чуқур диққату қилган назаримдур.

Турмушим бўлди гўзал, бахту саодатга эришдим –
Турли меҳнатнинг суви бирла етишган самаримдур.

Ишқибози адабиёту адибларга бўлибман,
Дарди ҳажрида ёниб бастаю хаста жигаримдур.

Ҳусайнхон Мушкиннинг ҳасби ҳол тарзида битилган ушбу ғазали аслан барча ижодкорлар, олиму соҳиб қаламлар тилидан айтилгани шубҳасиздир. Чиндан ҳам халқ учун раҳмат қилиб юборилган ҳамма уламою фузалолар қисматига назар ташласак, уларнинг инсониятга қолдирган маънавий ҳосиллари “Туну кун меҳнат ила қўлга киритган зафар”ларидир.

Филология фанлари доктори, профессор Йўлдошхўжа Солижоновнинг умр йўли, ижодий фаолияти ҳақида мулоҳаза қилар эканман, Мушкиннинг мазкур байтлари бежиз ёдимга тушмади. Домла “Ушбу байтларни Мушкин менинг тилимдан ёзган” десалар мутлоқ ярашади.

Чиндан ҳам бу ажойиб инсон тиришиб ўқиб-ўрганиб, ўзи севган соҳада ютуқларни қўлга киритиб, юртга танилиб, оила қуриб, солиҳ ва солиҳа фарзандлар кўриб, турмуши гўзал бўлди, бахту саодатга эришди. Ёшлигидан шоир ва ёзувчиларга, бадий сўз санъатига ишқибоз бўлиб, ўзига замондош адиблар билан ҳамсуҳбат бўлишни орзу қилиб, уларнинг асарларига бастаю хаста бўлиб яшади ва муродига етди.

Профессор Й.Солижонов серқирра ижодкор. Аввало у она тилимиз ва ота адабиётимизни ёш авлодга ўргатишнинг ҳадисини олган ўқитувчи. Ўз устида диққат билан ишлаб, олдин фан номзоди, кейин фан доктори илмий даражасига, доцент ва профессор илмий унвонига эга бўлган, узоқ йиллар ўзи таълим олган даргоҳда мударрислик қилиб, она тили ва адабиёти муаллимларини камолга етказишга ўз ҳиссасини қўшган мавлоно (дарвоқе, устоз Алибек Рустамовнинг қайд этишига кўра, бирор олим мадрасада устозлик қилган бўлса унга “Мавлоно” рутбаси берилар экан, аммо олим бўла туриб дарс бермаган бўлса, ҳар қанча машҳур бўлса ҳам мавлоно дейилмас экан) даражасидаги инсондир.

Устоз ўзбек адабиёти намояндалари ижоди бўйича қатор монография, мақола ва тақризлар ёзиб, айниқса, ўзбек романчилиги муаммоларига доир фундаментал тадқиқотлар яратиб, замонавий ўзбек адабиётшунослиги тараққиётига катта ҳисса қўшди. Бошқа адабиётшунослардан фарқли ўлароқ домла муаллифларнинг ўзи билан шахсан танишиб, дўст-биродар бўлиб асарларини яқиндан ўрганади. Бу эса ҳар бир илмий асарининг ўқувчига таъсирчан етиб бориши учун замин яратади.

Мустақиллик шарофати билан берилган иқтисодий ва мафкуравий эркинликдан илҳомланган Й.Солижонов миллий адабиётшунослигимизнинг долзарб муаммолари бўйича айрича шижоат билан тадқиқотлар яратиб, Н.Каримов, У.Норматов, Қ.Йўлдошев каби пешқадам олимларимиз қаторидан ўрин олди.

Адабий жараёнларни зийраклик билан кузатиб борувчи адабиётшунос деярли барча замондош шоир ва адиблар билан ижодий алоқа ўрнатиб, уларнинг янги роман, қисса, шеър ва достонларини таҳлил қилиб, маслаҳатлар бериб, тақризлар ёзиб чинакам адабиёт мухлиси, “адабиёту адиблар ишқибози” эканлигини намоён қилди.

Талабалик йилларимизда (1978 йили) шоир Миртемир Фарғонага ижодий учрашувга келгани эсимда. Ўшанда Йўлдошали устозни вилоят ёзувчилар бўлими мухтарам шоирга ҳамроҳи махсус қилиб тайинлаган эди. У киши Марғилон, Фарғона, Қўқон шаҳарларида бўлиб ўтган учрашувларда Миртемир домланинг хизматларида бўлган. Кейинроқ домла маъруза ўқиш учун дарсга келганларда сафар таассуротларини ҳаяжон билан бизларга сўзлаб беришган. Мана шу суҳбат туфайли мен Миртемирни, қолаверса, бошқа улуғ сўз усталарини ўзим учун қайтадан кашф этганман. Шоирнинг барча асарларини, таржималарини қолдирмай ўқиб, ўзлаштириб чиққанман, миллатпарвар ижодкорлар кадр-қимматини баҳолай олишни зеҳниятимга жойлаганман.

Домла соҳиби зарофат, сўз устаси, юморга бой, ҳозиржавоб инсон. Домланинг ҳузурида сўзлаётган одам (айниқса у “тилчи” бўлса) стилистик хатога, маъно аттенкасини ноўрин қўллашга ҳақи йўқ: ё танқид эшитади ёки мазаммат қилинади. Аммо бу танқид ёки мазаммат сўзловчига ўзига хос нутқий сабоқ бўлиб хизмат қилади.

Домла илмий иш билан бир қаторда, доимий шеърлар ёзади. 2017 йили “Умрим бекатлари” номли шеъррий тўплами босилиб чиқди. Тўпламдаги барча шеърлар муаллифнинг дил тубида яширинган туйғулари ифодаси бўлиб дунёга келган.

Устознинг шахсий фазилатларидан бири шуки, у киши ўз олдига қўйган мақсадига эришиш учун вақтдан унумли фойдаланади. Бу йўлдаги машаққатлардан чўчимайди. Филолог олим сифатида Й.Солижонов камдан кам олимларга насиб этмаган бир бахтни ҳам қўлга киритган. Бу ҳам бўлса, илмий ишга журналистика мактабини ўтагандан кейин дадил қадам қўйганидир. Дарҳақиқат, олий ўқув юртини тугатгач, домла вилоят “Коммуна” газетасида мухбир, адабий ходим бўлиб ишлаган. Бу кезларда у Адҳам Ҳамдам, Шерали Тошматов, Абдулла Мирзаев, Йўлдош Сулаймон, Охунжон Ҳакимов каби қалам эгалари мактабида таҳсил олиб, адабий маҳорат сирларини эгаллаб, қалами чархланиб, ижодда интенсив ишлаш ҳадисини олган.

Мен ҳам бу масалада Йўлдошали устоз йўлини ўз тақдиримда такрорлаганимдан хурсандман. Мен ҳам институтни битириб, газеталарда бироз ишлаб, сўнг аспирантурага кирганман. Бу қисқа муддатли стажировка илмий ва ижодий фаолиятим учун амалий дорулфунун вазифасини бажарганлигини ҳамиша ҳис этиб тураман.

Й.Солижонов илмий фаолияти ҳақида ўйлар эканман, бир масалани ўртага ташламоқчиман. Бизда шоир ва адиблар ижодини тадқиқ қилиш анъанаси яхши йўлга қўйилган. Бироқ адабиётшунослар меросини тадқиқ қилиш, уларнинг ҳаёти ва ижодини магистрлик ва докторлик ишлари учун мавзу қилиб бериш удуми оқсаб турибди. Менимча, ҳар бир олий ўқув юртида меҳнат қилган профессор ва фан докторлари илмий мероси расмий равишда

ўрганилиши лозим. Хусусан, Фарғона давлат университетида Й.Солижонов каби олимларнинг илмий асарлари магистрлик ва докторлик диссертациялари учун етарли материал бера олади.

Йўлдошхўжа устоз - азизлар авлодидан, хожалар наслдан. У кишининг таважжуҳи шогирдни камолга етказди, дуоסי мустажоб – эзгу тилак билдирсалар, албатта амалга ошади. Шу маънода мавлоно бизларнинг хожамиз, адабиёт ва маънавият жабҳасидаги нигоҳбонимиз. Саксон ёшингиз муборак бўлсин, умрингиз узок бўлсин, ижодингиз бундан ҳам сермахсул бўлсин, Хожам!

ЮРАГИ ЮЗИДАГИ ОДАМ

Махфузулло Раҳмонов,

Филология фанлари номзоди, доцент.

Мен Йўлдош ака билан институтга кирган йилдан танишман (1963 йил). Мана шунга ҳам 50 йилдан ўтибди.

1970 йилдан бошлаб то шу даврга қадар бир даргоҳда ишлаб келдик. Ҳозирги кунда биз тенги ўқитувчилар санокли қолди. Кўп йиллар давомида бир-биримиз билан бирга бўлдик, тушундик. Йўлдош акамда жуда кўп фазилятлар: инсонийлик, одамгарчилик, дўстларига, яқинларига, ҳамкасбларига бўлган ижобий муносабат яққол кўринади.

У етук мутахассис, ўз касбининг фидойи эгаси сифатида жамоада катта хурмат қозонди. Жуда кўп дўстлар, кадрдонлар орттирди. Ҳамкасблари, талабалар, атрофидаги инсонларга дилдан, очикчасига ўз фикрини билдиради. Мабодо, улар бирор ишда хатога йўл қўйса, нотўғри фикр билдиришса, домла уларнинг ноҳақлигини юзига айтади. Шу нарсани айтсам қандай бўларкин, нима деяр экан, деган ўйлардан йироқ юради. Чунки уларга айтилган дашном ёки танбеҳ ҳеч қачон асоссиз бўлмаган, шундан ҳеч ким улардан хафа бўлмаган.

Бир пайтлар мен дарс жадвали тузар эдим, ўшанда *сешанба* сўзини *сейшанба*, деб хато ёзиб қўйибман. Йўлдош акам келиб, “Сешанба сўзи сейшанба деб ёзилар экан-да, билмай юрган эканмиз”, - деб ҳазил-мутойиба қилиб қўйди. Мен Йўлдош акамнинг бу гапидан хафа бўлмадим, ўзимдан хафа бўлдим, ўзимни койидим. Бошқа одам бўлганда, шу сўзни хато ёзибди-я, билмабди-я, деб ичида ўйлаган бўларди ва бу Йўлдош акамнинг юзимга айтганидан ёмонроқ эди.

Яна бир мисол: Навоий ғазалларида қўлланувчи *билмон* сўзини қайсидир талаба сўраганида мен хаёл билан бўлиб, нотўғри айтибман. Шунда Йўлдош акам: “Бу феълнинг бўлишсиз шакли”, деб тўғрилаб қўйган. Шу ҳолатда ҳам Йўлдош акам ҳақ бўлиб чиққан. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Йўлдош акамнинг кучли томони ҳамма вақт тўғрини тўғри, нотўғрини нотўғри, деб айта олган. Уларнинг бундай тўғри сўзлигидан кўпчиликнинг хабари бор.

Й.Солижонов олим сифатида ҳам, зиёли сифатида ҳам жуда баркамол одам. Унинг оғзаки нутқи ҳам, ёзма нутқи ҳам равон. Адабиётнинг ҳамма

эшикларини очиб, масалаларни тўғри таҳлил қилиб берадиган мутахассисдир. Йўлдош акамнинг хулқи хатига ҳайрон қоламан. Факультетда чиройли хат ёзадиганлар кам эди. Йўлдош акам 50 йил аввал қандай хат ёзган бўлса, ҳозир ҳам шундай ёзади.

Йўлдош акам оилада беш нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказди. Феруза, Музаффар, Саидакбар, Саидахрор ва Ҳилолалар ҳавас қиларли даражада камол топдилар. Йўлдош акамнинг аёли Лолахон билан турмуш курганига 55 йилдан ошди. Мана, ҳозиргача иноқ, иттифоқ яшаб келишмоқда.

Ҳар бир одамда бўлгани каби Йўлдош акамда ҳам ўзига хос феъл хусусиятлар бор:

1. Қиёфа ўхшашлиги. С.Аҳмад, У.Тўйчиев ҳамда А.Обиджонларга монанд.

2. Ҳақ ва ноҳақ фикрни шартта айтадиган одати бор.

3. Ҳуснихат бобида Йўлдош акага тенг келадиган одамнинг ўзи йўқ.

4. Мен бир нарсага ҳайронманки, Йўлдош ака 50 йил аввал қандай вазнда бўлсалар, ҳозир ҳам ўзгармаган.

5. Жирракилик ва алдамчиликни ёқтирмайди. Пахта далаларида ва малака оширишда кўп вақт бирга бўлар эдим. Карта ўйнаб, уларни ҳазил аралаш сал алдаб кўяр эдим. Шунда фиғони фалакка кўтарилиб, қоғоз қалам олиб, ўйин натижаларини ёзиб борар эди.

Мана ойлар, йиллар ўтиб, Йўлдош акам 80 ёшни ҳам қаршилаб қўйибди. Уларга доимий саломатлик ҳамда мавлоно Лутфий ёшини тилаб, сўзимни қуйидаги тўртлик билан яқунлайман:

*Табаррук бир ёшга етибсиз омон,
Аллоҳим кун берса адоғи бўлмас.
Агар юракларни забт этса инсон
Бундайин умрнинг саноғи бўлмас.*

ҚУТЛУҒ ЁШ МУБОРАК БЎЛСИН!

**Улуғбек Ҳамдам,
филология фанлари доктори.**

У киши таниқли адабиётшунос олим, ўткир тилли мунаққид бўлиши билан бирга, беш боланинг, жамиятда ўз ўрнини топган беш ўғил-қизнинг отаси ҳамдир. Яна шуки, унинг фарзандларидан бири – Музаффар Солижонов каминанинг Ўзбекистонун Туркия университетларидаги партадоши, сирдоши, сафардошу сафдошидир. Шуларнинг ҳаммаси бир бўлиб, филология фанлари доктори, профессор Йўлдош Солижоновни камина бирмунча яқиндан танийди, олимлигию шахсиятидан бир қадар хабари бор, дея оламан.

Йўлдош Солижонов – куюнчак, ростгўй, ҳозиржавоб олим! Адабиёт оламида бирон яхши асар ёки адабиёт илмида бирон пухта тадқиқоқ яратилса, албатта у ҳақдаги баҳсу мунозараларга ўз муносабатини билдиради.

Йўлдош ака – оқибати бор инсон. Тошкентда “адабиёт одами”га “бир гап” бўлса, албатта, вақт топади, имкон топади ва йўлга чиқади. Йўқлайди, кўнгил сўрайди.

Қолганларини ёдда тутган ҳолда, мана шу икки хислатни домладан кейин келаётган авлодларга сув билан ҳаводек зарур, деган бўлардим мен.

Домла соғ-саломат бўлсинлар! У киши Фарғонада ёққан, зиёси бутун Республикамизга таралиб турган чироқлари яна порлашда давом этсин! Оиласи, ўғил-қизу неvara-эвараларига, шогирдларига маънавий йўлбошчи бўлиб, яна жуда кўп йиллар кўзларимизни-ю кўнгилларимизни қувонтириб юрсинлар!

ЭЪТИҚОДИГА СОДИҚ ОЛИМ

Султонали Маннопов,

Ўзбекистон халқ артисти, профессор.

Сарлавҳамизнинг ўзига хос маъноси борлигини мухтарам китобхон яхши англаган бўлса керак. Чунки ҳар бир инсон бу дунёда ҳаёти давомида босиб ўтган йўли билан ўз баҳосини олади. Инсон қандай яшаши, умргузаронлик қилиши, ҳаётда ўз ўрнини топиши, ўзидан из қолдириши билан ўзининг умр бекатларини яратади. Севган касбига содиқ қолади, унинг замирида қанчадан-қанча меҳнат ётишини ҳис қилади ва шу йўлда ўз мақсадига эришади. Бу йўлдан қайтмайди ва аниқ мақсадига эришмагунча интилаверади.

Айнан шу хислатлар ўзбек адабиётшунослигининг сардорларидан бири, республикамизга таниқли олим, филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Йўлдошхўжа Солижоновнинг адабиётга бахшида умрига хосдир.

Камина устозни яқин 55 ёшдан буён биламан. Муסיқа билим юртида ўқиб юрган чоғларимда ўша даврда Фарғона педагогика институтига (ҳозирги ФарДУ) келиб тадбирларда қатнашар эдик. Бу тадбирларга албатта устоз бош-қош бўларди. Эсимда, бир сафар кўзойнак тақиб, таниқли ёзувчи Мирмухсин ролида шоирнинг шеърларидан ўқиганда, унинг нақадар ўхшаганлигига барча ҳайрон қолган эди. Кейинчалик институтда муסיқа йўналиши очилиб, ўқишга кирганимда доимо тадбирларни бирга ўтказиш насиб этди. Ўша талабалик давримизда устоз вилоятлараро ташкил этилган республика телевизион “Зеҳн” кўрсатувида жамоа сардори бўлиб, командага фахрли ўринларни олиб берган эдилар. Ўша даврда республиканинг бутун эътибори шу телевизион танловга қаратилган эди. Ўтган даврлар мобайнида ҳамиша бир-биримизга ҳурмат, эътиборда, маслаҳатгўй бўлиб қолишлик насиб этди.

Устоз докторлик диссертациясини ҳимоя қилганда кенгаш йиғилишида қатнашиш бахтига муяссар бўлган эдим. Республикамизнинг таниқли олимлари қатнашиб, устоз ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришганда, домланинг адабиётшуносликдаги ўрни нақадар юксаклигини ҳис қилган эдим.

Устознинг яна бир қирраси унинг шоирлигидир. Ёзган шеърлари ҳам илмий услубларга хос равишда жаранглайди. Биргина “Умрим бекатлри” китобини варақлаганда фаслларга бўлинган шеърини оҳангларда ўзига хос янгича услубларнинг гувоҳи бўламиз. Айниқса, бу китобда бағишловларни

қизиқиб ўқийсиз, қисқа мисраларда ҳар бир қахрамонининг бутун сийрати намоён бўлади ва тўлиқ тасаввур ҳосил қиласиз. Йўлдош ака Солижонов узоқ йиллардан бери вилоятимизда номи чиққан машҳур инсонлар иштирок этадиган гуруҳимизнинг фаол аъзоси сифатида қатнашиб келади ва ўзининг мустаҳкам ўрнига эга. Бағишловларда ҳар биримизнинг сийратимизга аниқ чизгилар берган. Бундан фақат баҳра олади киши.

Устоз мана бугун ўзининг 80 ёшини қаршиламоқда. Бу кунларга етиш учун қанча меҳнат қилди, ҳаётдаги қийинчиликларни енгиб ўтди ва ниҳоят буларнинг барчасини сарҳисоб қилиб, бугунги фарахбахш кунларга етиб келганига шукроналик ҳисси билан яшаш насиб этмоқдаки, буни фақат эҳтиром билан табриклаш мумкин, холос.

Устоз, умрингиз янада ёруғ кунларнинг гувоҳи бўлсин, икки дунё саодати ёр бўлсин. Ҳамиша ўз эътиқодингизга содиқ қолишингизни тилайман.

Шоир айтганидек:

*Яхшидур ортингдан яхши от қолса,
Ҳикматларинг мангу барҳаёт қолса..
Инсонлик номингдан бир исбот қолса,
Сени мангуликка элтар дунё бу.*

Сизга яна бир бор мустаҳкам соғлик ва узоқ умр тилайман.

ЮКСАК НОТИҚЛИК МАҲОРАТИ

*Шарифа ИСКАНДАРОВА,
ФарДУ профессори.*

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, филология фанлари доктори, профессор Йўлдошхўжа Солижоновнинг ғайратига, шижоатига ҳавас қилсак арзийди. Домла ҳозирда қутлуғ 80 баҳорни қаршилаган бўлишларига қарамай (кўз тегмасин), ҳам янги чиқаётган бадий асарларни ўқиш, ҳам пешма-пеш китоблар ёзиш, ҳам республика матбуотида тош босадиган илмий ва оммабоп мақолалар бериш, ҳам шогирдлар тайёрлаш борасида тинимсиз фаолият юритаётган, барчанинг ҳавасини бирдек келтираётган адабиётшунос олимдир.

Устоз ҳақида ўйлаганда, кўз олдимга талабалик даврим, ўтган асрнинг 80-йиллари келади. Солижонов домла бизга “XX аср ўзбек адабиёти”, “Адабий танқид” фанларидан дарс берган эдилар. Бизнинг гуруҳимизда 44 талаба ўқиганмиз, 27 қиз, 17 йигит. Табиийки, 40 дан ортиқ талабанинг ўзига яраша шўхликлари, ўзига яраша “хунар”лари ҳам бўлади. Курсдошларимиз орасида ижодкор, билимдон, интилувчан, берилган вазифаларни вақтида бажариб уддалайдиган йигит-қизлар билан бирга, бирмунча дангаса, топшириқларни писанд қилмайдиган, айрим профессор-ўқитувчиларга эркалик қиладиганлари ҳам топиларди. Лекин устоз Й.Солижоновнинг топшириқларига ҳамма бирдек

берилиб тайёрланар, дарс машғулотларида тўлиқ қатнашишга ҳаракат қиларди. Бунинг энг муҳим сабаби домладаги талабчанлик билан бирга, юксак даражадаги нотиклик маҳорати эди.

Устоз ўқув йилининг бошларида бизга йил давомида ўқишимиз зарур бўлган бадий асарлар рўйхатини тавсия қилишарди. Биз, талабалар, берилган китобларни пахта терими даврида қўлма-қўл қилиб, айрим пайтлари таллашиб ўқиб чиқардик. Домла томонидан топширилган бадий асарларни ҳеч бир талаба шунчаки варақлаб қўймас эди. Эсимда, дугоналаримдан бири романлар ёки қиссаларнинг сюжетини, асар қаҳрамонларини билсак бўлади-ку, деб эътироз билдирганида, домла китобни фақат ўқиш билан кифояланманг, уни ўқиш, ўрганиш керак деб таъкидлагандилар.

Биз машғулотлар вақтида Устознинг маърузаларини шу қадар берилиб тинглар эдикки, икки соатлик дарслар қандай тугаб қолганлигини деярли сезмай қолардик. Устоз Солижоновнинг маърузалари орқали XX аср бошларидан то охиригача бўлган ўзбек адабиётининг нодир намуналари, бу даврлардаги адабий муҳит, ҳақиқий ўзбек кишининг ранг-баранг миллий қиёфасини акс эттирган персонажлар, замонавий ўзбек адабиётининг ноёб дурдоналари саналган бадий асарларнинг моҳият-мазмуни ҳақидаги илк билимларни олганмиз. Ҳатто Абдулла Қодирийнинг қаҳрамонларига исм танлаш санъати, тилшунослар таъбири билан айтганда, антропонимлардан фойдаланиш маҳорати хусусида ҳам илк маълумотни Солижонов домладан эшитганмиз.

Талабаликнинг бир қарашда жуда машаққатли, бир қарашда завқли онлари бўлган пахта терими даври баъзан сентябрдан декабрь ойларигача давом этарди. Айниқса, сўнгги ойларда анча зериккан, толиққан талабалар кечқурунлари дала штабларида турли-туман тадбирлар, сахнавий кўринишлар тайёрлаб, вақтимизни мазмунли ўтказишга ошиқардик. Ана шундай тадбирларда домланинг ҳазил-мутойибага мойил чиқишлари, ичакузди пародиялари барчани бирдек қувонтирар, бирдек ўзига тортарди.

Й.Солижоновнинг нотиклик маҳорати ҳақида гапирганда, менинг кўз олдимда жаҳон адабиётининг зукко тадқиқотчиси устоз Азим Раҳимовнинг (Оллоҳ раҳмат қилсин) докторлик диссертацияси ҳимояси келади. 1994 йилнинг январини эди. Мен ҳам номзодлик диссертациямни ҳимоя қилиб, ҳимоя билан боғлиқ ҳужжат ташвишлари орқасидан Тошкентда юрган кезларим эди. 28 январь куни А.Раҳимов Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги ихтисослашган илмий Кенгашда “Ўзбек романи поэтикаси” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилганлар. Ҳимоя жараёнида домланинг диссертацияси юзасидан расмий ва норасмий тақризчиларнинг чиқишлари давом этди. Фарғона давлат университетидан вакил сифатида иштирок этаётган Й.Солижонов домла сўз сўрадилар. Домла сўз бошлаганлари ҳамон зал сув қуйгандек жимжит бўлди. Диссертация ва диссертант ҳақида шунчалик ўринли фикрлар айтилиб, ўринли далиллар келтирилдики, назаримда, Солижонов домлани ҳамма жон қулоғи билан тинглагандек бўлди. Худди ўша куни мен

Устоздаги нотиклик маҳорати, топиб гапириш санъатига яна бир бор қойил қолганман.

Профессор Й.Солижонов бугуннинг ҳозиржавоб танқидчиси, қатор шогирдларнинг талабчан устози. Олим томонидан яратилган ўнлаб китоблар, республикамизнинг нуфузли журнал ва газеталарида чоп этилаётган илмий ва илмий-оммабоп мақолалар фикримизни тасдиқлайди. Шу кунгача устоз раҳбарлигида Ф.Кийикбоев, Қ.Йўлчиев, М.Жўраева, А.Қаюмов сингари тадқиқотчилар номзодлик ва докторлик ишини ҳимоя қилган бўлсалар, О.Аҳмаджонова, Ф.Турсунова каби изланувчилар домланинг маслаҳатлари, ўғитлари билан ўз ишларини давом эттирмақдалар.

Профессор Й.Солижонов республика илмий жамоатчилиги орасида, айни пайтда, ФарДУ қошидаги ихтисослашган илмий Кенгаш раисининг ўринбосари, жонкуяр, фаол олим сифатида ўз ўрнига, сўзига эга.

Домла тўғрисида яна анча гапиришим мумкин, ибрат оладиган жиҳатлари жуда кўп. Бироқ Солижонов домла ҳақида ёзишга анча қийналдим. Домланинг ўзлари академик Салоҳиддин Мамажоновнинг ҳаёт йўли ва фаолияти ҳақида ёзган “Олимнинг олами” рисоаларида айтганларидек, “Устозлар ҳақида ёзиш осон эмас”. Зеро, улар ҳалигача биз учун ўша улуғ Устозлик мақомида туришади.

Муборак ёшингиз қутлуғ бўлсин, ғайратингизга кўз тегмасин, Устоз! Доимо саломат юринг, фарзандлар, шогирдлар ардоғида бўлиш насиб этсин!

Устозларини улуғлаган инсон

**Тўлқинжон Зоҳидов,
тарих фанлари номзоди, доцент.**

Муҳтарам инсон, мартабали, олим ва мураббий, республика миқёсида танилган адабиётшунос, филология фанлари доктори, профессор Йўлдошхўжа Солижонов билан яқиндан таниш бўлганим билан фахрланаман. Дарҳақиқат, халқимиз орасида мукаррам ва муҳтарам инсон чин комиликка эришан бўлиши керек, деган мезон ҳам борлиги бежиз эмас. Домланинг ўзига хос юксак манавияти, ақл-заковати ҳамда етук илми қолаверса, олижаноблиги Солижоновга шахсан хос, унинг шу қадар эъзозланиши ва кадрланишга муносибки, бундай бахтни ҳеч нарса билан, ўлчаб ёки қиёслаб бўлмайди.

Ўрта мактабда ўқиган пайтларимизда ўқитувчиларимиз касбий йўналишимизга оид сабоқларга Риштон туманидан етишиб чиққан машхур кишилар, олиму фузалолар номларини келтиришиб, улар қаторида Йўлдошхўжа акамизни ҳам эслаб, уларга ўхшаган олим бўлишимизга даъват этардилар.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, юбиляримизнинг ўзига хос хислатларидан бири – устозларини эслаш, эъзозлаш ва ҳолидан хабар олишдир. Масалан, менинг падари бузрукворим Тўхтасин Зоҳидов иккинчи жаҳон урушидан эсон-омон қайтгач, ўтган асрнинг 50-йиларида домла ўқиган мактабда тарих

фанидан ўқитувчи ва мактаб директори лавозимида ишлаган. Улар кейинчалик ота-боладек яқин ҳамда ҳамфикр бўлишиб, ораларида рисоладагидек устоз-шогирд анъаналарининг яққол шакланганига гувоҳман. Ё.Солижонов бизнинг уйимизга тез-тез келиб, отамиз билан гурунглашар, айникса, тавалудининг 80-90 йиллиги ташкил этилган тадбирларда, муқаддас ҳаж сафарига бориб келганларида Ёўлдошхўжа акамиз ўз устозини зиёрат қилиб, дил сўзларини кўпчилик орасида гапириб, устозини улуғлаган эдилар.

Риштонлик таниқли журналист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Хомиджон ака Бурхонов дадамиз ҳақида 2011 йилда «Умр зарварақлари» деб номланган қиссасини ёзиб, Ёўлдошхўжа акамизга тақриз учун берганларида домла рисола ни таҳрир қилиб, «Чин инсон қиссаси» сарлавҳали сўзбоши ёзиб берди. Бу билан барча оила азоларимиз, қариндош уруғларимизни хушнуд этганди.

Бир гал Риштон тумани «Пахта учун» газетасининг 1964 йилги нашрларидан бирида Мухтор Худойкулов (ҳозир таниқли журналист, фил.ф.д. проф.)нинг мақоласига кўзим тушди. Унда ёш қаламкашлар ижоди таҳлил қилинган бўлиб, Ёўлдошхўжа Солижонов ёзган шеърларга ижобий баҳо беради ва қуйидаги тўрт мисрани келтиради:

Дўмбоқ қовунларга она – полизлар,
Кўксида фарзандин қилади кўз-кўз.
Зумрад олмаларни узишар қизлар,
Тиниқ хусайнилар мисоли юлдуз.

(«Пахта учун» газетаси, 1964 й. 29 август 103(3148))

Менинг илмий-педагогик ва жамоат ишларини ташкил этишдаги касбий малакамнинг шаклланишида ҳам Ёўлдошхўжа акамизнинг ҳиссалари беқиёс бўлганди. Айникса, мен 1973-1980 йилларда Фарғона давлат педагогика институтида ёшлар ташкилотига раҳбарлик қилган, шунингдек Маънавият ва маърифат маркази Фарғона шаҳар бўлимига раҳбарлик йилларимда (2000-10 й.) тез-тез идорамизга кириб, ёш ўқитувчилар ва талабалар орасида янги мазмунда қандай оммавий тадбирлар ўтказилса фаол қатнашар ва қимматли маслаҳатларини аямас эдилар. Ё. Солижонов устозларга содиқ бўлганликлари учун ҳам у кишининг шогирдларига кўпчилик ҳаваси келади. Ҳақиқий шогирдлик чинакам устоз-мураббий бўлишдек мураккаб жараён. Фурсатдан фойдаланиб, устозимизнинг умрлари узоқ бўлишини, фарзандлари, набираларининг бахту камолини кўришларини тилайман. Шогирдлари ҳам у кишидан ибрат олиб, ҳақиқий комил инсонлар бўлиб улғайсинлар.

СОЛИЖОНОВ ФЕНОМЕНИ

Зокиржон Раҳимов,
филология фанлари номзоди, доцент.

Ҳар бир ижодкор ва олимнинг шаклланиши ва ижод самарадорлиги учун муҳим бўлган жиҳатлар мавжуд бўлади. Бунинг учун унинг дунёга келганидан бошлаб, бутун фаолияти давомидаги объектив ва субъектив омилларнинг бевосита ва билвосита таъсири ҳам катта аҳамиятга эгадир. Шу маънода ҳақиқий истеъдоднинг шаклланишида албатта, оилавий-ички муҳит ва ташқи таъсирларнинг ўрни энг асосий ва муҳим омил саналади. Халқ орасида шундай тушунча ҳам мавжуд, унга кўра инсоннинг ўқиши ва билим даражаси бир томон, лекин машаққатли ҳаёт йўли унинг тақдирини белгилашда алоҳида аҳамият касб этади, натижа фаолиятда ҳосил бўлади. Бу жиҳатлар инсонларда турлича намоён бўлади. Албатт, буларнинг бари инсон тақдири билан ҳам боғлиқ. Масаланинг учинчи томони ҳам бор: юқоридагиларнинг рўёбга чиқиши ёки бир инсонни бошқалардан фарқлайдиган жиҳатлар унинг ўзига хослиги, феноменидадир.* Албатта, феномен тушунчасини ҳаммага ҳам тадбиқ қилиш мақсадга мувофиқ эмас, унинг ўз талаблари бор. Лекин айрим истеъдодларнинг ижодий фаолияти ва натижадорлиги ушбу талабларга жавоб бериши шубҳасиздир.

Шу маънода ҳаёлимга таниқли, сермахсул ва тиниб-тинчимас олим, илмий-педагогик маҳорат эгаси, мамлакат адабиётшунослиги ва адабий танқидчилигида ўз ўрни ва мавқеига эга замондошимиз, профессор Йўлдош Солижонов келади.

Олим ҳақида ўйлар эканман, унинг ҳаёт йўлини таҳлил қилиб, сабоқ оламан. Ҳаётда маълум бир натижаларга эришишнинг бир инсон мисолидаги ўзига хос моделини кўраман. Ва илмнинг бундай машаққатли, лекин лаззатли йўлини босиб ўтишнинг сир-синоатлари билан танишаман.

50 йилдан ортиқ умрини бир даргоҳга бағишлаб, талаба ва оддий ўқитувчиликдан фан доктори, профессоргача бўлган мураккаб ва машаққатли ҳаёт йўлини босиб ўтган, ўз илмий йўналиши бўйича санокли мутахассислардан бири, шу кунгача минглаб шогирдларга сабоқ берган, Фарғона давлат университетида бадий нутқ поэтикаси мактабига асос солган, 4 та шогирдни тарбиялаб, 30 дан ортиқ китоблар ҳамда 500 дан зиёд илмий мақолалар ёзган ва бу борадаги меҳнатларининг эътирофи сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида кўра **“Халқ маорифи аълочиси”**, **“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи”** унвонлари билан тақдирланган олимнинг муваффақиятлари сабаби нимада, деб ўйлаб қоламан.

Назаримда, профессор Йўлдош Солижоновнинг бу даражага етишида қуйидагилар муҳим омил бўлган:

* Феномен (юн. содир бўлувчи) – 1) гайриоддий, камдан-кам бўладиган ҳодиса, факт; 2) ҳис-туйғу тажрибаси б-н пайқаладиган ҳодисани англатувчи фалсафий тушунча. ЎзМЭ. 9-ж., Т., “ЎзМЭ” нашр., 2005. 218-б
Феномен (юн.-туюладиган, кўринадиган нарса). 1). флс. Ҳис-туйғу тажрибаси билан билинадиган ҳодисани англатувчи тушунча;
2) Гайриоддий, камдан-кам учрайдиган ҳодиса, факт, шахс. “ЎТИЛ” 4-ж., 339.

Биринчидан, оилавий муҳит ва тарбия. Қуш инида кўрганини қилади, дейди доно халқимиз. У ёшлигидан китоб ўқишга, илмга интилишида отаси мулла Солижоннинг хизматлари катта бўлган. Диний ва замонавий илмлардан яхшигина хабардор бўлган ота тўрт фарзанди орасида ягона ўғилнинг даврий матбуот билан танишиши, китоб ўқиши учун барча шароитни яратди. Отананинг шахсий ибрати ва қўллаб-қувватлаши, оилавий муҳит келажакнинг шаклланишида жиддий пойдевор вазифасини бажарди.

Иккинчидан, китоб ва доимий мутоала. Дастлаб мактаб кутубхонаси, сўнг колхоз ва туман марказидаги кутубхоналарни забт этди, юзлаб китоблар ўқиди. Буларнинг бари қалбида бадиий адабиётга чексиз меҳр ва муҳаббат уйғотди. Қизиғи, ёшлигидаги ушбу иштиёқ ҳаёти давомида сўнмади, аксинча келажакни белгилаши, шаклланиши ва маълум муваффақиятларига эришишига сабаб бўлди.

Бундан ташқари, ёшлигида жамоа хўжалигида почтальон бўлиб ишлаши ҳам бўлажак олимнинг шаклланишида катта аҳамият касб этганлигини қайд этиш зарур. У уч йил давомида ўз касбини сидқидилдан бажариш билан бирга, мамлакатда нашр қилинаётган барча матбуот нашрлари билан танишиб борди. Бу эса унинг билими ошиши, дунёқараши шаклланиши ҳамда қалами чархланишига ҳам хизмат қилди. Китоб нафақат ёшлигида, балки бутун умр содиқ дўстга ва самимий ҳамроҳга айланди.

Учинчидан, устоз-шоғирд анъаналари. Бунга сўзсиз амал қилганлиги, шахсий саъй-ҳаракати ва машаққатли изланишлари натижасида бугун мамлакатимизда ўз ўрни ва сўзига эга етук мутахассис шаклланди. Адабиётга, китобга бўлган қизиқиши, тиришқоқлиги самараси сифатида Фарғона давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетига ўқишга кириб, ўз касбининг кадрига етадиган профессор-ўқитувчилар: мумтоз адабиёт билимдони Акрамжон Иброҳимов, жаҳон ва ўзбек адабиётини қиёслаб таҳлил қиладиган олим Азимжон Раҳимов, ўзбек тилининг зукко заргарлари Ҳасанжон Рустамов, Ўринбой Холматов, Исмоилжон Фармонов, Каримжон Юсуповлар кўлида таълим олди.

Танқидчи олим бўлиб шаклланишига таниқли ижодкор ва олимлар назари ҳам сабаб бўлди. Жумладан, таниқли шоирлар Ғафур Ғулом, Миртемир, Мақсуд Шайхзода, Саид Аҳмад ва бошқаларнинг дуоларини олди. Устозлари академик С.Мамажонов ва О.Шарафиддиновларнинг кўрсатмасига қатъий амал қилди, фан арбоби, профессор У.Норматовдан маҳорат сабоқларини олди.

Тўртинчидан. Матбуот. 1965 йилда институтни имтиёзли диплом билан битириб, Фарғона вилояти “Коммуна”(ҳозирги “Фарғона ҳақиқати”) газетаси таҳририятида адабий ходим, масъул котиб ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатди. Қисқа муддатда қалами ўткир ва ҳозиржавоб журналист бўлиб шаклланишида газетанинг бағри кенг бош муҳаррири Абдулла Мирзаев, Фарғона афандиси Адҳам Ҳамдам, истеъдодли ёзувчи Шерали Тошматов, ёш ижодкорларни ҳамиша қўллаган ва рағбатлантирган саховатли шоир Йўлдош Сулаймон каби устозлар хизматини алоҳида эътироф этиш ўринли. Қисқа муддатли журналистик фаолият ёш мутахассиснинг қалами чархланиши, ҳаётни танқидий таҳлил қилиш малакаси шаклланишида катта ижодий мактаб

вазифасини ўтаб, кейинчалик олимнинг ифода усули ва услуги ҳамда таҳрир маҳоратида яққол акс этганлигини алоҳида эътироф этиш ўринли.

Бешинчидан, илмга қизиқиши ва интилиши. Эллик йилдан ортиқ умрини Фарғона давлат педагогика институти ўзбек адабиёти кафедраси билан боғлаб, оддий ўқитувчиликдан профессорликкача бўлган машаққатли, аммо шарафли ҳаёт, ижод, устозлик ва раҳбарлик йўлини босиб ўтди. Бундан ташқари, педагог, олим, танқидчи, адабиётшунос, шоир, жамоатчи, маънавиятчи сифатида нафақат вилоят, балки республика илмий-адабий-маърифий жамоатчилиги ҳурмати ва эътирофига сазовор бўлди.

Олтинчидан, кенг дунёқараш, теран таҳлил, адабий жараёндан яхшигина хабардорлик. Ярим асрдан ортиқ давр мобайнида ўқув режасидаги барча мутухассислик фанларидан ўта юқори савия ва педагогик маҳорат билан сифатли дарс берди. Бу эса ҳар бир ижодкорнинг нафақат ҳаёти ва фаолияти, ижодий лабораторияси, балки ҳар бир мисраси, унинг мазмун-моҳияти билан танишиш, адабий жараёндаги ўрни ва мавқеига баҳо бериш, бошқалар билан қиёслаш ва таҳлил қилиш имконини яратди. Ушбу ҳолатлар нафақат педагог сифатида шаклланишида, балки кейинчалик олим сифатида кенг дунёқараши ва таҳлилий илмий қарашларида ҳам ўз аксини топди.

Еттинчидан, ҳозиржавоблик, қатъий интизом, режали ишлаш, машаққатли меҳнат. Назаримда юқоридаги жиҳатлар бир томонда, иккинчи томонда тинимсиз меҳнат ва изланишлар ётади. Домла 60 ёшидан ошганда докторлик диссертациясини 11 ойда ёзиб тугатганлиги, буюк ижодкорлар Зулфия, Э.Воҳидов ва Ч.Айтматов юбилейларини нишонлаш ҳақида давлат раҳбарининг қарорлари эълон қилиниши биланоқ биринчилардан бўлиб, ҳозиржавоблик билан, қолганлар ҳали муносабат билдиришга улгурмай туриб, рисоалар ва монография чоп эттирганлиги, биргина 2018 йилдаги илмий фаолиятида тўртта китоб, йигирмадан ортиқ мақолалар(уларнинг асосий қисми республика матбуотида) чоп этганлиги ва умуман, илмий тадқиқотларининг бир йиллик ҳажми йигирма беш босма табоқдан ортганлигининг ўзиёқ фикримизга далилдир.

Саккизинчидан, давра кўрганлиги, қозонда қайнаганлиги. Тарихий манбаларда қадимда ижод ва илм аҳли тан олиними, эътирофга сазовор бўлиши, истеъдодлар ва устозлар жамланган адабий мажлисларда қатнашиш ҳуқуқини эгаллаши учун маълум бир шартларни бажариши талаб қилинган. Шу маънода, мумтоз анъаналарга амал қилган Солижонов домла ҳам мамлакат адабий жамоатчилиги кўригидан ўтган ва тан олинган олим ҳисобланади. Биринчидан, неча йиллардан бери масофа, вақт ва ҳаражатни инобатга олмай, деярли доимий равишда пойтахтда, айниқса, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, турли илмий анжуманларда йил якуналари, турли тақдиротлар ва юбилейларнинг доимий иштирокчиси. Иштирокчи бўлганда ҳам, оддий иштирокчи эмас, албатта маъруза билан қатнашиб, мажлис аҳлининг эътирофига сазовор бўладиган иштирокчи. Иккинчидан, адабий жараённинг фаол таҳлилчиси ва танқидчиси. Устозлар ибратига амал қилиб, ҳар қандай янги чоп этилган асарга ўз вақтида ва холис муносабат билдиради. Гоҳ у, гоҳ бу нашрда мунтазам равишда адабий-танқидий мақолалари чоп этилади.

Учинчидан, ҳар доим ижод ва илм аҳли билан фикр алмашади, янги китоблари билан табриклайди, мақолаларига муносабат билдиради, диссертация ва авторефератларни таҳлил қилади ва ҳ.к. Тўртинчидан, ҳозир ҳам табаррук ёшни қаршилаганлигига қарамай, ҳар куни қатъий режа асосида мутолаа ва таҳлил билан шуғулланади.

Хуллас, олимнинг феноменига хизмат қилган бундай сифат ва фазилатларни яна давом эттириш мумкин. Лекин ҳозирча Солижоновнинг маҳорат сирларини тўлиқ ошкор қилмасдан, қолганини кейинги тўқсон ва юз йиллик юбилейларига қолдирсак, нима дейсиз? Унгача ҳурматли олимимизга фақат соғлиқ, илмий-ижодий фаолиятида барака ва куч-қувват тилайман.

АДАБИЁТИМИЗНИНГ УЛКАН ЗАРГАРИ

Д.Қурбонов,
иқтисод фанлари номзоди, доцент.

Мен Йўлдошали Солижоновни илм даргоҳига илк қадам қўйган пайтимда танидим. 1962 йили армиядан ФДПИга кириш имтиҳонларини топшириш учун 30 кунга таътил олиб келганман. Менга агар институтга кира олмасам, армиядаги хизматни давом эттириш шарти билан таътил берилган эди.

Асосий муаммо шундаки, мен топширган география-биология факультетига аризалар кўп тушган экан. 14-август куни иншо ёзиш учун аудиторияга кирдик, иншо мавзулари эълон қилинди. Имтиҳон олувчилар Т.Турғунов, И.Назаров ва Й.Солижоновлар эди. Мен эркин мавзунини танлаб, иншо режасини туздим ва Йўлдошали Солижоновдан кўриб беришини сўрадим. Устоз “Ҳа, ҳарбий” деди-да, мен тузган режани кўриб, “Яшанг, давом этинг” деди. Шу биргина “ҳарбий, яша” сўзлари мени шундай қувонтирдик, ғойибдан бир илоҳий куч келиб 7 бетлик иншо ёздим. Оллоҳга минг шукрлар бўлсинки, мен талабалikka қабул қилиндим. Шундан бери Й.Солижонов билан яқиндан танишман. Устоздан мен бадий адабиётни қандай ўқиш, асар мазмунини тушуниш, асарга муносабат билдириш, мулоқотда ҳозиржавоблик, сўзамолликни ўргандим.

Й.Солижонов ўзи учун нима қадрли ва бебаҳо эканлигини яхши билади. Шу сабабли танлов имкониятини шу қадар осон ҳамда аниқ белгилайди. Ўқиш – ўрганиш инсон эҳтиёжи эканлигини юксак даражада қадрлайди. Ҳар бир ишга ихлос ва эътиқод билан ёндашади. Олимда ўзига хос уддабуронлик, талабчанлик бор. Ҳар қандай ишни пухта ўйлаб режа асосида олиб боради ва албатта, ечимини топади. У кишида қатъиятчилик жуда кучли, буни адабиётшунос олимнинг эришган бир қанча илмий ютуқларида ҳам кўриш мумкин.

Устоз қандай лавозимда ишламасин, қандай иш билан машғул бўлмасин доим ёшларга ҳаётнинг ўнқир-чўнқир сўқмоқларида қоқилмасдан юришлари учун мадад бўлади. Ҳар соҳада ва ҳар бир жабҳада маслаҳатини аямайди. Жонкуяр мураббий бутун ҳаёти давомида камтарлик ва ҳалолликни тарғиб

қилиб келмоқда. Меҳрибон мураббий, забардаст олим ўзининг юксак салоҳияти билан адабиёт фанининг ҳозирги даврдаги ривожини, дунё миқёсида танилишида жонбозлик кўрсатиб келмоқда.

Бутун умрини ватан равнақи, миллат келажаги, инсонлар фаровонлиги билан узвий боғлаган, унинг ҳар қандай юмуш ва хизмати учун ўзини доимо камарбаста деб билган устоз Й.Солижонов, бугун 80 ёшда. Биз оила аъзоларимиз номидан устозни бу муборак ёшлари билан чин қалбдан табриклаймиз. Ғурур ва ифтихор билан муборак 80 ёшини қутлуғ бўлсин, деймиз. Келгусида юрт фаровонлиги йўлида амалга оширадиган беминнат кўмагини, баркамол авлодни тарбиялашдек хайрли ишларини куч-қувват, муваффақиятлар тилаймиз.

ИБРАТЛИ УМР СОҲИБИ

Г.МУҲАММАДЖОНОВА,

филология фанлари номзоди, доцент.
Адабиётшунослик кафедраси мудири.

Ҳар бир жамоанинг йиллар давомида шаклланган ўз гўзал кадриятлари, анъаналари бўлади. Бизнинг адабиётшунослик кафедрасида ҳам шундай кадриятларнинг шаклланишида профессор Йўлдошхўжа Солижоновнинг ҳиссалари катта. Бирор байрам, тадбир, туғилган кун муносабати билан ёзилган дастурхон атрофида бағишлов шеър ўқилиши анъанага айланган ва бу барчага кўтаринки кайфият бағишлайди. Устоз кафедранинг ҳар бир аъзосини тавсифлаб шеър битадилар. Баъзан унинг ўқилиш жараёни мушоирага, бадиҳага айланиб кетади. “Кафедра бекаси” (лаборант, домланинг таъбирлари) Дилафрузхоннинг саъйи ҳаракатлари билан ҳаммуаллифликда яратилган бундай шеърларимиз компьютерда анчагина йиғилиб қолибди. Уни китоб қилиб чиқариш ниятимиз ҳам йўқ эмас. Сўз зарғари, сўз санъатига муҳаббати баланд, сўзга эътиқодли бизнинг устоз жамоага, давраларга файз киритувчи ана шундай ажойиб инсон.

Йўлдошхўжа Солижонов – серқирра, ўзига хос характерли, ҳақиқатгўй. У кишининг баъзи жиҳатлари ҳақида ёзмасам бўлмас. Аввало, домла – моҳир педагог. 30 йилга яқин вақт мобайнида бунга тўлиқ амин бўлганман. Талабалик йилларимизда гуруҳдошлар устознинг маърузаларини хайрат билан тинглардик. Ижодкорларнинг ҳаёти ва ижодига доир қизиқарли факт, маълумотлар, воқеликларни ниҳоятда маҳорат билан талабаларга етказардилар. Аудиторияда у қадар ортиқча ҳаракат қилмасдилар, аммо айтилган сўз ва сеҳрли оҳанглари бу вазифани ортиғи билан бажарарди. Миртемирнинг “Онагинам”, “Мен сени”, Ғ.Ғуломнинг “Соғиниш”, “Кузатиш” шеърларининг ўқилиш оҳанглари ҳали хануз қулоғим остида янграйди. Устознинг фанларидан ўзлаштириш учун узун рўйхатдаги барча шеърларни қойилмақом ёдлаган ва

асарларни ўқиб, таҳлил қилиб бера оладиган бўлишимиз шарт эди. Бунинг учун ҳатто ўртоқларимизнинг тўйлари, туғилган кунларига борганимизда ҳам кечалари билан ухламай, ёдлаб, бир-биримизга айтиб бериб, ўзлаштиришга интилар эдик. Домланинг ана шу талабчанлик асосида билим берганларини бугун нуфузли жойларда ўрин топиб ишлаётган барча курсдошлар бот-бот миннатдорлик билан эслаймиз. Орадан шунча вақт ўтса-да, гуруҳдошлар домланинг оддий катак дафтар саҳифасига бир текис маржондек тизилган ҳуснихатларини ёдимиздан чиқармаганмиз. Одатда домла дарсга тўрт энли қоғозга баъзи қайдларни эслатма сифатида ёзиб кирардилар. Вақти-вақти билан шунга қараб олиб маърузаларини давом эттирардилар. Лекин ана шу оддий эслатма ҳуснихатининг ўзи ҳам бизни эътиборимизни тортар эди.

Йўлдошўжа Солижонов – шогирдпарвар устоз. Меҳрини қаттиққўллик ортига яширган отага қиёсласа бўлади. Ўқимаган, меҳнат қилмаган шогирдларини, нафақат шогирдларни, жамоадошларни ҳам қўймайдилар. Кафедранинг одатий суҳбатларида ҳам гап билан “бир узволиб” ҳушёрликка, меҳнатга, мутолаага чорлайди. Натижаси чиққанида эса ўзининг муваффақияти сингари жуда қувониб кетадилар. Биз шогирдларнинг меҳнатимиз бирор газета ёки журналда, китобда эътироф этилган бўлса, биздан аввал ўзлари топиб, қаламда белгилаб, ҳаммага кўрсатиб, ғурурланадилар.

Илмда муносиб мавзунинг танланишининг ўзи ҳам катта масъулият. Устоз мавзунинг шакллантирилишидан бошлаб шогирдларга топган-тутган, илинганларини уйдан эринмай кўтариб келиб, топшириқ берадилар, натижасининг ораси чўзилиб кетса, кейин оғриниб, танбеҳ берадилар. Хуллас, Солижоновга шогирд тушиш осон эмас. Гарчи баъзи шогирдларидан оқибат қайтмаган бўлса-да, домлада ўша шогирдпарварлик туйғуси, иштиёқи ўз тафтини йўқотмади. Сўнгги йилларда қатор-қатор диссертация ҳимояларининг ўтказилиши айни саъй-ҳаракатларнинг натижасидир. Биргина 2019 йилнинг ўзида домла раҳбарлигида 2 нафар кафедра аъзоси докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Й. Солижоновнинг илмий фаолиятдаги шижоати ҳавас қилгулик. Ҳар йил сарҳисобида ОАК эътирофидаги илмий нашрлар бўйича домла нафақат кафедрада, балки университетда ҳам биринчи ўринларда турадилар. Айтиш жоиз бўлса, кафедранинг анча-мунча баланд-пасти домланинг ҳиссалари билан текис бўлиб кетади. Деярли ҳар йили монография ёхуд илмий рисола замонавий адабиёт янгиликларига ҳамнафас нашр этилади. “Ижоднинг машаққатли йўли” (Ч.Айтматов), “Замонамизнинг зарбдаст шоири” (Зулфия), “Эркин ўғлингман, Ватан”(Э.Воҳидов)... бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Ҳар сафар илмий нашрлар рўйхатини тўлиқ юритгани хавфсаласизлик қилсам, домлани эслайман. Устознинг ҳеч бир истисносиз ҳоҳ у республика, ҳоҳ маҳаллий нашр бўлсин, ҳар бир нашр ишларини битта қўймай изчил рўйхатини юритиб боришлари нафақат мени, балки кафедрамизнинг бошқа аъзоларини ҳам ҳаваслантиради. Ҳаммамизни ҳам шундай фаолият юритишга сассиз чақириб туради.

Бугун мени бундан 28 йил аввал университет олимпиадасидаги жавобларимдан жўшиб, хурсанд бўлиб, мактаган, шу илиқ сўзлар сабаб ҳам балки университетга тақдирим боғланганидан, бир вақтлар жуда ҳавас қилган устозлар билан ёнма-ён ишлаётганимдан бахтиёрлик туйғуси чулғаб олади. Кафедра мудир сифатида иш бошлаган илк кунда устознинг оқ фотиҳа берганлари ва бу жойда кўплаб азиз устозлар илм-маърифат учун жон куйдириб меҳнат қилгани, аммо аёл кафедра мудирларидан иккинчиси эканлигимни айтиб, бу масъулият ҳам ишонч, ҳам машаққатли эканлигини таъкидлаб, биргаликда катта ишларни амалга оширишга рағбат бергандилар. Мана, Аллоҳга шукр, устозларнинг маслаҳатлари, қўллаб қувватлашлари билан кафедрамиз илмий салоҳиятда 78% кўрсаткичга чиқди, илмий, ўқув ва халқаро ҳамкорлик соҳасида қатор ютуқларга эришдик. Бунда албатта, устознинг меҳнатлари бекиёс.

Бугун устоз 80 ёшда нурли чўққиларни кўзлаб шижоат билан одимламоқдалар. УСТОЗ, сизни ана шу ғайрат, куч-қувват тарк этмасин. Илоҳим, тўқсон, юз ёшлар билан юзлашганингизда сайланма илмий асарларингиз нашрини муносиб байрам тухфаси сифатида тақдим этиш насиб қилсин.

Устоз изидан

И.П.Пўлатов,
Қўқон давлат педагогика институти доценти,
филология фанлари номзоди.
Дўстлар базми висолин эсда тут,
Эсда тут дўстлар жамолин, эсда тут.
Ҳофиз Шерозий

Мен Йўлдошхўжа ака билан 1972 йили Москвада Марказий кутубхонанинг 3-ўқув залида танишган эдим. У вақтда мен Одилжон ака Бозоров билан собиқ Иттифоқ Фанлар академияси Тилшунослик институти аспирантурасида таҳсил олаётган эдим. Йўлдошхўжа ака илмий сафар давомида биз яшаётган хонадонда истиқомат қилдилар. Шундан буён мана, қарийб ярим асрдирки, кадрдонмиз. Мен устознинг адабий жараёнлардаги фаолиятини қизиқиш билан кузатиб бораман. Ана шу кузатувларим туфайли у киши менда ҳозиржавоб олим, зукко адабиётшунос, холис танқидчи сифатида таассурот қолдирган. Истиқлол даврида, айниқса, серқирра ижод қилдилар.

2012 йили “Фарғона” нашриётида Й.Солижоновнинг “Фарғона адабиёти: кеча, бугун ва эртага” рисоласи чоп этилди. Рисолада Фарғона адабиётининг ўтган даврдаги ўзига хос тараққиёт йўли назардан ўтказилган. Шу билан бирга вилоятдаги 19 нафар ижодкорнинг асарлари чуқур таҳлил

қилинган. Фарғона адабиётининг нафақат кечаги ва бугуни, балки келажакка оид мулоҳазалар ҳам баён этилган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Қутлибека Раҳимбоева Фарғона ДПУда таҳсил олган. Унинг фарғоналик талабалар билан ижодий учрашуви олимнинг яна бир ўтли мақоласи нашр этилишига сабаб бўлди. “Қутлибеканинг қутлуғ қадами” номли мақола “Фарғона ҳақиқати” газетасининг 2013 йил 27 февраль сонида эълон қилинди. Унда мустақиллик йилларида Қутлибека Раҳимбоеванинг ижоди ҳам шаклан, ҳам мазмунан бойиганлиги асосли таъкидланган. Шоира орзу қилган меҳр дарахтининг илдизи мустаҳкам бўлиб, яхшилик ҳеч қачон тарк этмаслиги тилаги билдирилган.

Зулфия таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб “Китоб дунёси” газетасининг 2015 йил 28 январь ва 11 февраль сонларида олимнинг “Садоқат тимсоли” мақоласи эълон қилинди. Унда шундай сатрлар бор: “Нафақат рус аёли, балки арман ҳам, латиш ҳам, инглиз ёки француз ҳам ўз умр йўлдошини Зулфиячалик севган бўлса, улардан дардига малҳам топади”. Олим Ҳамид Олимжон ва Зулфиянинг “Муҳаббат мушоираси”ни ўз шеърларидан олган мисоллар билан назмий айтишув тарзида қоғозга туширган. Бу айниқса, ўрта ва олий таълим тизими талабаларига адабий кеча ўтказишда қўл келади.

Ҳозиржавоб олим 2016 йили “Фарғона” нашриётида С.Мўминов билан ҳаммуаллифликда “Эркин ўғлингман, Ватан!...” (Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов портретига чизгилар) рисоласини чоп эттирди. Рисола “Рухиятни ёритган шеърият”, “Ғазалнавис шоир”, “Қалб қаноти ва армон”, “Эл ва тил куйчиси”, “Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов” бўлимларидан иборат бўлиб, шоир таваллудининг 80 йиллигига бағишланган.

Мен серғайрат устозимизга узоқ умр, барақали ижод ва пиру бадавлатлик тилаб қоламан. Ўз сўзимни Ҳофизнинг қуйидаги сатрлари билан яқунламоқчиман:

Ширин ҳосил берур, дўстлик дарахтин ўтқиз, эй инсон,
У душманлик ниҳолин юлки, бергай ғам, алам, армон.
Қарилик чоғида Ҳофиз тилар бу боғда тангридан,
Ариқ бўйида топса сарв қоматлик гўзал жонон.

Иккинчи бўлим
ИЖОДКОРЛАР ИЗҲОРИ

МАЪРИФАТ БУЛОҒИ

Исажон Султон,
ёзувчи, Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган маданият ходими

1960 йилда Риштоннинг Авазбойидан бир йигит, эғнида бўз-алак кўйлак, оёқда кирза этик, елкасидаги хуржунида онаизори ёпиб берган патирлар билан Қўқонга қараб йўлга чиқади. У Султон бува ва Тошбуви эналарнинг кенжа ўғли Абдураим деган узун бўйли, қотма йигит эди. Тариллоқ “полуторка” машинасида ўнқир-чўнқир тупроқ йўллардан юра-юра Қўқонга етиб бориб, педагогика институтининг кутубхоначилиқ факультетига хужжатларини топширади. Унга омад кулиб боқади – имтиҳонларни аълога топшириб, талабалар сафига қабул қилинади.

Айни шу йили Риштоннинг Булоқбошисидаги Мулла Солихўжа ва Зайнабпошшо онанинг ёлғиз ўғли Йўлдошхўжа ҳам Фарғона педагогика институтининг тарих-филология факультетига ўқишга киради. Ёрқин талабалиқ даври бошланади.

Орадан беш йил ўтади. У пайтларнинг фотосуратларига қарасангиз, новдадай озғин, кўйлагининг узун егини билагигача шимариб олган, қалин сочини тепага тараган чакноқ йигитчаларни кўрасиз. Ҳар икки йигит ҳам олий ўқув даргоҳини 1965 йилда тамомлашади. Абдураим Султонов аввал ўзи туғилиб ўсган қишлоғидаги 32-ўрта мактабда ўқитувчи, сўнг Риштон туман радиоэшиттиришлар бўлимида муҳаррир бўлиб ишлай бошлайди. Йўлдошхўжа эса вилоятнинг “Коммуна” газетасига мухбир сифатида ишга киради. Тақдир бу икки ёш журналистни ўша йиллари учраштиради ва улар узоқ йиллар дўст бўлиб қолишади.

Икковлон ҳам 1965 йилда уйланишади. Абдураим Султонов ўз қишлоғидаги Холжўра буванинг қизи Бухажалхон билан, Йўлдошхўжа эса ўзидан икки курс қуйида ўқиётган жалолободлик Лолахон билан турмуш қурадилар. Иккови ҳам бирин-кетин фарзандли бўлишади. Абдураим ака ўғлига Исажон деб, Йўлдошхўжа ака эса Музаффаржон деб исм қўйишади.

Ушбу икки дўстнинг бири - Абдураим Султонов менинг дадам эди.

Икковлон ҳам ўз соҳаси бўйича танила бошлашади. Йўлдошхўжа аканинг иқтидори, илмга чанқоқлиги устозлар назарига тушиб, ўзи таҳсил олган институт аспирантурасига таклиф қилинади. Йўлдошхўжа ака “Коммуна”да истиқболли ходим сифатида танилиб улгурган эди. У илм йўлидан кетишга аҳд қилгач, ўз ўрнига иқтидорли бир мутахассисни тавсия этишини илтимос қилишади. Шунда Йўлдошхўжа ака дўсти Абдураим Султоновни Фарғонага ишга боришга кўп қистайди, бироқ дадам бу пайтга келиб кексайиб қолган бобом Султон бува ёнида қолади ва кўп йиллар ота хизматини қилиб, дуосини олади. Унинг ҳар куни тонг саҳарда туманнинг барча қишлоқларида-ю Сўхда

янграйдиган “Дикқат қилинг, Риштондан гапирамиз!” деган овозини риштонликлар бугун ҳам яхши эшлашади.

Йўлдошхўжа ака эса республикада кўзга кўринган олим Салоҳиддин Мамажонов илмий раҳбарлигида номзодлик диссертациясини муваффақият билан ёқлайди ва илмий фаолиятда дадил давом этади. Оталар эл-юрт орасида иззат топган дўстларини болаларига ўрناк қилиб кўрсатишни ёқтиришади. Дадам Фарғонанинг машҳур шоирлари Йўлдош Сулаймон, Охунжон Ҳакимов, Анвар Обиджон, “Коммуна”даги ва вилоят радиоэшиттириш кўмитасидаги таниш-билишлари ҳақида тез-тез ҳикоя қилиб берар, улар орасида, албатта, Йўлдошхўжа Солижонов исми тилга олинарди.

Ҳаёт давом этади. Йўлдошхўжа ака беш, Абдураим Султонов етти фарзанднинг отаси бўлишади. Такдир уларнинг ўғилларини ҳам учраштириб, дўстлаштиради. Йўлдошхўжа аканинг ўғли Музаффаржон билан Тошкентда бир университетда таҳсил олиш насиб қилади. Анъана болаларга ҳам ўтади: оталардан бошланган дўстлик авлодларга ҳам ўтиб, мана, қарийб эллик беш йилдан буён давом этиб келяпти. Шу сабабли мен Йўлдошхўжа акани ҳам, дўстим Музаффаржонни ҳам “Ота кадрдонларим” деб ҳурматлайман ва ўзим ҳам шунга яраша иззат кўраман.

Аслида эса, Йўлдошхўжа ака Солижонов кўпчиликка кадрдон: кимгадир дўст, кимгадир устоз-мураббий. Бугун Ўзбекистоннинг кўпчилик вилоятларида шогирдлари фарзандларига устози ҳақида худди бизнинг оиладаги каби ҳақида сўзлаб беришган, юзлаб болалар қулоғига шу исм қуйилиб улғайган бўлса ажабмас.

Йўлдошхўжа Солижонов 1974 йилда “Ўзбек насрида автор нутқининг шаклланиши ва ёзувчининг шахсий услуби” мавзусида филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертациясини муваффақиятли ёқлайди. 2003 йилда эса “XX асрнинг 80-90-йиллари ўзбек насрида бадиий нутқ поэтикаси” мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилади. Ҳозиргача олимнинг “Улуғ санъаткор”, “Шеърятнинг сирли жилвалари”, “Тонг юлдузлари”, “Нутқ ва услуб”, “Олимнинг олами”, “Фарғона адиблари”, “Зулматдан нур қидирганлар”, “Мен сиздан сабоқ олдим”, “Сўз сеҳргари”, “Ҳақиқатнинг синчков кўзлари” каби ўттизга яқин китоблари, 500га яқин илмий мақолалари эълон қилинган.

Йўлдошхўжа ака илм даргоҳида эллик йил хизмат қилган бўлса, 25 йилга яқин кафедра мудири лавозимида ишлади. Бу йилларда кафедранинг илмий салоҳиятини ошириш, ўқув тизимини яхшилаш борасида ҳар доим ташаббус кўрсатди. Айниқса, сўнгги 14 йиллик мудирлиги даврида 4 та фан номзоди (А.Қосимов, О.Акбаров, И.Рустамова, З.Раҳимовлар), 4 та фан доктори (Й.Солижонов, А.Сабирдинов, Ҳ.Жўраев, А.Қосимовлар) етишиб чиқди. 2002 йилда унинг ташаббуси билан кафедрада магистратура мутахассислиги очилди. Бу магистратурани тамомлаган 40 дан зиёд мутахассисдан 6 нафари кафедра ўқитувчиси лавозимида фаолият кўрсатмоқда. Ҳозир 8 нафар изланувчи тадқиқотчига илмий раҳбарлик қилмоқда. Улардан Ф.Кийикбоев 2011 йилда филология фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди, Қ.Йўлчиев 2017 йил сентябрида, М.Жўраева, А.Қаюмовлар 2018 йил декабрида филология фанлари

бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ёқладилар ва тасдиғини олдилар. Ҳозир Йўлдошхўжа ака илмий раҳбарлигида С.Хўжаев, Ф.Турсунова, О.Аҳмаджонова, Т.Мўминовалар адабиётшуносликнинг долзарб мавзулари устида илмий тадқиқот ишлари олиб боришмоқда.

Воқеаларга қайтайлик.

Йўлдошали ака ўз шогирдлари қатори, менинг ижодимни ҳам бир дам бўлсин кўздан қочирмади. Қаранг, оталар учун олтмишинчи йиллар қийин келган бўлса, болалар учун тўқсонинчи йиллар, яъни мустақилликнинг илк йиллари оғир келди. Илму фан ва ижод ҳеч кимга керак эмасдай, университетлар ҳувиллаб ётар, кишилар тўда-тўда бўлиб ўзини тижоратга урган пайт. Йўлдошали ака ҳар гал кўришганимизда бизларни - Музаффар, истейдодли ёзувчи Улуғбек Ҳамдам ва мени тез-тез кўришиб туришга даъват қилар, биз учун изтироб чекар, илму ижодни ташлаб қўймасликка ундарди. Масалан, 1999 йилда “Ёшлик” журналида менинг “TODD” ва “Боғи Эрам” ҳикояларим босилиб чиқди. Йўлдошхўжа ака ҳаяжон билан табриклар экан, “Тирикчилик ўтаверади, ёзувчидан китоб қолади. Нима бўлса ҳам асар яратишдан тўхтаманг” деб қайта-қайта тайинлади.

Булар биргина менга ва дўстларимга дахлдор жиҳатлари. Фарғона вилояти муҳитида туриб мамлакатдаги адабий жараённи кузатиш ва таҳлил қилиш осон иш эмас. Йўлдошхўжа ака бу ишни мукамал уддалади. Жадид адабиёти, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳаёти ва ижодига муносабатдан тортиб замонавий адабий жараён, яратилган янги асарлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан илмий мунозараларда фаол қатнашди. “Эски” устозлар “янги” ғояларни акс эттирган талотўп фалсафий қарашлар гирдобига киришини ёқтиришмаса-да, дунёдаги илғор адабий-фалсафий қарашларга ўзбек тафаккурининг муносабати ҳақидаги “Сизиф ва абсурд” мақоласини ёзди. Дунёни босиб кетган ва илғорликка даъвогар турли-туман адабий оқимлар орасидан шу тимсолий фалсафани ажратиб олиб, уни ўзбекона қарашлар билан бойитди ва адабий жамоатчиликка тақдим этди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Йўлдошхўжа ака Солижонов ажойиб насрий ва назмий асарлар муаллифи ҳамдир. Унинг “Сув келтирган азиз” (ҳужжатли қисса, 2004), “Ўғлим, сенга айтаман” (шеърый ва насрий пародиялар, 2006), “Сен ширмон юзлигим” (шеърлар, 2007), “Умрим бекатлари (шеърлар, 2017)” каби китоблари ўқувчилар томонидан илиқ кутиб олинган. Булар ҳақида сўз кетганида устоз “Булар бир ҳавас, бизнинг иш адабий танқид” деб қўяқолса-да, бу камтарлик негизда ижодкорнинг улкан қалби яширин эканини пайқаш қийин эмас.

Бир олим умри юзлаб умрларга татийди, албатта. Риштоннинг Булоқбошисидан чиққан Йўлдошхўжа ака эндиликда чин маънода мамлакат адабий булоғининг бошида турибди. Бу зилол сира тинмаслигини, ҳаёт булоғи каби доим қайнаб-тошиб туришини тилаймиз.

ДЎСТ ВА МУРАББИЙ

Сайдали Одилов,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
драматург.

Қалам аҳли борки, икки сатр қораламаси ҳақидаям бирор фикр эшитишни истайди. Оддий китобхондан бўлсаям майли... Мабодо, адабиётшуноснинг назарига тушиб қолсачи? Буниси энди айти муддао. Унинг сўзлари залворли, кейинги ёзувларига туртки, фойдали, илҳомли бўлади. Ижод қилишман дегувчини зийрак торттиради. Масъулиятини оширади.

Шу боис адабиётшуносни бадиият оламининг посбони дейишади. Таассуфки, сўнгги йилларда бундай посбонларимиз камайиб кетяпти. Маънисини тош босмайдиган, сўзлари сийқа “асарлар” урчиб бораётганига сабаб ҳам шу эмасмикан? Майли, уларни баҳолаш менинг ишим эмасдир ва шу аснода қадрдонимиз Йўлдошхўжа Солижоновнинг фаолиятини кўз олдимга келтириб, таскин топаман.

Йўлдош Солижонов. Бу исм нафақат Фарғона матбуотида, балким адабиётга дахлдор барча марказий нашрларда мунтазам кўзга ташланиб туради. Мамлакатимиз адабий-бадий, ижтимоий ҳаётидаги бирон бир муҳим воқеа ё ҳодиса йўқки, домланинг назаридан четда қолган бўлсин. Матбуот орқали ўз фикрини билдиради. Фавқуллодда яратилган яхши асар (қани энди шундай воқеалар кўп бўлса), таниқли адибларнинг сайланмалари ёки юбилей саналари, ёш ижодкорларнинг қалдирғоч китоблари ҳақида албатта чиқиш қилади.

Мен уларнинг барчаси билан танишиб боришга ҳаракат қиламан. Сабаби домланинг фикрлари салмоқли, энг муҳими холисона бўлади. Тан олиш керак: ҳозир Солижонов домладай сергак, жонкуяр адабиёт посбонлари кўп эмас. Бу ҳақда домланинг ўзи ҳам қайғуриб туради. Унинг таниқли ҳамкасби фан доктори, профессорга адабиётнинг чуқур билимдонисиз, нега ёзишга эринчоклик қиласиз ё адабиётнинг тақдири ҳақида қайғурмайсизми деб танбех берганига гувоҳман.

Мен бу дўстим билан дастлаб ҳамкасб сифатида танишганман.

1967 йилда вилоят “Коммуна” (ҳозирги “Фарғона ҳақиқати”) газетаси таҳририятига ишга келганимда Йўлдош Солижонов шу ерда катта ёзувчи Шерали Тошматов бошқараётган бўлимда адабий ходим эди. Қўшни хоналарда ўтирган бўлсак-да унчалик элакишиб кетолмадик. Орамизни ғиштин девор, кейин қатағон йилларининг салкам йигирма йиллик азоби, руҳий изтиробини тажанг ва хийла қаҳрли қилиб қўйган устоз адибдан хайиқиш ҳисси туфайли бирмунча масофада турардик. Бунинг устига домла тез орада Фарғона давлат педагогика институти (ҳозирги университет)га ўқитувчи бўлиб ишга ўтиб кетди. Аммо таҳририят билан алоқани узмади.

Орадан йиллар ўтди. Домланинг газетада ишлаш жараёнида сайқаллашган қалами, ҳаётга зийрак қараши, унинг бадий талқиндаги ҳаққонийликни чуқур илғашини илмий фаолиятида муҳим рол ўйнади. Тез

фурсатда фан номзоди, фан доктори даражасига етди. Мамлакатимиздаги адабий-бадий газета-журналларда мунтазам чиқиши таниқли адабиётшунос, кўплаб китоблар муаллифига айланганди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига қабул қилинди. Фарғона ижодкорларининг жонкуяр устози, тарғиботчиси, энг муҳими, адабиётнинг қатъиятли посбони мақомига етказди. Кўплаб китоблари қатори “Фарғона адиблари” ҳақида иккита китоб чиқариши, уларда ҳар бир шоир ёки ёзувчининг ижодини чуқур таҳлил қилиб, ўринли фикрларни айтганининг ўзи фикримизнинг далилидир.

Йўлдош Солижонов Фарғоналик ҳар бир ижодкор фаолиятига бефарқ эмас. Кўплаб ёшлар ижодини зийраклик билан кузатиб, тўғри йўл-йўриқлар кўрсатиб туради.

Домла билан ҳозир қадрдонмиз. Бирон нарсага эришсак бирга баҳам кўрамыз. Бирон манбаа ёки бадий талқиндаги жумбоқни ечолмай қолсам Йўлдош Солижоновни қидириб қоламан. Ва албатта, ундан жўяли жавоб топаман. Адабий анжуманлардан бирида “Чархий домлани яхши биласиз, у киши ҳақида ёзиш сиз учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб қолди. – Ахир сиз у кишига куёв ўғилсиз”. Дўстимнинг шу сўзлари “Устозларга эҳтиром” номли китобимнинг ёзилишига сабаб бўлди. Асар босмадан чиққач, вилоят телевидениесида чиқиш қилди. Газетада “Китобингизни ўқидим” рукни остида мақола чиқариб ғоят илиқ муносабатини билдирди.

Йўлдош Солижонов ҳар бир ижодкорга ана шундай самимият билан муносабатда бўлади. Унга “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи” фахрий унвони бежиз берилмаган. Менинг назаримда, домла Солижонов нафақат талабаларнинг, балки Фарғоналик барча ижодкорларнинг ҳам мураббийидир. У кишининг табаррук ёшлари билан қутлаб, яна узоқ йиллар мураббий бўлиб юришларини тилаб қоламан.

ҲАМ ҚУВОНАМИЗ, ҲАМ ФАХРЛАНАМИЗ

Малика Мирзо,

**Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
шоира, “Шухрат” медали соҳиби.**

Умрни оқин сувга қиёслайдилар. Бу бежиз эмас. Ана шу оқин сув боғроғларга, борлиққа ўзининг интилишлари, шиддати билан кўрк бағишлайди. Тоғлар, саҳролар оша дарё ва денгизларга талпинади. Аммо ана шу умр – оқин сув кўлмакка айланиб, қуриб қолишидан асрасин. Мана, талабалик йилларимизга ҳам 60 йилдан зиёд вақт ўтибди. Хаёлан оқин сувдай шошқин ўтиб кетаётган ана шу йилларни кексайган чоғда ҳисоб-китоб қилиш пайтида ёшлик соғинчи, ёшлик манзаралари кўз олдиндан кино лентасидай ўтавераркан. Ўша йиллардаги талабадошлар, касбдошларни эслаймиз: Абдулҳамид Нурмонов (Аллоҳ раҳматига олсин) йирик тилшунос бўлиб етишди. Фаридахон Қўшақова, Мақсудахон Жўраева, Ҳамидахон Тўхтасинова, Холисхон Абдумажидова муаллима-устозлар бўлди. Эргашали Ортиқов, Маъруфжон Мударрисов, Аҳмаджон Иброҳимов, Йўлдош Солижонов... Бу

рўйхатни яна ва яна давом эттириш мумкин. Йўлдошали Солижонов ҳақида сўз юритар эканмиз, унинг талабалик йилларидаёқ илмга чанқоклиги, янгиликка интилувчанлиги, яхшигина овози билан пахтазор далаларни кўшиққа тўлдириб, адабий мунозара ва мусобақаларда фаоллигини эслаймиз.

Дорилфунунни тугаллаб, редакцияга ишга келган талаба ўша пайтлардаёқ мақола ва лавҳалари билан “Коммуна” (ҳозирги “Фарғона ҳақиқати”) газетаси мухлисларига танила бошлади. Йўлдошали газетанинг энг қаттиққўл устоз журналистларидан Шерали Тошматов бош бўлган қишлоқ хўжалиги бўлимида адабий ходим бўлиб иш бошлади. Шерали Тошматов сўзи ўткир, нигоҳи ўткир катта адиб ҳам эди. Унинг “Эрк қуши” номли асари ўша пайтда роса машҳур бўлиб, кенг китобхонлар оммасини жалб этганди. Биз Санъат Маҳмудова, Гавҳар Жалилова, Матлуба Аҳмедова, Раҳимахон Тўхтасиновалар устоз ҳамкасблар: Аъзамжон Ортиқов, Вағиз Музаффаров, Дониёр Эргашев, Аминжон Абдуллаев, Йўлдош Сулаймонов, Наримон Эркиновлар етакчи бўлган катта матбуот қозонида қайнар эдик. Бош мухарриримиз Абдулла Мирзаевнинг кўнгли кенглиги, ёш ижодкорларга юксак меҳр ва марҳаматлари туфайли юқоридаги устоз ҳамкасбларнинг талабчан ва танқидий қарашларидан сақланиб қолардик. Аммо бундай муҳит бизни ўз устимизда жиддий ишлашга даъват этарди.

Йўлдошали Солижонов ҳақида гап кетганда иқтидорли адабиётчи бўлганиданми, Шерали Тошматов кўлида ўзига гап теккизмасдан ишлар, вилоят ҳаётини ёритиш, қишлоқ хўжалиги муаммоларини кўтариб чиқишда ўзига хос танқидий ва ижобий мақолалари билан назарга ташланиб турарди.

Орадан оз фурсат ўтиб у ўзи таҳсил олган Фарғона дорилфунунига қайтди ва талабаларга билим ва таълим бера бошлади. Илмий ишларга берилди, фан номзоди, фан доктори бўлиб етишди. Бу орада бадиий ижод билан ҳам шуғулланарди. Қатор-қатор пародиялари, шеърлари юқори матбуотларда, асосан “Шарқ юлдузи” журналида чоп этиларди. Унинг адабиётшунослик соҳасидаги ажойиб тақриз ва янгиликка тўла мақолалари “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газеталарида берилади.

Айниқса, жонажон водиймиз, она Фарғона адабий муҳити, Фарғона ижодкорлари фаолиятини тараннум этувчи кўплаб китоблари таҳсинга сазовордир. Айни пайтда у республикамизнинг таниқли адабиётшунос олимлари қаторидан муносиб ўрин эгаллаганлиги биз ижодкорларни қувонтиради ва фахрлантиради. Йирик олим ва шоир бугун катта йўлни босиб ўтиб, табаррук ёшга етиб келди. Келганда ҳам фахрли ва залворли хирмонни елкалаган ҳолда кўплаб ҳамқалам ва ҳамқадамларига ибрат бўларли ёрқин йўлни босиб келди.

У ҳамиша ўз ишига, ўз қаламига, ўз иқтидорига мос ва хос бўлган ҳолда ўзбек адабиётининг ривожланишига сезиларли ва муносиб ҳисса қўшиб келаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Катта шоир ва ёзувчилардан тортиб, кўлига эндигина қалам олаётган ёш ижодкорда йилт этган умид учқунни пайқаб, ҳаққоний баҳосини билдиради, рағбатлантиради.

Камина катта йўлда ҳамқадам бўлган касбдош ижодкоримизга узоқ умр, сиҳатлик тилаш билан бирга навқирон ва қутлуғ ёши билан қизғин муборакбод этаман.

БИР КЎНГИЛ КИШИСИ...

**Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ,
шоир, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

Профессор Йўлдош Солижонов домланинг кўнглига йўлни қачон, қай фазилатим, ижодимнинг қай бир жиҳати билан топа қолдим? Қачондан бери яқин оға-ини бўлақолдик? У киши ҳақида илгари бирон жойда тузук қуруқ гап айтмаган бўлсам. Каминага бу қадар меҳр, битикларимиз таърифига доир бу мақолалар, шеърӣй бағишловлар...

Боисини сира тушуна олмасдим.

Охири, Домланинг дилига бу муждани худонинг ўзи солганов, деган фикрга келдим. Бу ардоқ боисини ўзларидан сўраб билиб олсам бўларди. Лекин шундай қилишга, тортиндим. Билсангиз, у кишининг хофизаси минг гегобайт флешкадан кучли. Ким билан қачон, қай ҳолатда танишган, бунга нима туртки бўлган? Қайси ижодкор қачон туғилган? Нечта китоб ёзган? Кимларни ўқиган? Илми-ю, ҳилми қанча? Неларга қодир? Ҳе, қўйингки, бола чақаси-ю, уруғ ужудигача... билади.

Бир мисол келтирай. Илк машқим қачон, қаерда босилганини ўзимдан бошқа одам билмайди, деб юрардим. “Ёшлик” журналидаги бир мақоласида домла ўша дастлабки қораламам “Умар Ҳайём” деб номланишини, учта тўртликдан иборатлигини, Избоскан туманидаги “Пахтакор” газетасида ўтган асрнинг саксон иккинчи йили босилганини, шеърни ўзим ёзганимга шубҳа билан қараган газета “замредактори” каминани сўроқ саволга тутганигача эслаб ўтибдилар. Бу тафсилотларни Домла қаердан ўқиб, кимдан билиб олақопди, ҳайронман. Лекин бари ҳақиқат. Қойил!...

Аслида, мана шу гаплар эсланмаса ҳам, адабиёт заха еб қолмайди. Каминага ўхшаган битта шоир ҳақидаги айрим маълумотлар тилга олинмаса, осмон узилиб ҳам тушмас! Бироқ, гап бошқа ёқда. Домла, ҳамонки, фикр айтишга чоғланибдими, у киши учун ана шу интеллект ҳақидаги ҳар бир гап ёки рақам аҳамиятли. Жилла қурса, ўша қаламкашнинг ўзи учун...

Тан оламан, мен ўзим шу фактни ҳар хил кўрсатган, бир ўринда “Ўзбекистон маданияти”, бошқасида “Муштум”, деб ёзган пайтларим бўлган. Сабаби энди ўзингизга маълум: ёшлик ҳаволари! “Шедевинг” босилган нашр қанча номдор бўлса, шунча “оламшумул ижодкор” эдик-да, гўё.

Илм эса ҳақиқатга қараб оқади. Ўлчамлари ҳам ўзгача, аломат: қозонда борини сопол косангга сузиб беради.

Ҳамонки қаламга ошно экансан, гоҳида адабиётшунос олимлар билан ҳам бақамти келасан. Илм аҳлининг ҳам алланечук “деви” – салобати бўлади. Бу нарса анча-мунча одамни эсанкиратиб кўйиши ҳам бор гап. Бизга ўхшаган оддий қаламкашлар-ку майли, ҳар улуғларнинг ҳам улуғ устозлари қошида сир босиб, калавланиб қолгани ҳақидаги мисоллар қанча. Бунақа ҳолатлардан қанчасини ўзимиз ҳам кўриб, гувоҳи бўлганмиз-ку, ахир.

Устозлари қошида ўзини эмин-эркин тутиб, ҳазил-ҳузил гаплар айтишга хадди сиғадиган омадли ижодкорлар ҳам бўлади. Бунга мисолларни Ойбек, Миртемир, Шайхзода домлаларнинг ҳаётидан ҳам истаганча келтиришимиз мумкин. Саид Аҳмаднинг Ғафур Ғуломга, Абдулла Қаҳҳор домлага...Озод Шарафиддинов, Ўткир Ҳошимов, Неймат Аминовларнинг Саид Аҳмад акага қилган қитмирлигу тегажокликлари, ажойиб лутфлари. Уларнинг ўзаро бир-бирлари билан муносабатларига ҳам ҳавасимиз келарди. Шоир Азиз Абдураззоқнинг сирдош дўстлари, замондош адибларга боғлаб тўқиган хангомалари. устоз Носир Фозиловнинг Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Мухтор Авезов, Миртемир, Собит Муқондай буюкларга эркаликлари. Шукур ака (Холмирзаев)нинг қатор замондошлари, улуғ адиблар ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ дилбар эсселари бугун ўзбек адабиётининг юракни энтиктирувчи бетакрор маънавий ёдгорликларига айланиб улгурди, десам инкор этмасиз?

Бу гаплардан муддао нима?

Муддаоки, айрим адабиётшунос устозлар қошида сўзингни ҳам, ўзингни ҳам йўқотиб кўядиган ҳолатлар ҳам бўлишини айтиш. Масалан, каминанинг ўзи. Улуғ адабиётшунос Иброҳим Ғафуров билан кўришиб қолсам, муболаға демангу, кўнглим тубига энг бақувват маркали семон билан қориштириб қуйиб олган фикрларим ҳам уваланиб кетади. Дилимдаги изҳорлар бир ёқда қолиб, беихтиёр, ўзим мутлақо ихтиёр этмаган гапларни ғўлдирай бошлайман. Бундай ҳолат, яна денг, неча-неча топқир содир бўлади, бўлаверади!

Қачон ёдимга тушса ич-этимни кемирадиган бир воқеа... Аслида буни қовун тушириш, деса ҳам бўлади. Қайсидир йили у киши юбилей қилдилар. Машҳур бир қошонада ош бердилар. Одам дегани оқиб келяпти. Ҳамма акани бағримга боссам, ҳеч йўқ, кўлини олиб, икки оғиз табрик сўзи айтсам, дейди.

Ана шулар қаторида тўйга таклиф этилганидан ғоятда хурсанд, камина ҳам боряпти. Чўнтагида уч-тўрт сўм тўёна. Баҳонада, яқинда чиққан шеърый тўпламини ҳам устозга тортиқ қилиш ниятида. Биласизми, у ёғи нима бўлди? Нима бўлганини, худо ҳаққи, айтиб беролмайман. Мухтасарини айтсам: уйга қайтиб, не кўз билан кўрайки, атаган тўёнам чўнтагимда! Қандай тахлаб қўйган бўлсам шундай турибди! Лекин, китобча йўқ! Демак, каминанинг буюк асари ҳаммининг кўз ўнгида юбилярга тортиқ қилинган...

У ёғини айт, деб мени нўйитманг, илтимос!...

Бундай ҳолатларимдан зақланиб-завқланиб куладиган ўртоқларим ҳам йўқ эмас. Ишонмасангиз, шоир Турсин Али ёки ҳассос адабиётшунос олим Зухриддин Исомиддиновлардан сўранг. “Менинг довдираб қолишларим”ни бошлаб таърифлаб беришади. Мен тушиб қолаверадиган бу каби кулгили ҳолат

Иброҳим аканинг салобатидан довдираш ёки ҳайбатидан ҳайиқишим туфайли эмасдир, эҳтимол. Билмадим, нима бўлганда ҳам, бор гап шунақа!...

Солижонов домланинг ҳам ўз шогирдлари, тенгдошлари, ҳар улуғ инсонлар билан манзирату машваратларини кўп бор кузатганман, десам ҳам бўлаверади. Нозик қалб, инжа табиатли инсонларга хос айрим тутумларидан ҳайрон қолган пайтларим ҳам бўлган. Булар ҳам ҳали алоҳида мақолаларга ҳамиртуруш бўлса, ажаб эмас.

Ҳайриятки, қошида мен калавланмайдиган, суҳбатлашсак, кўнгилдаги гапларимиз арқоғи ҳимарилиб, яйраб-яшнаб чиқадиган, ака-ука бўлиб кетган улуғлар ҳам йўқ эмас. Масалан, Қамчибек акам(Қамчибек Кенжа), профессор Қозоқбой Йўлдошев, яна “Умар Ҳайём”ни ўзим ёзганимга ишонқирамайроқ қараган ўша “зам редактор” устозимиз ёзувчи, етук таржимон Абдулла Комил. Ҳайриятки, оз бўлса ҳам бор улар. Солижонов домлани шулар сирасига киритсам бўлаверар...

Дейлик, каминангиз, бошқалар назарида нојиддийроқ, арзимасроқ туюлган бирор ишни маъқул топди. Ажабки, бу қарорим Йўлдош акага ҳам маъқул тушақолади. Шу боланинг ҳам сазаси ўлмасин, дейдими, кўнглимга қарайди. Катта бошини жудаям кичкина қилади. Камина ҳам бундан сари талтаяди:

– Домла, Тошканинг фалон ерида са-алқин жой бор экан. Бориб бир ағанашмаймизми?

– Бўптида, шоир, сиз айтасизу, йўқ деймизми!

– Домла, шунча кундан бери Тошкандасиз. Бирор кунингизни бизнинг кулбага ҳам бахшида қиласизми, ё?...

– Хўп-да!...

– Домла, ялангоёқ, яланг бош бўп, бир дарвешона кўча кезмиймизми, а?

– Кезсак, кезоврамиз-да. Бизи биров таниб ўтирибдими!

Ана энди, қориндор бир шоир-у хипча қад, қирғийбурун, сочлари оппоқ машҳур бир профессорнинг девонаваш шаҳар кезишларини кўрсангиз.

Бири фарғонача қалампир дўппили, иккинчиси ялангтўш, яланг бош, тепакал... Жуссаю, келбат бобида мутлақо нопропоционал бу икки “оригинал қиёфа” – икки “кўнгил кишиси”ни энди чет эллик сайёҳлар ҳар томондан, ҳар турли проекцияда фотодастгоҳларига чақ-чуқ мухрлашларини кўринг!...

Яна бир воқеа.

Икковимизнинг ҳам қайсидир йилги “Дўрмон” ҳордиғимиз айна ёз чилласига тўғри келди. Ижод уйи дарвозасидан шундоқ хатлаб чиқсангиз, экинзорларга шўнғиб кетадиган дала йўлига тушасиз. Жазирамада тупроғи тиззага урадиган момик “пудра”га айланадики, яланг оёқ бўлиб кечсангиз, танада борки бодни бозиллатиб сўриб оладиган тап-тайёр табиий малҳам-да.

Ҳар куни, қуёш ёнбошига энган маҳал ўша томонга қараб манғийман. Бу ишим, Домланинг ҳам эътиборини тартади. Эртаси куни тупроқ терапиясига икки киши бўлиб чиқамиз. Бир машҳур олим ва бир шогирднинг бу ажаб тутуми бошқаларга ҳам юқади. Кўп ўтмай, ўн чоғли таниқли ижодкорларнинг

турнақатор бўлиб тупроқ кечиб юришларини кўрган дўрмонлик дехқонлар ёппасига ҳайрон...

Аминманки, фақат шоир Абдунаби шу ишни қилса, бошқалар, ўлақолса эргашмасди. Профессор Йўлдош Солижонов домла ҳам кўшилибдики, демак, бир балоси бор!... Домла тупроқ терапиясини ҳам каминанинг кўнгли учун ихтиёр этгани аниқ. Ростини, менинг бунақа танқиқликларимни ўзимнинг туғишган акам бўлса тушунмасди, деб ҳам қоламан, гоҳида.

Домланинг олимлиги, бўлгандаям азамат олимлиги, сўз илми, миллий адабиётшунослигимиз равнақи йўлидаги муносиб хизматлари, илмий-адабий тадқиқотлари, кейинги йилларда пайдар-пай чоп этилган қатор рисоалари (мас: “Замонамизнинг забардаст шоири” (2015 й.), “Умрим бекатлари” (2017 й.), “Лирика латофати, насрнинг назокати”(2018 й.), “Сўз сеҳри ва меҳри” (2018 й.), “Чингиз Айтматов – адолат ва ҳақиқат куйчиси” (2018 й.) ва ҳоказо) ҳақида ҳам бир татимли гаплар айтгимиз келади. Лекин, чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйгани маъқул. Бизнинг гапларимиз эса “бир кўнгил кишининг бир кўнгил кишиси ҳақидаги мулоҳазалари” теварагида бўлгани маъқулга ўхшади.

Нафсиламрини айтганда, профессор Йўлдош Солижонов кўнгил учун кўнгилни қурбон қилишга қодир инсонлар тоифасидан. Кўнгилни қурбон қила оладиган одам эса, шубҳасиз, табиатан ҳақиқатга мойилроқ туради.

Сўзимнинг шу жойига домламизнинг ўз қаламидан мисол келтирақолай.

Эсласангиз, “Ёшлик” журналининг бундан ўн йиллар аввалги бир сониди “Эл нетиб топғай мениким...” сарлавҳали автобиографик эссе босилган эди. Ўша мақолада шундай бир характерли жойи бор: йигитча ўнинчини аълога битирган бўлса-да, “қариб ишдан бўшаб қолган отанинг раъйи” ва оиланинг аҳволини мулоҳаза қилиб олий ўқув юртига ҳужжат топширмайди. Ишлаб, рўзғорга кўмаклашишга аҳд қилади. Аввал қурувчи, сўнроқ почтальон бўлиб ишлай бошлайди. Биласиз, почтачилик иши қишлоққа қишлоқ хат-хабар, газета журнал тарқатиш. Аммо ўша почтальон ўзи тарқатаётган нашрларидаги муаллифларга таассуб қилиб, қоғоз қоралашни ҳам бошлаган. Қалами ҳам ўзига ўхшаб камчилик, ноҳақликка мурасасизгина... Бир куни денг, ўша хабарчи бола бегона ўт босиб ётган ғўза пайкалидан бефарқ ўтиб кетолмайди. “Бу ерда ғўза ўстирмоқчи эдилар-ку?” сарлавҳали танқидий мақола ёзиб, туман газетасида чиқариб юборади. Албатта, бундан колхоз раиси қаттиқ ранжийди:

– Мақолангга неччи пул олдинг? Мен ўзим кўпроқ берардим, – дея кесатиб қолади.

Йигитнинг ҳамияти кўзийди:

– Гап едиргунча, ғўзани чоптирсангиз бўларди, раис бува. Бўлмаса, каттароқ газетага ёзишим ҳам мумкин, – деб жавоб қайтаради.

Турган гапки, ўша куниеқ штат қисқаради. Почтальоннинг паттаси эса қўлига тутқазилади.

Ана ўша қайсар, ўктам ва “шаккок” йигитча ўзимизнинг мана шу, бир кесар домламиз, бугунги воқелигимизда ҳам адабиёт, бадииятга доир шахсий тасавурларидан зиғирча ортга чекинмайдиган беҳаловат ижодкор, танқиқли олим, профессор Йўлдош Солижонов эди.

Бундан бир неча йил олдин Домла ҳақидаги дил сўзларимизни бир кичикроқ шеърда ҳам изҳор қилишга уринган эдик. Афсуски, у жиддийроқ нашр юзини кўрмай қолиб кетувди. Ҳар нарсанинг ўз вақти бор, дегани рост экан чоғи. Солижонов домланинг саксон ёшлик тўю-тантаналари айна қизиган ушбу кунларда ўша сатрларни ҳам “истол”га тортворсак бўладигандай туюлди.

НОМУС ЖУССАСИ

Профессор Йўлдош Солижоновга

У бор жойда...
Сигмайди риё,
Узлатижон айтгулари бор.
Унда воқе бир ҳилму ҳаё,
Битгулари кўнгилга хуш тар.

Йўқ, у закий кузаки шамол,
Олулатар боғларнинг юзин...
Тавсифида “Ўжар, гажир чол.”
Бир чолки, нақ Ҳизрнинг ўзи!

Тийнатида тиниқлик тоти,
Симирсам, дер ҳар чўллаган зот.
Кўксингда бир ҳавас уйғотур,
Даванларни қучган – илтифот.

У тотларнинг бўйлари–Хўқон,
Шоҳимардон, Марғилон, Риштон.
Ҳилвирдай шу жуссада, яна,
Мулк сўрайди мулки Фарғона.

Феъл-хўйида
Бир ажиб тотим,
Унда номус сақлайдир идда.
Нимжонгина, ушбу вужудда,
Паҳлавондир АДАБИЁТим!

2015

УСТОЗ САБОҚЛАРИ

Исмоил Маҳмуд Марғилоний,

Шоир, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари. Тошкентда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида ишлаб юрган кезларим. Марғилонга ота-онамни кўриб кетиш учун келгандим. Орадан бир-икки кун ўтиб устозларни зиёрат қилиш учун Фарғонага чиқдим. Фарғона давлат университети (ўша пайти Фарғона педагогика институти) ҳовлисида устоз Йўлдош Солижонов билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашдик. Энди уйга қайтмоқчи бўлиб тургандим, Йўлдош ака ўзига ярашган тақаллуф билан:

– Исмоилжон, ҳозир 3-курса дарсим бор, вақтингиз бўлса юринг, сиз билан талабаларнинг ижодий учрашувини ўтказамиз. Болалар хурсанд бўлади, – деб қолди. Устознинг бу эътиборидан хурсанд бўлдим. Биргалашиб аудиторияга йўл олдик. Дарс бошланди. Йўлдош ака ўзига хос салоҳият билан сўз бошлаб:

– Азиз талабалар, бугун дарсимизга ҳамшаҳримиз шоир Исмоил Маҳмудни таклиф қилганман. Сизлар билан бир ижодий учрашув ўтказамиз, – деди хурсандчилигини билдириб ва мени таништириб шеърларимдан ўқиб беришни таклиф қилди. Қисқагина кириш сўзидан кейин янги шеърларимдан ўқиб бердим. Сўнг Йўлдош ака:

– Исмоилжон, бизнинг талабаларимиз ичида ҳам зўр шоирларимиз бор, бир эшитасизми? – деб қолди фахр ҳиссини яширмай.

– Яхши бўларди, – дедим қизиқиб. Устоз ёшларга эҳтиром билан юзланиб:

– Қани, Иқболжон Мирзалиев, сиз шеър ўқинг-чи, – деб ўртароқда ўтирган талабага юзланди. Истараси иссиқ, кўзлари кулиб турган ўрта бўйли йигит:

– Хўп бўлади, устоз, – деди-да, худди шеър ўқишини билиб тургандай дадил, жарангдор овоз билан ўқий бошлади. Унинг шеърида бир-биридан таъсирчан, оҳори тўкилмаган ташбеҳларга бой оташин руҳни ҳис қилдим.

– Яна бир-иккита ўқисин, – дедим. Устоз шогирдига юзланиб:

– Қани, марҳамат, давом эттиринг, – деди. Иқболжон янги шеърларидан яна анчасини ўқиди. Ҳаммани ўзига қаратиб қўйди.

– Тошкентда ҳам бундай истеъдод кам. Пойтахтга борса, яна ҳам очилиб кўзга кўриниб кетиши мумкин, – деган фикр ўтди хаёлимдан. Йўлдош ака кўнглимдан кечган бу ўйни уққандай:

– Ўқишни битказса, албатта, Сизга ўхшаб Тошкентга боради. Шоир учун ижодий муҳит жуда ҳам муҳим, тўғрими, Иқболжон. Борасиз-а, Тошкентга, – деди. Иқболжон ўзига ярашиб турган жилмайиш билан:

– Худо хоҳласа албатта бораман, устоз, – деб муаллимнинг фикрини маъқуллади. Шундан сўнг яна бошқа талабалар ҳам ўз шеърларидан ўқиб беришди. Қизгин адабий суҳбатимиз дарс сўнггигача давом этди.

Бу учрашувга ҳам қирқ йилча бўлиб қолган бўлса ҳам, ҳали-ҳануз истиқболи порлаб турган ёш шоирнинг тийрак нигоҳлари, Йўлдош аканинг шогирдларга бўлган чексиз ҳурмат-эҳтироми, фидойилиги, меҳрли қиёфаси кўз олдимда турибди.

Ижод тақозоси сабаб ҳаётимда устоз Йўлдош Солижонов билан учрашувларимиз кўп бўлган. Шулардан яна бири хотирамда мустаҳкам муҳрланиб қолган. 2000 йилнинг бошларида Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими раҳбари Энахон Сиддиқова ташаббуси билан вилоятдаги бир гуруҳ ижодкорлар иштирокида Бухоро, Самарқанд вилоятларига ижодий сафар уюштирилди.

Белгиланган вақтда Марғилон вокзалидан поездга ўтириб, йўлга отландик. Барчанинг юзида хурсандчилик, руҳида ижодий кайфият нашидаси намоён эди. Кўпдан буён бундай сафарга чиқилмагани учун ижодкорларнинг кўнглида янги-янги асарлар ёзиш, сафар таассуротларидан туғилган бетакроп туйғуларни оқ қоғозга тушириш, илҳом завқларидан унумли фойдаланиш ҳисси жўш урарди. Уч-тўрт нафардан бўлиб купеларга жойлашдик. Каминага устоз Йўлдош Солижонов ва халқ артисти, профессор Султонали Маннопов билан бир купеда кетиш насиб этди. Сафар жиҳозларимизни жойлаштиргач, бир пиёла чойга ўтирдик. Қўшни хоналардан ҳамсафарларимизнинг ҳазил-мутойиба аралаш қувноқ овозлари, кулгулари, кўтаринки руҳлари баралла янграрди. Барча опа-сингилдек, ака-укадек, бир оиланинг фарзандларидек аҳил эдик.

Хурсандчилик бизнинг кайфиятимизни кўтарди. Йўлдош Солижонов сафаримиздан мамнун эканлигини билдириб, бу ижодий сафар кўпчиликка янги ижодий рух, илҳом бағишлашини алоҳида таъкидлади. Султонали ҳам бу фикрга қўшилиб, ҳали бошқа вилоятларда бундай тадбир ташкил қилинмаганлигини, бунинг учун ушбу тадбир ташкилотчилари алоҳида миннатдорчиликка лойиқ эканлигини эътироф этди. Суҳбатимиз асносида Йўлдош ака менга юзланиб:

– Исмоилжон, янги ижодлардан бўляптими, бир-иккита эшитайлик, –деб қолди.

– Янгилари бор, устоз! Ўзим ҳам бир назарларингдан ўтказиб олай деб, тургандим, – дея қоғозга қараб янги ёзган ғазалларимдан тортиниб-тортиниб ўқиб бердим. Тортиншимнинг сабаби шу эдики, ҳали аруз баҳрларини тўла билмасдим, ғазал мақтасида ишлатиладиган адабий таҳаллусим борасида ҳам қатъий бир қарорга келмагандим. Шунинг учун ғазалларимни гоҳида “Исмоилий”, гоҳида “Маҳмудий”, гоҳ “Исмоилзода”, баъзан “Исмоил Маҳмуд” деган таҳаллуслар билан тугатардим. Устоз ғазалларимни эътибор билан тинглагач:

– Исмоилжон, ғазалларда таҳаллусларингиз ҳар хил келяпти, шуни яхлит бир таҳаллусга айлантисангиз бўлмайдими? Масалан, шу кунгача нашр этилган бир қатор тўпламларингизда, шеърларингизда “Исмоил Маҳмуд” номи

билан чиққансиз, шуни эътиборга олиб ғазаллардаги тахаллусингизни ҳам “Маҳмуд” деб атасангиз, менимча, яхши бўларди. Сиз нима дейсиз, – деб суҳбатни мароқ билан тинглаб турган Султоналига юзланди.

– Яхши фикр айтдингиз, Йўлдош ака. “Маҳмуд” сўзининг маъноси ҳам жуда чуқур, ғазалга мос тушади, – деди Султонали устознинг таклифини маъқуллаб.

Икки улуғ инсоннинг камина ижодига ғамхўрлик билдириб айтган чуқур илмий, самимий фикрлари менга жуда маъқул келди. Хазина топгандек ич-ичимдан қувониб кетдим. Уларга такрор-такрор раҳматлар айтдим. Адабиёт, ижодкор ва ижод жараёни билан боғлиқ суҳбатимиз яна қизгин давом этди. Устозлар даврасида ўтаётган том маънодаги ижодий сафаримиз ўзининг илк дамларидаёқ мева бераётган эди. Қўшни хоналарда ёшларнинг ўйин-кулгулари давом этар, поезд эса мақсад сари шитоб билан интилар эди.

ҲАҚНИ ТАНИТГАН САБОҚЛАР

**Зухра АЛИЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
“Меҳнат шухрати” ордени соҳибаси,
“Қува ҳаёти” газетаси бош муҳаррири.**

Талабалик йилларимизни эсласам, беғубор, рангин лаҳзалар кўз ўнгимда гавдаланади. Ўзбекистонда энг кучли, билимли устозлар Фарғонада экан, деб Туркманистоннинг Тошовузидан, Қирғизистоннинг Ўш вилоятидан, Қашқадарё, Жиззах, Наманган, Андижон вилоятларининг чекка туманларидан ўқишга келган курсдошларимиз билан бир ота-онанинг фарзандларидай бўлиб кетгандик.

Дарҳақиқат, Фарғона давлат педагогика институти (ҳозирги ФарДУ) да ғоят билимдон ва талабчан устозлар бизга фан сирларини ўргатиш баробарида жуда катта ҳаётий сабоқлар ҳам беришарди. Айниқса, Акрамжон Иброҳимов, Ҳасанхон Рустамов, Эътиборхон Иброҳимова, Йўлдош Солижонов, Акбарали Матғозиев, Аминжон Орифжонов, Азим Раҳимов, Иқбол Назаров, Исмоил Фармонов, Яхёхон Зулфиев, Ўринбой Холматов, Карим Юсупов, Асқарали Шаропов, Хурсанали Шарафитдинов, Муҳаммаджон Мадғозиев, Маҳфузилло Раҳмонов, Хайрулло Фаттоҳов ва яна жуда кўплаб устозлар бизга дарс жараёнида мукамал илм, маърифат ва яхши тарбия берганларини ҳеч қачон унутиш мумкин эмас.

Мен бугун филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, беназир адабиётшунос олим Йўлдош Солижонов ҳақида эсдаликлар ёзмоқликдан олдин олийгоҳда ишлаб, айримлари бугун орамизда йўқ бўлган устозларимизни ҳам эслаб ўтишни жоиз деб билдим. Сабаби уларнинг кўпчилиги Йўлдошхўжа аканинг ҳам пири комил устозлари саналадилар. Барчамиз уларнинг кўмагида тил ва адабиёт тарихи, турли

даврлардаги ёзувлар, ҳозирги замон ва болалар адабиётининг ўзига хос жихатлари, форс тили ва унинг графикаси, чет эл адабиёти, халқ оғзаки ижоди, ифодали ўқиш, орфоэпия, орфография қоидалари, бадий ижод сирларидан воқиф бўлди, кўнгил кўзларимиз очилди.

Солижонов домла ҳақида эса менинг эсдаликларим бир-икки қоғозга сиғмаса керак. Устознинг фан арбоби, ёшлар мураббийи, таниқли ижодкор, тадқиқотчи, моҳир танқидчи, сўз заргари сифатидаги хислатларининг ҳар бири тўғрисида китоблар ёзиш мумкин. Мен устознинг ўрта авлодга мансуб минглаб шогирдларидан бириман, холос. Кўплар қаторида билганим шуки, Йўлдош Солижонов яхши олим, яхши мураббий, яхши устоз, яхши инсон.

Бизнинг талабалик йилларимиз 1969-1973 йилларга тўғри келади. Дарс машғулотларимиз кўпроқ энг қадимги асосий бинода ўтарди. Яширишнинг ҳожати йўқ, баъзи дарсларда зеркиб қолардик. Тўғриси, бир хилги домлалар бир маромда, қоғозга қараб, бир оҳангда маъруза ўқишса, уйқумиз келиб қолар, шунда ўзимизни чалғитиш учун бир-биримизга домлаларга сездирмай, хат ёзишиб ўтирар эдик.

Сиёсий иқтисод дарси кетяпти. Домла стулга ўтириб олиб, конспект дафтарида нималарнидир бизга ўқиб беряпти. Ҳамма худди ёзганга ўхшаб, ручкасини китирлатиб ўтирибди. Ахён-ахёнда домла бошини кўтариб, дўпписини бир тўғрилаб кўяди-да, орқа қатордаги талабаларга қараб, худди тишининг орасидан овоз чиққандай “гапирмай ўтирассиз!” деб кўяди.

Бир дам хонага сукут чўқади. Ҳамма ер остидан бир-бирига қараб, кўлини томоғи тагига келтириб кўяди. Яна бир-биримизга шеър ёки қизиқ гапларни ёзиб, узата бошлаймиз. Шу пайт Озода Мамарасулова деган чимёнлик ўртоғимиз ўзини тута олмай “пик” этиб кулиб юборди. Домла яна бир бош кўтариб, кўзойнаги устидан кулган қизга хўмрайиб қараб кўйди ва одатдаги оҳангда “кулмай ўтирассиз!” деб кўйди. Озоданинг аслида қизил юзлари бадтар қизариб, бошини эгиб олди.

Ўшанда мен унга Йўлдош Солижонов дарсда ўқиб берган Ғ.Ғуломнинг “Нортожининг курак тиши” шеърини эслатиб, “вой тисим, вой тисим, вой тисгинам-ей”, “Пухтор билан Пунис саргузаштлари эсингдами?” деб ёзиб юборгандим.

Хуллас, Йўлдошхўжа аканинг дарслари биз учун ғоят қизиқарли эди. У болалар адабиёти бўладими, ҳозирги замон ўзбек адабиёти бўладими, ҳар бир дарсдан жуда катта таассурот олардик, ўзимиз ҳам устозга ўхшаб гапиришни, мактабларга амалиёт учун борганимизда, у кишига ўхшаб дарс ўтишни хавас қилардик.

Талабалик пайтларимизни эсласак, китоб етишмагани учун бир китобни навбат билан ўқиб чиққанларимизни, баъзан ётоқхона ташқарисидаги симёғоч ёруғи остига тўпланиб олиб, биримиз ўқиб, бошқалар эшитган даврларимизни айтиш керак. У пайтларда камёб китоблар кўлма-кўл бўлиб юриб, охири “йўқолиб” ҳам қоларди.

Кунларнинг бирида устозимиз семинар машғулотида Асқад Мухторнинг “Опа-сингиллар” романи юзасидан суҳбат бўлишини айтдилар. Мен эса салбий образлардан бири Эдгар Гладстон ҳақида гапиришим керак эди. Ўшанда бу

катта романни уч кунда ўқиб чиққаним эсимда. Домлаларимизнинг нақадар талабчан бўлганлари бизнинг фойдамизга эканини кейинчалик тушуниб етганмиз.

Ўша пайтларда факультетимизнинг ойнаси – “Ёш филолог” деворий газетаси ҳам Солижонов домланинг раҳбарлигида чиқарилар эди. Мен чиройли сурат чизар, онда-сонда шеърлар ҳам ёзиб турардим. Шу сабабдан устоз мен билан бирга курсдошимиз Отахон Темуровни газета чиқаришда ўзларига ёрдамчи қилиб олганлар. Ёзган мақола ва шеърларимизга муносабат билдириб, жумла тузиш, воқеликни ифодалаш, сўзни ўрнида қўллаш борасида бизга зарур сабоқлар берардилар. Устоз яхши шеърлар ёзиб, кўпинча, бизга ҳам ўқиб берардилар. Ўйлайманки, кейинчалик, ижодкор, журналист бўлишимда ана шу илк сабоқларнинг ҳам ўзига хос таъсири бўлгани аниқ.

Кунларнинг бирида машинкада ёзиб ўтирган устозимиз деразадан бир йигит билан қўл ушлашиб кетаётган қизни кўриб қолдилар. Шунда домла менга қараб, анави қиз курсдошингизми, тоғлик қиз-а, дедилар. Мен “ҳа” ишорасини қилдим. Шунда устоз машинкага бошқа қоғоз қўйиб, қуйидагича бошланадиган шеър ёзиб қўйдилар:

Дарахтда олма пишди,
Сояси қушга тушди,
Ўртоғи ишга тушди,
Зухро ташвишга тушди...

Домланинг тез ва соз матн туза олишига биз курсдошлар хайрат билан боқардик.

Учинчи курсда ўқиб юрган кезларимизда адабиёт фанидан республика илмий конференциясига танлов ўтказиладиган бўлди. Йўлдош Солижонов менга “Саид Аҳмад сатираларида қаҳрамоннинг ички ва ташқи ҳолати” мавзусида илмий маъруза ёзишни топширдилар. Вақт жуда қисқа қолган эди. Мен устоз кўрсатган китобларни ўқиб чиқдим ва мавзуга доир фикрларимни қоғозга туширдим. Режа тузишга устоз ёрдам бердилар. Мен илмий докладимга илова тарзида сатира қаҳрамонлари суратини ҳам чиздирдим. Бу ишда менга курсдош дугонам Кароматнинг акаси, биология факультети талабаси, ёзувчи Туроб Мақсуд ёрдам берди. Хуллас, анжуманга уч кун қолганда, мен илмий докладимни Йўлдош Солижоновга кўрсатдим. Устоз қилган ишимдан мамнун бўлдилар. Бироқ матнда бироз ихчамлаштириладиган, таҳрир қилинадиган жойлар борлигини айтдилар.

Мен ёзган варақнинг охирига ўз фикрларини ёзиб қўйдилар. У даврларда ҳозиргидай компьютер қаёқда, ҳатто, машинка ҳам йўқ, барча ёзганларим қўлёзма ҳолида эди. Тўғриси, нокамтарлик деманг-у, ўртоқларим ичида ҳуснихатим ёмон эмас, мактабда “Чиройли ёзув” танловларида кўп бора ғолиб бўлганман. Савод масаласида ҳам ўзимга ишончим бор. Қисқаси, домладан мақтов кутиб олиб борган матнимга у киши анча қўшимча ва ихчамликлар киритганлар. Бу ҳам майли, домланинг жуда ҳавас қиладиган чиройли ёзувларини кўриб, ўзимдан, хатимдан уялиб кетдим. Хуллас, илмий

конференцияда докладим ғолиблар қаторидан жой олди, республикага юборишга лойиқ деб топилди.

Устознинг шогирдларига нисбатан эътиборли ва ғамхўр эканликлари ҳақида ҳам айтмоқчиман. Хабарингиз бор, бизнинг талабалигимиз кўпроқ пахта даласида ўтган. Биринчи курсда пахта теришга боролмадим. Мен каби пахтадан “озод” бўлганлар институтда тозалик, йиғиштириш ишларидан ташқари, янги таъмирланган бинолардаги “усталарнинг кўли тегмай” қолган жойларни краска қилиш билан машғул бўлардик. Ҳаво совуқ, бинолар ичи ундан совуқ. Мой бўёқнинг ўткир, димоғни ёрадиган ҳиди бошларимизни оғритиб юборади. Бир кун ҳам дам олишга рухсат йўқ.

Иккинчи курсда пахтадан қолишни истамадим. Майли, кучим етганча пахта теравераман. 1970 йил, 2 октябрь. Шу куни институт биноти олдига тўпланган талабаларни автобусларга тақсимлаб, далага олиб кетишди. Ўшанда биз Қува туманидаги Киров номи колхозга бордик. 15-мактаб бинотига жойлашиб, ҳаммага этаклар тарқатилди ва биз далага қараб йўл олдик. Эгат оралаб оппоқ очилган пахталарни тера бошладик. Мен иккинчи эагимни тўкиш учун пайкал четига чиққанимда, штаб бошлиғи Тўйчи Турғунов бизни текширгани келиб қолди. Солижонов тут қатор орасида кимнингдир пахтасини ўзига “стул” қилиб олиб ўтирган экан. Турғунов менга қараб, қийналмаяпсанми, деди. Бу домламиз ҳеч кимни “сиз”лаб гапирмасди.

- Ҳозирча йўқ,-дедим кўзимни ердан узмай.

Шунда Солижонов сўз бошлади:

- Менга қаранг, Тўйчивой ака, шу қизни табелчи қилиб кўяйлик. Қийналяпман, дермиди, анаву тўрт мучаси соғлом Маматқулов пахта тераверсин, кучи ўзига сиғмай ётибди, унга нима қоғоз-қалам ушлаб олиб...

Турғунов бир оз қоғоғини солиб олди. (Чунки у табелчи қилиб кўйган Маҳмуд ака бизнинг старостамиз, штаб бошлиғининг ҳамюрти эди-да...). Менга ўсиқ қошлари остидан қараб, савол берди: -Ҳисоб-китобга қалайсан? “Чўт “ ишлатишни биласанми? Мен ҳам бўш келмай, мактабда математика фанидан “беш”га ўқиганимни айтдим.

Хуллас, Солижоновнинг тавсияси билан менга “табелчи” деган амал тегди.

Устозимиз бир менга эмас, барча талабаларга ўзини жуда яқин олар, кимнингдир тоби қочиб қолса, дарҳол унга дори-дармон олдириб, баъзан уйга рухсат ҳам бериб юборарди.

Йўлдош Солижонов олий ўқув юртида бизга сўз санъати сирларини ўргатди, адабиётнинг одобият эканини билдирди. Ўша давр тақозосига кўра Максим Горький, Пушкин, Лермонтов, Фадеев, Шолохов, Николай Тихонов, Якуб Коласларнинг асарлари, уларнинг қаҳрамонлари орқали бизнинг ватан, инсон меҳнати, одамийлик туйғулари ҳақидаги тушунчаларимизни улғайтирди.

Ҳамза Ҳакимзода, Садриддин Айний, Ғафур Ғулум, Мухтор Аvezов, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода каби адабиёт намояндаларининг ҳаёти, ижоди, етук асарлари билан таништирди. У даврларда ҳозиргидай техник воситалар бўлмаган. Дарслар оддий доскага бўр билан ёзиб тушунтирилар эди. Солижонов эса баъзи асарларни талқин қилишда гоҳ ёш бола бўлиб, гоҳ аллегорик – мажозий образлар ролини бажариб, кўз ўнгимизда воқеаларни

гавдалантириб берар, дарсларида худди қаҳрамонлар билан бирга юргандай бўлардик.

Орадан неча йиллар ўтди. Бу орада устоз олийгоҳнинг энг улуғ, донишманд профессорига айланди. Филология фанлари доктори, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси сифатида кўплаб илмий, бадиий асарлари дунёга келди. Қанча-қанча илми толибларга фан йўлида раҳнамолик қилди, илмий раҳбар бўлди. Бугун Солижоновнинг фан доктори, фан номзоди бўлган жуда кўп салоҳиятли шогирдлари устоз изидан бормоқдалар. Жумладан, Сиддик Мўмин, Ҳабибулло Жўраев, Шарифа Искандарова, Акбарали Сабирдинов ва яна бошқа шогирдлари илму фан тараққиётига ўз меҳнатлари билан муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Устозимиз бугун муборак 80 ёш билан учрашиб, ўтган йиллар сарҳисобини чамалаб турибдилар. Бизни қувонтирган нарса шуки, Йўлдош Солижонов шу ёшда ҳам ижодда навқирон, дадил, фаол ва замон билан ҳамнафас яшамокда. Республика нашрларида эълон қилинаётган устознинг ўзига хос инжиқлик билан ёзган танқидий, таҳлилий ёки бадиий-публицистик мақолалари ўқувчининг бадиий дидини, маънавий-ахлоқий қарашларини шакллантиришда ҳамон етакчи ўрин тутмоқда.

Биз муҳтарам устозга қутлуғ ёшда ижодий ютуқлар, умрбоқийлик ва мустаҳкам соғлиқ тилаймиз.

УСТОЗ МЕҲРИ

**Мамлакат ЎКТАМ,
шоира.**

Ота-онам ўқитувчи бўлганликлари учун уйимизда турли бадиий ва илмий китоблар кўп бўлар, бўш пайтларимда тинмай уларни мутолаа қилар эдим. Шундан бўлса керак, болалигимдан адабиёт менинг ҳам жону дилим, бору йўғимга айланиб қолган. Айниқса, ўқувчилик йилларимда мен ўқиган синфга онамнинг раҳбарлик қилиши ҳамда она тили ва адабиёти фанларидан дарс бериши менга янада катта масъулият юклаган эди. Синфдошларим олдида нафақат ўзим, балки онамнинг ҳам юзларини ерга қаратиб қўймаслик учун жон-жаҳдим билан тиришиб ўқир эдим. Шулар сабабли адабиёт ҳаётимнинг мазмунига айланди. Ҳаётимни ижодсиз, шеърисиз тасаввур эта олмайдиган бўлиб қолдим.

Дадам раҳматли – Абдураҳимжон Алимов, ўзлари тарих фани ўқитувчиси бўлганликларидан адабиётни ҳам жуда севар ва кадрлар эдилар. Менинг бу қизиқишимни пайқаб, шаҳримиздаги шоир Исмоил Маҳмуд раҳбарлик қилаётган Увайсий номидаги адабий тўғаракка олиб бордилар. У ердаги муҳит шеърисиз бўлган ҳавасимни янада оширди. Айни шу кезларда мен яна бир устоз – Фарғона давлат университети профессори, адабиётшунос олим Йўлдош Солижонов ҳақида эшитдим. Тўғарагимиз аъзолари орасида у кишининг адабиётшунос олим сифатида ўта талабчанликлари, ҳар қандай асар (муаллифи ким бўлишидан қатъий назар) ҳақида бор ҳақиқатни айтишлари, ҳеч қачон

арзимайдиган асарни кўкларга кўтариб мақтамасликлари, муаллиф йўл қўйган камчиликларини очиқ-ойдин очиб беришлари ҳақида кўп марта эшитгандим. Қолаверса, адабиётга бағишланган тадбирларда бир неча марта устознинг бу ҳақда кўйиб-пишиб гапирганликларига ҳам гувоҳ бўлгандим. Шу боис учта китобим нашрдан чиққан бўлса-да, у кишининг олдига боришга, тўғриси, юрагим бетламас эди.

2015 йил ёзларида тўртинчи шеърый тўпламим “Чархпалак” нашрдан чиқди. Бу пайтларда мен фақат Увайсий тўгараги эмас, Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими қошидаги “Олтин қалам” тўгарагига ҳам қатнашар, шунингдек, устозим Толибжон Рўзибоевдан шеърят сабоқларини олар эдим. Мен ўзимдаги кўрқувни енгиб, китобимни кўлга олган куним биринчи бўлиб, устоз Йўлдош Солижоновга олиб боришга аҳд қилган эдим. Шу сабабли китобни олдим-да, университетга йўл олдим. Бориб, у кишини адабиётшунослик кафедрасидан топдим. Тортина-тортина ўзимни таништирдим ва мақсадимни айтдим. Устоз мени кутганимдай ўта важоҳат билан эмас, балки жуда самимий муносабатда қабул қилганликлари хайратлангирди. Нафақат менга балки, устознинг атрофида гирдикапалак бўлаётган талабаларга ҳам оталарча самимиятлари, ҳеч бирининг сўзини бўлмай охиригача тинглаб, маслаҳатлар, йўл-йўриқлар кўрсатиши менинг хайратимни янада оширган ва устоз ҳақидаги тасаввурларимни бутунлай ўзгартириб юборган эди. Ўша куни шеърят, адабиёт, менинг қизиқишларим, устозларим ҳақидаги суҳбатимиз жуда самимий кечди. Китобимни олиб қолар эканлар:

– Жуда яхши, қизим, мен ўқиб чиқай, кейин ўз фикримни айтаман, – дедилар.

Мен университетдан устоз ҳақида бир дунё янги таассуротлар билан чиқдим. Шу пайтгача устознинг олдиларига келмаганимдан, у кишидан ҳадиксираб юрганимдан, тўғриси, афсусландим. Аммо кўнглимнинг бир четида: “Устозга шеърларим ёқармикан? Ахир жуда қаттиққўл танқидчи деб эшитганман!..” деган ўй ҳам йўқ эмасди. Ўзи одатим кўчадан келибоқ, таассуротларимни уйдагиларга айтиб беришга шошаман, бу гал ҳам устоз билан бўлган учрашувим ҳақида онамга тўлиб-тошиб гапириб бердим.

– Йўлдош Солижонов менинг ҳам устозим бўладилар! Биз университетда (у пайтлар педагогика институти эди) ўқиганимизда янги ишга келганлар ва биринчи бўлиб, бизнинг гуруҳимизга раҳбарлик қилганлар. Жуда ажойиб инсон, билимдон олим, – дедилар онам тўлқинланиб гапираётганимдан завқланиб.

Орадан уч кун ўтди. Ҳар кунни минг ўй билан гоҳ умид, гоҳ умидсизлик исканжасида кечирдим. Учинчи кун тўсатдан кўнғироқ бўлиб қолди. Шоша-пиша олдим, қулоғимга таниш овоз чалинди:

– Ассалому алайкум, Мамлакатхон! Мен – Йўлдош Солижоновман. Қизим, шеърларингизни ўқиб чиқдим. Менга жуда ёқди, айниқса, кичик жанрдаги тўртлик, учлик, игнабарглар, бешзанжир кабиларга кўл урганингиз жуда яхши. Бу сизнинг ютуғингиз, чунки кичик шеърларда катта маъно айтиш анча мушкул иш. Сиз ана шу мушкул вазифани уддалаб, муваффақиятга эришибсиз. Тўғри, айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас, лекин уларни ижод жараёнида тузатиб

кетишингиз мумкин. Сизга маслаҳатим, шу йўналишда ёзаётган шоиру шоиралар шеърларини кўпроқ мутолаа қилинг. Янаям кўпроқ изланинг, янги-янги тимсоллар топиш, поэтик деталлардан, она тилимизнинг ифода имкониятларидан ўринли фойдаланишга кўпроқ эътибор қаратинг. Мен хурсандман, ўз танлаган йўлингизда давом этишингизни, янаям кўпроқ ижод қилишингизни тилайман. Сизга омад ёр бўлсин, қизим!

Устознинг бу гапларини тинглар эканман, хаяжонимни боса олмас, шундай улуғ бир олимнинг мендай бир ҳаваскор шоира ижодини ўқиб, таҳлил қилишга вақт ажратганларидан ўзимни еттинчи осмонда ҳис этардим. Устозга нима деб жавоб қайтаришни ҳам билолмай қолган эдим. Фақат ўз миннатдорчилигимни изҳор этардим. Бу қисқагина суҳбат менга жуда катта ижодий куч бахш этди десам, муболаға бўлмайди. Кўринишларидан ўта салобатли ва қаттиққўл бўлишларига қарамай, табиатан жуда самимий, ҳеч кимдан ўз маслаҳатларини дариг тутмайдиган, ҳатто адабиёт оламига эндигина кириб келаётган ёшларга ҳам оталарча меҳрибонлик ва ширинсўзлик билан тўғри йўл кўрсатадиган устозга бўлган меҳрим яна ўн чандон ортди.

Бу воқеадан кейин устоз билан яна бир неча марта учрашишга тўғри келди. Ҳар сафар бу учрашувлардан адабиёт, ижод жараёнининг нозик сирлари ҳақида янгидан янги сабоқлар оламан. Бу сабоқлар менинг ижодимда жуда қўл келади. Шеърятнинг ҳали ўзим англаб етмаган сир-синоатларидан хабардор бўлиб, уларни ижодимда қўллашга ҳаракат қиламан.

Бугун устоз муборак саксон ёшларини қаршиламоқдалар. Мен бу қутлуғ кунда ёшларнинг ҳақиқий мураббийи, донишманд олим, синчков мунаққид, адабиётимизнинг том маънодаги жонкуяри бўлган устозга узоқ умр, мустаҳкам соғлик ва яна узоқ йиллар адабиётимиз равнақи учун ҳормай-толмай хизмат қилишларини тилайман. Ижод йўлида устоз ўғитлари бизга ҳамиша бир маёқдай порлаб туришини истайман.

Учинчи бўлим
Ш О Г И Р Д Л А Р Ш А Й Д О Л И Г И

ИНТИЛАЁТГАН ОДАМ

**Сиддик МЎМИН,
филология фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.**

Мен ушбу китобимиз қахрамони – илми, ижоди, журналистлик, педагогик, танқидчилик фаолияти билан бутун республикамиз, нафақат республикамиз, кўшни Қирғистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон, Афғонистон мамлакатларидаги адабиёт ихлосмандларига, сўз илмининг заргарларига яқиндан таниш бўлган устозимиз Йўлдошхўжа Солижонови оз эмас, кўп эмас қарийб ярим аср(!)дан буён танийман. Тарихан унча катта бўлмаса ҳам, инсон умрига қиёс қилганда анчагина салмоқли муддат бўлган шунча йилдан буён бу сиймо менинг кўз ўнгимда ё ҳеч нарсага хаёлини бўлмаган ҳолда диққат билан китоб ўқиётган, ё оқ қоғозга хафсала, хуснихат билан нимадир ёзаётган, ё тик турган ҳолда талабаларга берилиб дарс ўтаётган, ёки жадаллаб бирор ёққа шошиб кетаётган ҳолда гавдаланади. Кўз тегмасин! Бу йил умр пиллапояларининг саксонинчи зинасидан сакраш палласида турган устозимиз ҳақидаги бу китобда у кишининг олган илмий даража ва унвонлари, чиқарган мақола ва китоблари-ю, тарбиялаган шогирдлари қайта-қайта тилга олинишини ва, айниқса, биз устоз билан ҳамқишлоқ эканлигимизни инобатга олган ҳолда, қуйида бу серқирра, серғайрат замондошимизнинг кўпчиликка маълум бўлмаган, ўз хаёлимдагина жонланадиган айрим жиҳатлари, ўзига хосликлари ҳақидаги таассуротларим билан ўртоқлашишни лозим топдим.

Шундай қилиб, эллик йил орқага – 1970 йилларнинг бошларига қайтамыз. У пайтларда биз қоқ ўртасидан катта Фарғона канали кесиб ўтган бўлишига қарамай, одамлари бир-бирлари билан бир оила фарзандларидай ахил-иноқ яшайдиган, меҳр-оқибатли, дўппидеккина оддий қишлоқнинг оддий мактабида ўқир, телевизор тугул радиприёмник ҳам ҳамма хонадонда бўлмаганлиги боис “йилт” этган янгиликка ташна қишлоқ одамлари эдик. Шифобахш булоқлари кўп бўлганлиги, адабиёт тарихида ўзига хос ном қолдирган Мирҳасан Садоий яшаган ва шу ерга дафн қилинганлигиданми ва ёки одамлари шоиртабиат бўлганлиги боисми Шоирбулоқбоши дея фахр билан тилга олинадиган қишлоғимизда бўлиб ўтадиган базмлар, айниқса, мўъжазгина давраларда нишонланадиган никоҳ тўйларида куй-қўшиқлардан ташқари мушоиралар, аскиялар ҳам бўлиб турар эди.

Биз эсимизни таниганимизда Йўлдошхўжа акамиз қишлоғимизда биринчилардан бўлиб олий маълумотни қўлга киритган, ўзи таҳсил олган водийдаги энг нуфузли педагогика институтида фаолиятини бошлаган қирчиллама ёш домла эдилар. У кишининг қишлоқ тўйларида қатнашиб қолишлари, айниқса, никоҳ тўйларида сўз олиб, шеър, юморга бой пародиялар ўқишлари бизга алоҳида завқ-шавқ бағишлар эди. Айниқса, Қирғизистоннинг Жалолободидан Фарғонага келиб Йўлдошхўжа акамиз билан бир факультетда

ўқиб, бир умрлик вафодор ёр бўлишга аҳду паймон қилган, қишлоғимизга келин бўлиб тушган Лолахон опамизнинг синфимизга дарсга кирганлари биз учун жуда катта хурсандчилик эди.

Кечагидай эсимда турадиган воқеалардан бири Йўлдошхўжа акамизнинг телевизорда чиқишларидир. Биз ўрта мактабни битирадиган 1973 йили бутун қишлоқда “Бугун телевизорда Йўлдошхўжа чиқар экан!” деган шов-шув тарқалди. Қишлоқ одамлари саноқли хонадонлардагина бор бўлган телевизорли ховлиларга бўлинишди. “Зеҳн” деб аталган билимдонлар беллашувида Фарғона ва Самарқанд жамоалари ўзаро куч синашди ва фарғоналикларга шоир булоқбошилиқ Йўлдошхўжа акамиз команда капитани бўлдилар. Ниҳоят, мусобақа шартига кўра сардорлар беллашуви бошланди. Унда ҳамқишлоғимизнинг фарғоналикларга хос ҳозиржавоблик билан “рақиб” жамоа сардорига қарата: “Мабодо бугунги беллашувда мағлубиятга учраб қолгудай бўлсаларинг, Самарқандга қайтиб борганда ҳаяжонланиб “Мушукка беда, эчкига гўшт ташлаб юрманг...” дея айтган теша тегмаган гаплари ўша куни телевизорни кўрганлар оғзида иборадай қўлланадиган бўлиб кетди. Йўлдошхўжа акамиз билан боғлиқ бундай унутилмас воқеалар жуда кўп бўлган.

Шундай қилиб, ўрта мактабни битиргач, ҳужжатларни қўлтиқлаб, Йўлдошхўжа акамиз ишлайдиган олий ўқув юрти томон йўл олдик. Биринчи йили талабалар сафидан ўрин ололмадим. Бир йил Фарғонадаги механика заводида ишлаб, астойдил тайёргарлик кўриб, кейинги йили ўқишга кирдим. Энди у кишидан аудиторияда ҳам, кўча-кўйда ҳам бемалол сабоқ олиш имкони туғилди. 1978 йили ўша пайтда фан номзоди бўлган Й. Солижонов раҳбарлигида “Бадиий асарда исм ва пейзажнинг ғоявий-эстетик функцияси” мавзусида факультетимизда биринчи бўлиб адабиёт фанидан диплом иши ҳимоя қилдим. Кейинчалик ҳам устознинг этагидан маҳкам тутиб, бугунги кунда у киши билан бир жамоада елкама-елка туриб ишламоқдамиз.

Дарвоқе, мақоламиз аввалида келтирилган фикрга, унга нима учун бундай сарлавҳа танлаганимга қайтсак. Бу саволга биз ҳаммамизнинг диққат марказимизда турган китобимиз қаҳрамони пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг “Ҳеч қачон ўлмайдигандек бу дунё учун, эртага ўладигандек охирач учун яша” дея айтилган муборак ҳадисларига бир умр амал қилиб келаётганларидан жавоб топгандай бўламиз. Зеро, дунёнинг улуғ донишмандларидан бири Мавлоно Жалолиддин Румий ўз асарларида қайта-қайта таъкидлаганларидек, “ишонч – инсон фаолиятининг доимий ташаббускори, тинимсиз ҳаракатларининг рағбатлантирувчисидир”. Ушбу мақоламиз қаҳрамони табиатида энг бўртиб турадиган хислатлардан бири ҳам айнан мана шу ноёб фазилят – эртанги кунга қатъий ишонч ва унинг натижасида юзага келадиган ғайрат, интилиш бўлса керак.

Қалбингиздаги ишонч ва интилиш туйғуси билан ҳаммамизга ўрнак бўлиб юраверинг, Устоз!..

АДАБИЁТ, АДОЛАТ ВА ИЛМГА ЙЎҒРИЛГАН УМР

Муҳаммадхон ҲАКИМОВ,
филология фанлари доктори, профессор

Забардаст олимлар ҳақида бирор нарса ёзишдан-да шарафлироқ, шу билан бирга ўта масъулиятлироқ иш бўлмаса керак. Бундай иш, аввало, ўзингиз ва яқинларингизга, қолаверса, устозларга манзур бўлиши, энг муҳими, ёзганларингизда устознинг барча фазилат ва хислатлари бор бўйи билан салобат тўкиб туриши керак.

Мен эса шундай забардаст олим маърузаларини эшитганим, ўзбек адабиёти, ўзбек адабий танқидчилиги каби қатор фанларни ўзлаштиришда олган сабоқларим учун Аллоҳга беадад шукр қиламан. Домла дарсда зукко олим ва талабчан муаллим эдилар. Баҳолашда эса олдин талабанинг билими, сўнгра устоз баҳоси эълон қилинар эди. Мен аниқ биламанки, устоздан бирорта ҳам талаба норози бўлган эмас. Ҳозир ҳам курсдошларимиз билан йиғилганимизда ҳамма фахр билан устознинг ҳар бир дарсини, ижодкорлар асарларига ёзган пародияларини ёддан, ўхшатиб айтади, айниқса, бу борада бухоролик Комилжон ва андижонлик Фозилжонлар шеър ўқиганларида Й.Солижоновга хос ифода, ҳаракат ва оҳангни кўриб лол қоламиз.

Одатда, фан олами намояндалари фаолиятини қўл билан ушлаб бўлмас ақл тарозиси кўрсаткичлари ила турли тоифаларга бўладилар. Биринчи тоифадаги олимлар фақат фан билан шуғулланиб, шу соҳада бой тажрибага эга бўлган, қатор китоблар муаллифи сифатида танилган ва ўша халқ адабиёти ва санъати ҳақидаги илмнинг мукамал бўлишига ҳисса қўшган устозлардир. Яна бир тоифадаги илм аҳли адабиёт ҳақидаги илмга одобиётни ҳам кўшиб олиб боради, улар турмуш тарзларини ибрат мактаби билан шакллантирадилар. Бу борада олимнинг умр бўйи игна билан қазилган кудукдек битмас-туганмас бадий ва илмий манбалар асосида яратган илм сарчашмалари ва шунинг баробарида ўзбек миллатининг тафаккурида йиллар давомида йиғилган халқнинг одатий одоблари устоз сиймоси ва қаламида намоён бўлади. Буларнинг барчаси тенгқур ҳамкасблар ва ёшларга ибрат мактабининг намунаси бўлади.

Учинчи тоифадаги олимлар фанда ҳам, ҳаётда ҳам ҳаммадан ўзиб кетадилар. Уларга ҳар жиҳатдан етиб бўлмайди. Кетма-кет нашр қилинган китоб ва мақолалар, катта минбардан туриб адолат тарозиси ила заргарона айтилган холис фикр ва мулоҳазалар ёшу қарини таажжубга солади. Ҳақ гаплардан ҳокиму фозиллар қойил қоладилар. Айтилган гаплар қурук бўлмасин. Шу ўринда устозга хос яхши бир фазилатни алоҳида таъкидламасам, хумордан чиқмайман. Домла ўзбекнинг «темирни қизғида бос» деган нақлига доим амал қилади ва ҳар бир ишни ўз вақтида бажаради. Яқинда (2020 йил 29 июнь куни) Давлат тили масаласига бағишлаб ташкил этилган «Миллат тафаккурининг бебаҳо хазинаси» мавзусидаги вилоят ҳокимининг ташаббуси билан филология мактабининг забардаст олимлари, шоир ва ёзувчилар, адабиёт ва шеърят ихлосмандлари, журналистлар ва ёшлар, вилоятнинг кўзга кўринган

тил ва адабиёт ўқитувчилари иштирокидаги анжуманда ҳам айнан профессор Йўлдошхўжа Солижоновнинг маржонга терилгандек сўзлари ҳамма қатори вилоят ҳокимини ҳам ҳайратга солди. Устоз томонидан айтилаётган фикрлар шунчаки ҳокимга яхши кўриниш учун эмас, балки қилинган ишлар сарҳисоби бўлди. Айниқса, сўзининг исботи сифатида Й. СОЛИЖОНОВ томонидан ёзилган уч китобнинг вилоят ҳокимига берилиши давлат раҳбари Ш. Мирзиёевнинг Ўзбек тили нуфузини кўтариш борасида олиб бораётган ислохотларининг амалий ифодаси эди.

Йўлдошхўжа ака Солижонов нафақат Фарғона, балки республика, Марказий Осиё давлатлари филология мактабининг йирик вакиллари билан бири сифатида танилган забардаст адабиётшунос олим ва ўзига хос Фарғона адабий танқидчилик мактабининг асосчидир. Устознинг адабий жараёндаги фаолиятини кузатиб борган ҳар қандай одам шоир ва ёзувчилар билан бўладиган учрашувлардаги баҳс-мунозараларда домла томонидан фактлар билан айтилган танқидий мулоҳазаларга юксак баҳо беради. Ичида эса мен ҳам шуни айтмоқчи эдим, бироқ бундай жонли ва асосли қилиб айтиш фақат устозгагина хосдир, деб такрорлаб қўяди. Устознинг ҳозиржавоблиги ва асосли фикр айтиши борасида агар бўрттириб юборибди демасанглр, бир ҳақиқатни айтаман. Дунё юзини кўрган янги асарга баҳо берадиган ўзбек мунаққидлари ҳам танқидчиликдаги муаммоларга жуда тез акс садо билдирадиган Й.Солижонов нима дер экан, деб қараб ва кутиб турадилар.

Бундай олимлар ҳаётда ҳам, сиёсатда ҳам олдинда кетадилар. Домла нафақат ўзбек адабиёти, балки туркий ва бошқа барча халқлар адабиёти намуналарини синчиклаб, адабий тафаккурнинг ўткир мушоҳадаси ҳамда мунаққидона идроки билан мутолаа қиладилар. Танқидчининг адолат нигоҳи билан ёзилган ҳар бир рисоласида кичик бир илмий деталь ҳам катта сиёсатчилар томонидан эътироф этилади. Бу борада устоз томонидан Чингиз Айтматовдек забардаст ёзувчи ҳақидаги асари Ўзбек конституциясининг отаси Акмал Саидовдек катта сиёсатчининг эътиборини тортди. У домлага махсус мактуб йўллаб, Чингиз Айтматов асарлари ҳақидаги фикрлари учун миннатдорчилик билдирганлигининг гувоҳиман. Инсон умрининг безаги, мазмуни, салоҳияти унинг қилган ишларида, амалий фаолияти натижаларида ўз ифодасини топади ва у жамият томонидан одилонга баҳоланади, кадрланади. Эътироф этилган олим деб шунга айтсалар керак-да.

Катта арбоблар таъкидлаганидек, бундай тоифадаги олимларнинг сўзлари гўё ўткир шамширдек ножоиз қадам, мантиксиз фикр ва ўринсиз ҳар қандай хатти-ҳаракатни аёвсиз кесиб ташлайди. Булар шунчаки фактсиз айтилаётган гаплар эмас, ҳамма гапнинг тагида аниқ далиллар билан тасдиқланган асослар мавжуд. Ҳақиқатан ҳам, Йўлдошхўжа Солижонов кўпни кўрган олим сифатида бошқалардан фарқли равишда оқни оқ, қорани қора дея оладиган, ҳалол, мард, ҳар бир гапни адолат тарозисига солиб журъат билан айта оладиган, ҳар қандай минбар ва аудиторияда ўзининг сўзини ўтказа оладиган бир сўзли ва қатъиятли олимлар тоифасига мансуб.

Фан тўғрисида гап борганида ҳам Йўлдошхўжа ака Солижоновнинг илмий фаолиятига тан бермасдан иложимиз йўқ. Фарғона давлат университетининг

илмий ишлар бўйича проректори лавозимида ишлаган чоғларимда хизмат тақозоси туфайли профессор-ўқитувчиларнинг йил якунлари бўйича илмий ишлари статистикаси асосида ҳисобот тайёрлар эдик. Буни қарангки, бутун бошли ўн-ўн беш кишилик кафедрада ҳамма ўқитувчилар ишини тўплаб ҳам домланинг ишларига етказа олмас эдик. Бир йилнинг ўзида устоз икки-учта китоб, етти-саккизта илмий мақола чиқарар, тақризларнинг эса сон-саногии йўқ эди. Илмий мақола ёки китоблар ҳам шунчаки ёзилмайди, устознинг ҳар бир мавзудаги фикрлари янги ва долзарб масалаларга бағишланади. Бир куни Саид Аҳмаднинг «Қорақўз мажнун» номли ҳикоясида бадиий деталларнинг прагматик хусусиятлари масалаларига бағишлаб мақола ёзаётиб, «Деталлар тилга кирганда» номли мақолага кўзим тушиб қолди. Деталга хос хусусиятлар Ш.Холмирзаев асарлари мисолида шундай тасвирланганки, ҳатто муаллиф Й.Солижоновнинг ўзи ҳам, китобхон ҳам гўёки ўзларини деталлар билан тиллашаётгандек ҳис қиладилар.

Бундай олимларнинг ўзига хос олами бўлади: дангал ва мард, қатъиятли, шогирдларига меҳрибон, уларга ўзига ишонгандек ишонадиган, устозлари ва дўстларига эса бир умр садоқатли. Домладан ибрат оладиган яна бир фактни келтираман: таниш-билишлар, яқинлар ва ҳамкасблар, умуман, ким бўлишидан қатъи назар уларнинг хонадонидан хабар олиш, дардига шерик ва ҳамдард бўлиш домланинг одатидир. Бу ишни бирор марта қилганларини билмайман. Шу каби сифатлар бу тоифадаги олимларнинг маънавий оламидир. Бундай устозлар машаққатли меҳнатлари туфайли илмий жамоатчилик орасида катта обрў ва эътиборга сазовор бўладилар.

ҲАМ ТАЛАБЧАН, ҲАМ ҚАТТИҚҚЎЛ, ҲАМ МЕҲРИБОН

**Фозилжон Кийикбоев,
Андижон давлаъ университети доценти,
филология фанлари номзоди.**

"Талабалик - олтин даврим" - дейишади. Чунки шу даврда инсон ҳаётининг зар билан ўлчанмас қадрли лаҳзалари бир умр онг-у шуурига муҳрланади. Қадрдон дўстлар, ота-онадек жафокаш устозлар, барча-барчаси қанчалар азиз! Ана шундай билимли, қаттиққўл, талабчан устозларимиздан бири, узоқ йиллар давомида Фарғона давлат университетида фаолият кўрсатиб келаётган, кўплаб шогирдлар тайёрлаган, таниқли олим ва мунаққид, филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Йўлдошхўжа Солижоновдир.

Биз шогирдлари устозни ўз соҳасининг етук билимдони, ҳозиржавоб ва талабчан устоз сифатида тилга оламиз ва ҳурмат қиламиз. Талабалик йилларимизда "Ўзбек филологияси" факультетида дарс берган устозлар ичида энг қаттиққўл, талабчан устозлар Исмоилжон Фармонов, Азим Раҳимов, Муҳаммаджон Мукаррамов эди (Аллоҳ уларни раҳматиға олсин!). Устоз Солижонов ҳам юқорида номлари тилга олинганлар қаторига кирар эдилар. Ўқитувчи ўқувчига билимини етказиб, унда пухта тушунча шакллантириши

учун юксак маҳорат, жонкуярлик талаб этилади. Устоз ҳам дарсни худди шундай маҳорат ва жафокашлик билан ташкил этар, "Ўзбек адабиёти" фанидан сабоқ берар, XX аср ўзбек адабиёти билимдони бўлиб, шу даврда самарали ижод қилган шоир, ёзувчиларнинг асарларини чуқур таҳлил қилиб берар, дарсга ўта қаттиққўллик ва ижодкорлик билан ёндашар, талабалардан ҳам худди шуни талаб қилар эди.

Устозни талабчан, қаттиққўл дедим. Шу билан бирга дарс беришда жуда инжиқ ҳам эдилар, лекин ушбу "инжиқ"лик салбий маънода эмас, балки ижобий маънодаги инжиқлик эди. Чунки бу "инжиқ"ликни устоз кўпроқ дарс пайтида қўллар, бунинг замирида эса шогирдларга пухта билим бериш, етук кадр етиштириш мақсади ётарди. Устоз Й. Солижоновнинг дарс бериш усуллари, билимга лоқайд, бепарво, тартибни бузган айрим талабаларга берадиган танбеҳлари, жазо чоралари ҳам ўзларига хос бўлиб, бошқа устозлардан фарқ қиларди. Солижонов домла сўз санъатини яхши билган, ҳозиржавоб, ҳазил-мутойиба, аскияга мойиллар. Шу сабаб устоз ҳеч кимдан сўз айтишда мот бўлмас, кези келганда бетартиб талабаларни ана шу ҳозиржавоблик билан жуда чиройли қилиб созларди-ки, бу "созлаш" ўша талабанинг ҳеч қачон эсидан чиқмас эди.

Устоз қанчалик талабчан, қаттиққўл бўлмасин, жамоат ишларида талабаларни хурсанд қилиб олиб юрардилар. Дам олиш соатларида ўйин-кулгу, базм қилсак, устоз ичакузди ҳангомалари, аскиялари, шўх ўйинлари, маҳзун оҳангдаги ва комик қўшиқлари билан барчамизни лол қолдирарди. Сўз ўйини, қўшиқ, шеър айтишда домлага бас келиш мушкул эди, чунки бу борада устоз ўзига хос маҳоратга эга эдилар.

Устоз кишининг руҳиятини тез англайдиган, турли вазиятлардан осонгина чиқиб кета оладиган, зийраклиги, зукколиги билан вазиятни ўзгартира олар эди. Устознинг талабаларга берган билимлари бесамар кетмади. У кишининг қанчадан-қанча шогирдлари бугун эл ардоғида.

Камина устознинг миннатдор тўнғич илмий шогирдлариданман. Такдир илоҳий, унга тан бериш керак. Талабалик йилларимда турли илмий, адабий анжуманларда, республика олимпиадаларида устознинг ўнг тарафларида тушган суратларим анчагина. Такдир тақозосини қарангки, устоз 2005 йилда мен хизмат қилаётган Андижон давлат университети ўзбек адабиёти кафедраси таклифига кўра аспирант ва магистрларга сабоқ бериш учун келдилар. Кафедра мудири профессор Салимахон Мирзаева устозга мени кўрсатиб: "Домла, Фозилжон кафедрамизга янги ишга келган, шу йигитни сизга шогирдликка бермоқчимиз", - деб қолдилар. Устоз мени бағрига олиб кўриша туриб: "Бу йигит ўзимнинг собиқ талабам, асл шогирдларимдан, маъқул", - дедилар. Икки ҳафта ўтиб, Фарғонага - устоз ҳузурларига бордим. Устоз стол устига 15 та илмий мавзулар ёзилган рўйхатни қўйиб, менга ўйлаб, шошилмай мавзулардан бирини танлашимни таклиф қилдилар. Мен қатор мавзулар ичидан роса синчиклаб ўйлаб, "Бадий адабиётда оталар ва болалар муаммоси" деган мавзунини маъқул топганимни айтдим. Устоз ўринларидан туриб, менга кучоқ очиб: "Ичимда худди шу мавзунини танласа керак, деб ўйлаб турган эдим, Худонинг ўзи ниятларимизни маъқуллади", - дедилар хурсанд бўлиб. Шу

тариқа мен содда қишлоқ боласи устознинг оқ фотиҳалари билан илм деб аталган ҳам шарафли, ҳам машаққатли йўлга қадам қўйдим. Ёшим ҳам 50 га яқинлашиб қолган. Фарзандлар ҳам улғайишиб, ташвишлар ҳам ўзига яраша. Ўқиш, изланишлар, тунларни тонгларга улаб, илмнинг лаззатли машаққатларини ўзимда туйдим, завқ билан бу мўътабар уммонга шўнғидим. Республикамизнинг нуфузли кутубхоналарида ишлаш, турли илмий анжуманлар сабоқлари, Андижон, Тошкент, Фарғона ўртасида тинимсиз илмий сафарлар ўз самарасини берди. Ниҳоят устоз раҳбарлигида 2011 йил 23 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти қошидаги Илмий Кенгашда диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилдим. Отадек ғамхўр ва ўта талабчан устоз олдиларида бир умр қарздорман. Ҳаётда ҳам илмий тадқиқотим мавзусига монанд устоз билан ота-боладек бўлиб кетдик. “Устоз отангдан улуғ” деганлари бежиз эмас. Мен ҳам бугун юзлаб талабаларга ҳам устоз, ҳам ота сифатида таҳсил берар эканман, устозимнинг ўғитлари ҳамиша қулоғим остида жаранглаб туради. Ўз соҳасининг етук билимдони бўлган, сўзамол, талабчан устозлар ҳамиша халқ ҳурматиغا сазовор бўлиб келишган. Ҳозир ва кейин ҳам шундай.

Мен устознинг фарзандларидек яқин ва суюкли шогирдларидан бўлганимдан фахрланаман. Устозга янада узоқ саховатли ва саодатли умр тилайман.

УСТОЗ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

И.Ҳожалиев,

Филология фанлари номзоди, доцент.

Моҳир педагог

1977 йил сентябрда биринчи курсга қабул қилинишимиз билан бир ҳафта ўқиб-ўқимай пахта йиғим-теримига чиқиб кетиб, декабрь ойида ўқишга қайтдик. Бу орада барча курсдошлар бир-бирини таниб олгани учун аудитория шовқин, талабалар гуруҳ-гуруҳ бўлиб олиб гаплашишар, биров дафтар сўраган, биров китоб... Қўнғироқ овози тиниб-тинмасдан Солижонов домла аудиторияга кириб келди. Ҳамма бирдан жимиб қолди. Устоз саломлашгач, ҳозир бошқа ўқитувчилар каби йўқламадан бошлайди деб кутиб турган эдик, “Ҳамма шу ерда, дарсни бошлаймиз”, деди-да, қоғозга ўралган бўрда доскага чиройли дастхат билан мавзу ва режани ёзди. Талабалар устознинг дастхатини кўриб, жуда чиройли ёзар экан, деб бир-бирига пичирлади. Доскадаги хат биринчи синф хуснихат дафтарида намуна учун берилган хатдан ҳам чиройли, бежирим эди. Ҳаммамиз энди дафтарларни очиб, мавзунини ёзинглар, дея китобларда берилган маълумотларни баён қилиш асосида маърузани бошлайди деб кутган эдик, аксинча, савол билан бизга мурожаат қилди:

– Сизларга битта савол, Мирзакаримбой қандай одам? Ким тавсифлаб беради? Йўлчи қандай образ?

Талабалар китобда ёзилганидан ҳам ошириб, Мирзакаримбойни қоралаб ташлашди. Дунёда неки ёмон хислат бўлса, унга хос, неки яхши хислат бўлса, унда йўқ. Мирзакаримбойни қоралаш бўйича мусобақа бўлаётгандек эди. Домла ҳаммани кулимсираб тинглади. Қоралаш мусобақаси тугади. Мирзакаримбойга ёпиштириш мумкин бўлган ёмон хислату сўкадиган ёмон сўз қолмади. Чунки ўша давр мафкураси бўйича бой одам шундай тавсифга лойиқ эди. Устоз “Мирзакаримбой одам эмас, олабўжи экан-у, билмай юрган эканмиз”, деб кулди-да, талабаларнинг Йўлчи ҳақидаги фикрларини сўради. Барча талаба Мирзакаримбойни қандай ёмонлаган бўлса, Йўлчини шундай мактади. Солижонов Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романидан Мирзакаримбойнинг портрети берилган жойни ёддан ўқиди. Ҳамма бирдан жим бўлиб қолди. Мирзакаримбойнинг портрети ва Йўлчи билан илк суҳбатда истараси иссиқ чол образи тасвири берилган эди. Йўлчи образи ҳақида ҳам биз кўрмаган жиҳатлар борлиги, у ҳам китобларда ёзилгандек фаришта эмаслигини мисоллар билан тушунтирди. Шунда Солижонов дунёда фақат ёмон ва яхши, қора ва оқ рангдан иборат эмаслиги, шунинг учун ҳам инсон зоти мураккаб эканлиги ва ҳақиқий бадий асарда ана шу мураккаблик ва ранг-баранглик акс этишини айтди. Устознинг ҳар бир дарси ана шундай қутилмаган, жамиятда шаклланган бир қолипдаги фикрлашга тўғри келмайдиган, ижодий тарзда ўтар эди. Устоз талабаларга фақат совет адабиёти ҳақида маълумот бериб қолмасдан, уларни ижодий фикрлашга, бадий адабиёт орқали дунёга бошқача кўз билан қарашга ўргатар эди.

Кўнгли тоза, баҳоси адолатли одам...

Солижонов бирор марта дарсга конспект кўтариб кириб ўқиб бермаган. Шунинг учун талабалар устозни бошқача ҳурмат қилар эди. Тўғриси, бир оз кўрқишар ҳам эди. Чунки катта курслар пахта даврида барча домлалар ҳақида маълумот беришган, шунда “Агар Солижоновдан йиқилсанг, ҳайдалдим, деявер. Ёмон кўриб қолса борми...” деб ваҳима қилишган эди. Устоз дарс давомида ўзининг илмий-назарий қарашларини асослаш учун китобга қарамай катта-катта парчаларни ёддан ўқиб берар эди. Тадаба ҳалқи китмир бўлади: тўғрими ё йўқми дея китобни очишиб домла ёддан ўқиган парчани қараб боришади. Дарсдан кейин тўчка вергулигача адашмай ўқиди, шунча нарсани қандай ёд олган экан, деб баҳслашишади.

Бир кун дарсда мен ҳам Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб” романи ҳақида устоз ўқиган парчаларни кузатиб ўтирган эдим, Солижонов тепамга келиб қолганини сезмай қолибман. Ҳамма жим бўлиб қолди. Қарасам, тепамда Устоз жиддий нигоҳ билан қараб турибди.

– Китоб ўқир экансиз, дарсга кириб нима қиласиз, уйда ўтириб ўқийвермайсизми?! – деб танбеҳ берди.

Дарсдан кейин устознинг менга берган танбеҳи машҳур бўлиб кетди. Сессия яқин, энди тамомсан, деб курсдошлар, айниқса, катта курслар қўрқитишар эди. Сессия бошланишидан олдин мен талабаларнинг ваҳимаси таъсирида қониқарсиз баҳо олишни бўйнимга олиб қўйган эдим. Бунинг устига домла ниҳоятда жиддий имтиҳон оларди. Мен жавоб бериб бўлдим. Аксига олгандек, бир икки савол бўйича устоз билан баҳслашиб ҳам олдик. Устоз қўлимга “Зачётка”ни бериб, жиддий оҳангда “Чиқўвринг, имтиҳондан кейин кафедрага кириб” деди. Мен “қониқарсиз” баҳо олишни бўйнимга олиб қўйганим учун синов дафтарчасини очиб ҳам қарамадим. Устига-устак кафедрага кириб, деганини ҳамма эшитди. Курсдошларни менга раҳми келиб қарашди. Кафедрада роса эшитадиганини эшитади, деб ўйлашди. “Зачётка”ни саркорга бериб, тушкун кайфиятда турсам, саркоримиз ҳаяжонланиб “Ў..Ўўў”, дегани эшитилди. Ҳожалиев “аъло”-ку, деди. Бошқалар тугул ўзим ҳам буни кутмаган эдим. Шунда тўртинчи курсдаги Алишер акани “Қўрқманг, Солижонов кек сақламайди, кўнгли тоза одам. Айбиз бўлса, бетизга айтади, орқадан гапирмайди, ёмон кўрган одамига эмас, билмаганга икки кўяди, шунинг учун мен домлани ҳурмат қиламан. Баҳосиям адолатли”, деган гапи эсимга тушди. Кейинчалик устоз билан бирга ишлаш баҳтига муяссар бўлганимда ўзим ҳам бунга кўп гувоҳ бўлдим.

Илмга етаклаган устоз

Солижоновга “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи” унвони берилганда, чин кўнгилдан қувондим. Устоз бундан катта унвонларга лойиқ, деб ўйладим. Беихтиёр талабалик йилларим ёдимга тушди.

Домлани имтиҳондаги таклифидан кейин, кафедра эшигини кўрқа-писа таққиллатдим. Кириб, деган овоз келди. Солижонов бир нарса ёзиб ўтирган экан, мени олдига таклиф қилди. Ҳусниддин Шариповнинг “Бир савол” шеърини ромнини ўқиганимни қайта сўради (Имтиҳонда шу бўйича баҳслашиб қолган эдик). Сўнг бир варақ қоғозга чиройли қилиб ёзилган бир неча адабиётлар рўйхатини берди. Бу китобларни ўқиганмисиз, деб сўради. Озод Шарафиддиновнинг китобини ўқиганимни, қолганларини ўқимаганимни айтдим. Топиб ўқинг, қайси китобни тополмасангиз, менга учранг, деди. Шундан бошлаб Солижонов билан устоз-шоғирд мақомида иш бошладик. Мени арзимган, бир чўпга илинмайдиган фикримни ҳам қўллаб-қувватлар, ҳатто республика нашрларида эълон қилинган катта-катта мақолаларига арзимган бир-икки қаторли фикримни қўшсам ҳам, ҳаммуаллиф сифатида фамилиямни тиркаб қўяр эди, суҳбатларда мақола ҳақида гап кетса, ярмини Ҳожалиев ёзган, яхши назарий қарашлари бор, дея рағбатлантирарди. Ҳар бир ёзган нарсамни

эринмай кўриб, таҳрир қилар, таҳрир давомида ўзи ҳам кўп фикрларни кўшиб кўяр, домланинг таҳриридан сўнг, мен ёзган ишимни танимай қолардим. Ҳозир ҳам бирор нарса ёзсам, домлани илк мақолаларимни қандай таҳрир қилгани ёдимга тушади.

Ўқишни битиргач, бир неча йил иш, оила билан бўлиб, устоз билан кўриша олмадик. 1989 йил август оyi эди мен ишлаётган мактабга почтальон ҳовлиқиб (у пайтлари ҳаммага ҳам телеграмма келмас эди) кириб келиб, сизга телеграмма келди, деб бир варақ муҳрланган қоғоз берди. Қоғознинг ичини очиб қарасам, “Ёзёвон тчк Янгиобод тчк Тез етиб келинг тчк Солижонов тчк”, деган ёзув турибди. Ўша куни Фарғонага бориб, домлага учрадим. Устоз яхши кутиб олди. Бир пиёла чой ичилгач, илм билан шуғулланиш ниятим ҳақида сўради. Бир қатор саволлар берди, жавобдан кўнгли тўлди шекилли юзи ёришиб, яхши Исмоилжон, институтга адабиёт бўйича аспирантурага ўрин берилгани йўқ, қачон берилиши ҳам номаълум, аммо тилдан аспирантура очилди. Мукаррамов домла бирорта илмга қизиққан одам излапти. Мен сизни тавсия қилдим. Вақт ўтяпти, шунинг учун тилдан иш бошлаб турсангиз, адабиётга яқин мавзу бўлади. Аввалги ёзган ишларингизда адашмасам, тасвир, портрет, пейзаж ҳақида яхши қарашларингиз бор эди, шунга яқин мавзу беради Мукаррамовга айтаман, деб, Мукаррамов домлани иш ва уй телефонини бериб, мени номимдан учрашинг, деди.

Шу тарзда устоз мени илмга олиб кирди. Мен бугун илмда озми-кўпми бирор нарсага эришган бўлсам, шубҳасиз, домланинг ана шу меҳнатларининг натижасидир. Ҳозир ҳам устоз билан ҳар бир кўришганда янги бир гоёя, илмга янги бир ундов оламан. Шунинг учун Йўлдош Солижоновнинг шогирди эканлигимдан фаҳрланаман ва устозим деб айтишга ҳақлиман. Бахтимизга омон бўлинг, устоз!

ОЛИМ УМРИНИНГ ЗИЙНАТЛАРИ

**Толибжон РЎЗИБОЕВ,
тадқиқотчи.**

Ҳаётдан завқ олиб яшаш учун нималар қилиш керак? Бу саволга ҳар ким ҳар хил жавоб қайтариши табиий. Чунки ҳамманинг ҳаётда ўз “кредо”си – маслағи бор. Ана шу маслақ, дунёқараш уни умри давомида бошқаради, турли ишларга ундайди. Инсонлар хилма хил бўлгани каби маслақлар ҳам турличадир. Лекин бу фоний дунёда шундай бир тоифа одамлар борки, уларнинг бош маслағи инсонларга сўз кудрати, нафосати, ҳарорати, турфа эврилишларини англатиш ва ана шу сўз воситасида уларни эзгуликка чорлашдан иборатдир. Адабиётшунос олим, таниқли мунаққид Йўлдошхўжа Солижонов ана шундай улуғ маслақ соҳибларидан биридир.

“Олим” ва “олам” сўзлари битта ҳарф билан фарқ қилади холос. Лекин ҳамма ҳам оламини англаган одамгина олим бўла олишини тасаввур

қилолмайди” – деб ёзади мунаққид¹. Демак, илм аҳли учун энг муҳим фазилатлардан бири оламни англашдир. Оламни англамай туриб, олимлик даъво қилиш қуруқ сафсатабозликдан бошқа нарса эмас. Айниқса, ўта мураккаб бўлган бадиият оламини англаш, унинг ҳар бир қиррасини синчковлик билан кузатиш, ҳатто баъзан ижодкорнинг ўзи ҳам англамай қолган энг кичик деталларгача эътибор қаратиш, ундан бир олам маъно топа олиш ва уларни ўқувчилар ҳукмига ҳавола этиш, китобхонларни ҳар бир асарга сингдирилган сиру асрорларга ошно этиш Йўлдош Солижонов умрини безаб турган энг гўзал зийнатлардан биридир.

Шу фазилатлар самараси ўлароқ олимнинг илм аҳлига тортиқ этаётган ҳар бир мақоласи ва рисолаларида бадиият оламининг турфа манзаралари ўзининг ҳаққоний баҳосини топади. Бу борада ҳар йили республика матбуотида эълон қилинаётган ўнлаб мақолалари, “Улуғ санъаткор”, “Шеърятнинг сирли жилвалари”, “Нутқ ва услуб”, “Тонг юлдузлари”, “Олимнинг олами”, “Фарғона адиблари”, “Зулматдан нур қидирганлар”, “Мен сиздан сабоқ олдим”, “Сўз сеҳргари”, “Ҳақиқатнинг синчков кўзлари”, “Ватан озод, турмуш обод, кўнгиллар шод”, “Мўъжизалар сеҳри”, “Кўзгудаги ҳаёт”, “Замонамизнинг забардаст шоири”, “Лирика латофати, насрнинг назокати”, “Сўз сеҳри ва меҳри”, “Чингиз Айтматов – адолат ва ҳақиқат куйчиси” каби монография ҳамда адабий-танқидий тўпламларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Бу асарлардаги илмий ва адабий-танқидий мақолалар, суҳбатлар, ибратли ҳикоялар, лавҳалар, талқин, таҳлил, ҳайрат, адабий ўйлар олимнинг бадиий адабиётнинг барча соҳаларини тинимсиз кузатиб бораётганидан ва ўзбек адабиётида вужудга келаётган шаклий-мазмуний янгиликлар, анъана ва новаторликни ўз вақтида пайқаб, ҳар тарафлама тадқиқ этаётганидан далолат беради.

Мунаққиднинг ҳар бир олим ибрат олишга арзигулик фазилатларидан яна бири у ёки бу асарнинг бадиияти, унда бадиий ҳақиқатнинг ҳаёт ҳақиқатига қай даражада мослиги, адибнинг образ яратиш, бадиий деталлардан ўринли фойдаланиш ва китобхонни ишонтира олиш маҳоратини илмий жиҳатдан чуқур далиллар асосида ёритиб беришидир. Бу ҳақда устоз шогирдлари билан бўлган суҳбатларининг бирида шундай деган эди: “Шуни унутмангларки, илм сохталик, ёлғон, баландпарвозлик ва эҳтиросни ёқтирмайди. Олим ҳар бир сўзини ўйлаб, илмий ва мантиқий хулосалар асосида гапириши шарт, акс ҳолда унинг тадқиқоти бир пулга қимматдир. Мен раҳматли Ўткир Ҳошимовнинг “Баҳор қайтмайди” қиссасидаги қалдирғоч деталига аниқлик киритиш ва унинг ҳаёт ҳақиқатига қай даражада мос келишини аниқлаш мақсадида қалдирғочнинг юртимиздан кетиш вақтини атайлаб кузатганман. Шунда бир нарсага амин бўлдимки, ҳаво илиқ келган йилларда қалдирғочлар сентябр ойининг йигирма иккинчи кунигача, ҳаво бироз совуқ келиб, ёғингарчилик бўлганда эса бир-бир ярим ҳафта олдинроқ учиб кетишар экан. Қиссада ҳаво анча иссиқ келган йил тасвирланганлигини ҳисобга олсак, бу детал жуда ўринли ишлатилганига амин бўламиз”.

¹Солижонов Й. Мўъжизалар сеҳри. – Т.: Адиб, 2013. – Б. 123.

Бу суҳбат биз учун устознинг оламини англамай туриб олим бўлиш мумкин эмас, деган хулосаси замирида ётган теран маънони янада чуқурроқ уқиб олишимизда муҳим бир сабоқ бўлди.

Йўлдош Солижонов бирор асарни қўлга олар экан, аввало, унинг номланишига эътибор қаратади, кейин асар замиридан шу номга мос қирраларни излаб топади. Ҳаттоки, унинг айтишича, асар номланишидан муаллиф ижод жараёни эволюциясини ҳам аниқлаш мумкин. Бу жиҳатдан олимнинг Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим ижодига бағишланган “Покиза ниятнинг нурли йўллари” номли мақоласи характерлидир. У шундай ёзади: “Бу номлар (Усмон Азим китобларининг номлари – Т.Р.) муаллифнинг ижодий ўсишини, бадий-эстетик принципларининг такомиллашувини босқичма-босқич англатиб ҳам туради”².

Олим умрининг зийнатларидан яна бири ижод аҳлини тоифаларга бўлмаслигидир. Унинг учун таниқли улкан сўз устаси ҳам, эндигина бадиият оламига кириб келиб, тетапоя қилаётган ҳаваскор ҳам бир. Мунаққиднинг фикрича, муҳими, қўлига қалам олган ҳар бир ижодкор “адабиёт эстрада сахнаси эмас”лиги, шунинг учун “ижод сахнасига, энг аввало, одам бўлиб чиқиш талаб қилиниши” ҳамда “муаллиф” сўзи ғоятда муқаддас” эканлиги, “ижодда тўғри сўз ва туганмас илм захирасига эга бўлиш” кераклигини англаб етишида. Йўлдош Солижонов ана шундай талаблар асосида битилган сўзни кўрганда “ўзини кўярга жой топа олмай қоладиган”, қалбини забт этган ҳайрату изтиробларни “ёзмаса тинчий олмайдиган” мутахассислар хилидан.

Мунаққидни безаб турувчи яна бир зийнат борки, у ҳам бўлса, бадий асар таҳлилида холисоналик ва ҳаққонийликдир. Шу боис ҳам у “кейинги йилларда адабиётни шон-шуҳрат минбарига айлантириб, доврўқ қозониш ишқи билан ёнганлар кўпайиб кетган”лигидан ташвишга тушади. Сўзни асраш, уни ҳудабехуда ишлатишдан тийилишга чақиради, зеро олим назарида “... сўз мўъжизадир. Сўз ўзганинг ҳолатини, қалбини англаш воситасидир. Сўз – инсон сезгиларини ўзгага юқтирадиган сеҳрли қурол. Сўз – инсонга хос ички ва ташқи дунёнинг таржимони”³. Бинобарин, унга ўта эҳтиёткорлик ва зукколик билан муносабатда бўлиш лозим.

Инсон бу фоний дунёнинг энг мукаррам яратикларидан биридир. Аммо уни мукаррам қилган нарса фақат ташқи қиёфасигина эмас, балки ботиний оламидир. Маълумки, бадий адабиёт санъатнинг бошқа турларидан фарқли ўлароқ, инсоннинг ички дунёсида кечаётган турфа эврилишларни ҳам энг нозик қирраларигача очиб бера олиш қудратига эга. Унда инсон қалбида кечаётган чексиз жараёнлар – уни қийноққа солаётган изтироблар ҳам, ҳайрату қувончлар ҳам, орзу-умидлар ҳам бари-барини акс эттириш мумкин. Ижодкор, айниқса, шоир, энг аввало, ўзи ҳис қилган, бошидан кечирган унинг нима эканлигини англаб етган кечинма ва ҳодисаларни тасвирлаши зарур. Акс ҳолда мунаққид таъкидлаганидек, “... кўпчилик шеърлар тўқиб чиқарилган тасодифий фикрлар,

²Солижонов Й. Кўзгудаги ҳаёт. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашр., 2013. – Б. 84.

³Солижонов Й. Шоир кўп, аммо шеър-чи?. Ҳақиқатнинг синчков кўзлари. — Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашр., 2009. – Б.б. 159-160.

сунъий ўйланган ташбеҳлар ва тайёр қолипдаги сўзлар тизмасидан иборат” бўлиб қолади⁴. Олимни бугунги кун шеърлятида кимўзарга айланиб бораётган бир муаммо – ҳали муҳаббат, садоқат, хиёнат тушунчаларини тўлиқ англаб етмаган айрим ёш йигит ва қизларнинг бу мавзуда қалам тебратиши – қизларнинг “...уялмай-нетмай ташлаб кетган йигитидан фахрланиб ёзиши”, “ўша бевафонинг ортидан селоб-селоб кўз ёши тўкиши”дан дили оғрийд.

Ҳақиқатан ҳам кейинги пайтларда шундай шеърлар кўпайиб кетаётганлиги сир эмас. Йўлдош Солижоновни адабиётшунос олим сифатида ташвишга солаётган ғоят муҳим нарса бундай “шеърлар”нинг ортида муҳаббат масаласига жуда енгилтаклик билан қараш, севги ва садоқат тушунчаларининг муқаддаслигини чуқур англамаслик ҳолатлари авж олаётганлигидир. Шунинг учун ҳам у олим сифатида ҳам, оддий бир китобхон сифатида ҳам ижод илинжида шеър битган ва битаётган ҳар бир қалам аҳлига қарата: “Ҳақиқий шоир ўз кадрили ҳам, сўз кадрили ҳам билиши керак. Чинакам шоир ҳузурини ўйлаб, ҳозирини учун яшамайди. Балки ўзини азоб ўққонига ташлаб, унинг туб-тубидан не-не қийинчиликлар ила топган сўз дурларини териб, мангуликка дахлдор шеърлар яратади”,–дея бонг уради⁵. Бу мунаққид умрини безаб келаётган яна бир зийнат – сўзни илоҳий мўъжиза деб билиши ва уни кадрлашидир.

Маълумки, вақт – умр инсонга берилган энг бебаҳо неъматдир. Инсон моддий томондан қашшоқланиб қолса, бир йўлини қилиб бойлик орттирар, эски уйи бузилса, ўрнига янги бир қаср бунёд этар, кийими йиртилиб қолса, турфаранг либослар олиб кияр, аммо умрининг ўтган бирор лаҳзасини ҳам ортга қайтара олмайди. “Умр оқар дарё”, – деб бежиз айтмаган доно халқимиз. Дарё-ку ўз йўлида не-не боғ-роғлар, далаларни суғориб, тўғонлардаги машиналарни айлантириб элга нафи тегиб оқар, инсон-чи?! У ўз умрини нима билан безаяпти? Олим фақат ўзини эмас, халқини ўйлайди, унинг келажаги, тақдири билан яшайди. Атрофидаги бирор кишига лоқайдлик билан қарамайди. Умри беҳуда ўтаётган кимсаларни кўрганда ачинади, ташвишга тушади ва: “Баҳор уйқуси дединг, ухладинг. Ёз иссиқ дединг, дам олдинг. Кузда қувватим кам дединг, ётдинг. Қиш бекорчилик деб, ҳордиқ чиқардинг. Қачон уйғонасан, эй ғофил инсон?!” – дея ҳайқиради⁶. Кўриниб турибдики, олим умрининг яна бир безаги ҳаминиша уйғоқлик, ҳаётнинг бирор лаҳзасини ҳам беҳуда сарфламасликдир. Зеро, у таъкидлагандек: “Умр инсонга ўзини яхши безаклар билан зийнатлаш учун берилади”⁷.

Дунёга келган ҳар бир инсон борки, албатта кимдандир ҳаёт сабоғини олади. Кимнингдир тарбияси, панду насиҳатлари, беғараз кўмаги туфайли дунёқараши шаклланади, у ёки бу соҳада етук бир мутахассисга айланади, натижада шахс сифатида ҳаётда ўз ўрнини топади. Шундай вазиятлар бўладики, фарзандга оталик меҳри устун келибми ёки орадаги ота-болалик чегаралари туфайлими ўз отаси айтолмаган айрим ўғитларни ўша киши

⁴Шу асар. – Б. 161.

⁵Шу асар. – Б. 161.

⁶Солижонов Й. Мўъжизалар сеҳри. – Т.: Адиб, 2013. – Б. 123.

⁷Шу асар. – Б. 123.

етказди. Шунинг учун ҳам бундай захматкаш инсонларни халқимиз азал-азалдан улуғлаб оталар каторига қўйган ва устоз дея атаган. Йўлдош Солижонов бугун ўзи ана шу мартабага эришган, юзлаб шогирдларга сабоқ бераётган устоз бўлишига қарамай, ҳалигача шу йўлни танлаши ва илмда шу даражага эришишига сабабчи бўлган устозларини ардоқлаб келади. Уларнинг ҳаёт йўлидан ибрат олади ва шогирдларини ҳам шунга ундайди. Чунки унинг таъкидлашича, “Устоз ва шогирдлик ришталари жуда нозик бўлиб, сал қалтис ҳаракат қилинса, узилиши, кейин уланганда ҳам тугун қолиши мумкин. Ана шундай ҳол рўй бермаслиги учун, аввало, шогирд устозга чексиз меҳр қўйиши, ишониши, унинг ҳар бир сўзи, хатти-ҳаракатини тушуниши, унга риоя қилиши шарт”⁸. Олим табиатидаги бу фазилат унинг умр безакларидан энг бебаҳосидир.

Йўлдош Солижонов тинимсиз изланишлари туфайли “XX асрнинг 80-90 йилларида ўзбек насрида бадиий нутқ поэтикаси” мавзусидаги тадқиқотини тугаллаб, 2003 йилда филология фанлари доктори илмий даражасини олишга муяссар бўлди. Мазкур тадқиқотда у рус адабиётшуноси М.Бахтин томонидан кашф этилган бадиий нутқнинг уч хил типини ўзбек романлари мисолида тадқиқ этиб, аслида беш хил типи мавжудлигини илмий жиҳатдан асослаб берди. Олим аниқлаган бадиий нутқ типлари қуйидагилардир: 1. Муаллиф нутқи. 2. Қаҳрамон нутқи. 3. Монолог. 4. Диалог. 5. Ўзганинг нутқи. Бу Йўлдош Солижоновнинг адабиётшунослик фани муаммоларига янгича нигоҳ билан қараши, эскича – анъанавий қолипларни янгилаш ниятида доимий изланаётганлигидан далолат беради.

Адабиётшунос олим, мунаққид, захматкаш устоз, сўз қадрига етувчи заргар Йўлдош Солижоновнинг умр йўлига назар ташлар эканмиз, ундаги зийнатлар жилоси кўзларни қамаштиради. Биз ҳали устоз умидларини оқлай олмаган оддий бир шогирд сифатида бугун устоз умрини безаб турган бу қимматбаҳо зийнатлардан бир нечтасинигина санаб ўта олдик, холос. Устоз шеърятнинг сирли жилваларидан ҳайратланиб, узоқ тунларни мунаввар тонг юлдузларига улаб, ҳаётга ҳақиқатнинг синчков кўзлари билан назар ташлаб, ундаги мўъжизалар сеҳрини чуқур англаб, бадиият кўзгусидаги ҳаётни теран тадқиқ қилиб, Ватан озодлиги, турмуш ободлиги ва кўнгиллар шодлиги йўлидаги изланишларида янада улкан зафарлар тилаб қоламиз.

ЕТУК БИЛИМДОН ВА ҲОЗИРЖАВОБ УСТОЗ

**Муҳаббат Ёқубова,
ФарДУнинг 1983 йил битирувчиси.**

Адабиётшунос олим, мунаққид, филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, кўплаб шогирдлар етиштирган куюнчак устоз Йўлдошхўжа Солижонов ҳақида сўз кетганда беихтиёр шодлик, қувонч, шуқуҳларга тўла талабалик даврим ёдимга тушади.

⁸Солижонов Й. Ватан озод, турмуш обод, кўнгиллар шод. Фарғона, “Фарғона” нашриёти. 2013. – Б.31.

1980 йилнинг май ойи бошлари эди. Ёзувчи Саид Аҳмаднинг 60 йиллик юбилеи бизнинг олийгоҳда нишонланадиган бўлди. Юбилей тантанасига тайёргарлик кетаётган бир пайтда бирдан талабалар пахта яганасига жўнайдиган бўлиб қолди. Кўпчилик талабаларнинг ҳафсаласи пир бўлди. Севимли ёзувчимизнинг юбилей тантанасига қатнашишдан бенасиб бўлиб, далада кетмон чопиш, гўзаларни ягана қилиш бироз алам қиларди-да.

Солижонов домла факультетда ўтказиладиган барча маънавий-маърифий тадбирлар, шоир ва ёзувчилар билан ўтказиладиган маросимларга масъул эди. Дарҳол юбилейда иштирок этадиган талабалар рўйхати тузилиб, қолганлар яганага жўнаб кетишди. Рўйхатга талабалар саралаб олинган эди. Нима бўлди-ю яганага жўнайдиган вақтдан кеч қолдим. Келсам, колонна кетиб бўлибди. Манзилни сўраш учун деканатга кирдим. Ҳеч ким кўринмади. Адабиёт кафедрасида тадбирга тайёргарлик кетаётган экан. Устоз билан шу куни танишганмиз. Мени яхши таниб олгач, яганага кетишга ҳозирлик кўраётганимни кўриб, Саид Аҳмаднинг юбилейига қатнашишга таклиф этишди, фамилиямни рўйхатга ёзиб қўйишди. Ўша пайтдаги хурсандчилигимнинг чеки йўқ эди. Ҳам яганадан икки кунга озод бўлдим, ҳам декандан сўкиш эшитмайдиган, ҳам тадбирда қатнашадиган бўлгандим-да.

Қувонганимнинг яна бир сабаби бор эди-ки, камина Саид Аҳмад ижоди, унинг асарлари шайдоси эдим. Севимли ёзувчимни яқиндан кўриш юбилейдан таассуротлар олишга муяссар бўлаётган эдим.

Саид Аҳмаднинг юбилей тантанаси ҳақиқатан завқ-шавққа, гўзал таассуротларга бой бўлди. Маросим тугаб, яганага жўнашдан олдин Солижонов домла бир таклифни ўртага ташлади-ки, бундан яна-да қувондим, бошим кўкка етгандай бўлди. Домла менга адабиётшуносликка доир бир мавзу танлашни, шу мавзу бўйича йўл-йўриқ, маслаҳатлар бериб боришни айтиб, мени шогирдликка таклиф қилаётган эди. Аввалига бироз тортиндим. Ўйлаб туриб, Саид Аҳмад ижодини танладим, “Уфқ” трилогиясидаги юмор ва лиризм уйғунлашуви бўйича иш олиб боришга келишдик. Домла мени ушбу мавзу бўйича жуда кўп манбалар билан таништирди, мавзуга оид адабиётлардан етарлича йўл-йўриқ берди. Сўздан ихчам жумлалар тузиш, ҳар бир сўзни нуқтасига етказиб фойдаланишга ўргатди. Бадиий асарни таҳлил қилиш, фикрлаш қобилиятимни шакллантиришга ҳисса қўшди.

Солижонов домла мени шогирдликка қабул қилаётганда тортинганимнинг сабаби бор эди: бироз сусткаш, хаёлпараст ва қайсар феълим бор бўлиб, бу саркашлигим домлага маъқул келмаслигини кўнглимдан ўтказган эдим.

Солижонов домла жуда талабчан, қаттиқўл ўқитувчи эди. Устознинг дарсларида хаёл суриш, дангасалик, беғам, бепарво, лоқайд бўлиш, дарсга кеч қолиш, дарсдан кетиб қолиш мумкин эмас эди. Дарс қаттиқ, аммо жуда қизиқарли бўларди. Устоз ҳар бир мавзу, дарсни ихчам, чиройли сўз-иборалар, пайти келганда ҳазил-мутойибалар билан тушунтирарди. Тартибга риоя қилмаган талаба, албатта, домладан танбеҳ эшитар, жазосини олар эдики, яна қайтиб тартибни бузишга ботинолмасди, чунки домланинг жазолаш усули бошқача бўлиб, бетартиб талабани “созлаш” усули билан хатосига иқдор қилдиранди. Дутор, танбурни чалишдан аввал қулоғини яхшилаб созлайдилар,

оҳанг зўр бўлади-да. Домла ҳам бетартиб, билимни менсимаган, бепарво талабани теша тегмаган сўзлари, иборалари билан “созлаб” кўярди. Бундай “созлаш” фақатгина Солижонов домлага хос усул бўлиб, бунинг замирида яхшилик, яхши ният намоён эди. Мен бўлса домланинг ана шу жазолаш усулидан чўчиган эдим.

Танлаган мавзуим маъруза ҳолига келгунча сусткашлигим, хаёлпарастлигим, саркашлигим билан Солижонов домланинг асабига теккан пайтларим ҳам бўлди. Аччиқина, нордонгина гаплар ҳам эшитдим феълимга яраша. Ҳайтовур ҳаммаси яхшилик билан тугади. “Саид Аҳмаднинг “Уфқ” трилогиясида юмор ва лиризм уйғунлашуви” мавзусида ўқиган маърузам талабаларнинг илмий-назарий конференциясида ижобий баҳоланди, олқишланди. Бундан домла жуда хурсанд бўлди. Мен ҳам енгил нафас олдим. Бу маъруза кейинчилик курс иши, диплом ишига айланди. Илмий иш бўлиши ҳам мумкин эди-ю, бироқ оилавий шароитим бунга тўсиқ бўлди, кўп афсус...

Й.Солижонов ўша даврларда “Ўзбек совет адабиёти”дан дарс берар, XX аср адабиётини пухта эгаллаган етук олим эди. Ўз соҳасини чуқур билар, XX асрда яшаб ўтган ҳар бир шоир, ёзувчининг таржимаи ҳоли, асарларини бизга мароқ билан тушунтирар, домланинг дарсларида ҳеч ким зерикмасди, чунки домлада нотиклик санъати, ҳозиржавоблик, сўзамоллик санъати анча юқори эди. Мавзудан ташқари шоир ва ёзувчиларнинг ҳаётига оид қизиқарли маълумотлар, адабий муҳитда юз берган, бераётган жараёнларни ҳам чиройли ҳикоя қилиб берарди.

Устоз берган билимни белимга маҳкам бойлаган эканман, шекилли, фаолиятимда, дарс беришимда, ота-оналар, ҳамкасблар, ўқувчилар билан ишлашимда ҳеч қоқилиб, туртинмадим. Ўқувчиларнинг меҳрини қозондим, халқ орасида кадр-қиммат, обрўга эга бўлдим. Бунинг учун Солижонов домладан бир умр миннатдорман. Домланинг ҳозиржавоблиги, сўзамоллиги мени лол қолдирарди. Теша тегмаган сўз, ибораларини дафтаримнинг бир четига ёзиб кўяр, “созлаш” усулини обдон ўрганар эдим. Ҳозиржавоб, нуктадонлигини ўзимга юқтиришга интилардим. Қанчалик юқтирдим, билмадим. Лекин ҳаётимда, меҳнат фаолиятимда натижасини кўриб келяпман. Айниқса, домланинг нотиклик санъати кўпроқ юққан экан, шекилли, мажлис, йиғилиш, тадбирларда маъруза ўқишни мендан кўп талаб қилишарди. Ҳа, айтгандай, “созлаш” усулини яхши ўзлаштириб олганим ҳам жуда қўл келди. Мен ҳам бетартиб, бевош, дангаса, тилуқмас ўқувчиларимни Солижонов домланинг “созлаш” усули билан жазолаб келдим. Бирорта ўқувчим жазо олгач мулойим тортиб қолар, асабимга тегишга ботина олмас, балки хурматимни жойига қўйишга ҳаракат қилишадиган бўлиб қолишар эди. Бу борада ҳам домладан, унинг турли усуллари менга қўл келганидан мамнун бўлиб юраман.

Солижонов домла дарсларда талабчан, қаттиққўл бўлса-да, дарсдан ташқари пайтларда, пахта,ягана даврларида жуда хушчақчақ, ҳазилкаш инсонга айланар, аския, латифалари, ичакузди ҳангомалари билан, кези келганда чиройли ижро этган кўшиқлари, шўх рақслари билан давраларга файз киритар, талабаларни хурсанд қилар эди.

Домланинг шеърини ўзи ёзиб, ўзи куй басталаган иккита кўшиғи бўлиб, биринчисида имтиҳондан ўтолмай, баҳо кўйдириш илинжида устозга хушомад қилиб, домлани эритиш мақсадида ўйинга тушиб, муқом қилиб, бор маҳоратини ишга солмоқчи бўлган талаба йигитнинг ҳолатини ролга кириб куйлар, талабалар қотиб-қотиб кулар эдик. Иккинчи кўшиғида эса баҳо ололмай имтиҳонларда қарзга ботган, ўша пайтдаги ибора билан айтганда “дум” балосига гирифтор бўлган, дарсга бефарқлиги, дангасалиги туфайли азобда қолган талаба йигитнинг ноласи ифода этилар эди. Солижонов бу кўшиқни ҳам маҳорат билан ижро этар, орада кўшиқ куйлаб туриб, “Ўша ўйин-кулгига берилиб, дарсларни унутган, имтиҳонлардан йиқилган дангаса талабага баҳо кўйиб бермаган домла Азим Раҳимов ёки мен бўлсам керак. Бошқа устозлар бундан мустасно. Ажаб бўлсин! Дангаса талабанинг ахволи шу”, - деб ҳазиллашиб кўярди.

Ҳа, Солижонов домлада иқтидор, билим, нотиклик, санъатга шайдолик кучли. Домла ана шу етук билими, иқтидори билан олийгоҳда ярим асрдан ошибдики, завқ-шавқ билан талаба-ёшларга сабоқ бериб келмоқда. Ўз иқтидоридан унумли фойдаланган ҳолда кўплаб шогирдлар тайёрлади. Унинг илмий мақолалари, адабий-бадий танқидчиликка кўшган ҳиссаси, бу борадаги асарлари талайгина. Ўзбек адабиётшунослигида ўз ўрни, ўз овозига эга бўлган етук олим, мунаққид саналади.

Солижонов домла билан боғлиқ хотираларни эслаб туриб, талабалик пайтимиздаги яна бир воқеа ёдимга тушди. Ягана мавсуми эди. Даладан қайтгач ўйин кулги роса авжига чиқди, узоққа чўзилди. Соат кечқурун ўн бир бўлди. Айтилмаган ашула, ўйналмаган ўйин қолмади. Талабалар шод-хуррам. Ўйин-кулги, ҳазил, қийқирик ҳукмрон. Бундай пайтда: “Бўлди, бас! Ҳамма тарқалсин! Ухланглар!”, - дейиш ноўрин эди. Ортиқ даражадаги бу шодон кайфиятни сал пасайтириш керак бўлади. Вазиятни тўғри англаган Солижонов домла тор кўтариб даврага чиқди. Бир талаба йигит доирада домлага ҳамоҳанг бўлди. Домла аввалига Навоий сўзи билан куйланадиган “Шитоб айлаб” ғазалини куйлай бошлади. Ижро тугагач, иккинчи кўшиқни бошлади. Даврадаги шодон кайфият, шўх кулги маҳзунлик билан алмашинаётган эди. Домланинг иккинчи кўшиғини талабалар жуда сел бўлиб эшитишарди. Бу кўшиқнинг мазмуни тўлиқ эсимда, лекин сарлавҳаси, кўшиқдаги мисраларни эса тўлалигича эслолмайман. Устоз шу кўшиқни ҳазин оҳангда куйларди.

Тўрт фаслнинг мезонидай кунлар узундир,
Бир тола соч таърифидай тунлар узундир,
Ва қуввайи ҳофизамнинг дарёси узун,
У тун-у кун куйга солар шу кўшиқ куйни,
Сим-сим дедим, симлар дедим, симлар кўйнимда,
Зарра гуноҳ менда бўлса, қилич бўйнимда.

Давра аҳли кўшиқни сел бўлиб тинглар, кўшиқдаги ишқ, ҳижрон изтиробиди нола қилаётган ошиқ йигит сиймоси кўз олдиларида гавдаланар, ҳамма ўйга чўмиб қолган, ўн-ўн беш дақиқа аввалидаги шодон кайфият, шўх қаҳқаҳа ўй-хаёлот билан алмашинган эди.

Солижонов кўшиқни тугатгач, ҳаммага бир назар солди-да, паст, лекин қатъиятли оҳангда “Ҳамма жой-жойига! Ўйин-кулги бугунча тамом, “отбой”!”, - деди.

Талабалар гап-сўзсиз, индамай хоналарига кириб кетдилар. Ҳа, домламиз вазиятни юмшатишга, уни ўзгартириб юборишга жуда уста эди.

Бизга дарс берган, турли адабий кечалар, учрашувларни ташкиллаб юрган пайтларда домла навқирон, куч-қувватга тўла бўлиб, етук билими, иқтидори, нотиклиги, сўзамоллиги билан бизни лол қолдирар, меҳримизни қозонган эди.

Мен ана шундай устознинг шогирди бўлганимдан фахрланаман.

БИР САФАР ШУНДАЙ БЎЛГАНДИ..

**Абдуваҳоб Қаюмов,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори.**

Бир куни устознинг кимлардандир жаҳллари чиқди, бир неча кун бўғилиб юрдилар. Мен домланинг ёнларида кўп юрганлигим сабабли у кишини бундай ҳолатдан қандай чиқарсам, чалғитсам бўларкин дея кўп ўйладим. Ёшлари улуг, бунинг устига устоз – биз у кишига “бўғилманг, бўғилишга арзимаиди”, деб юпатишга ҳаддимиз сиғмайди. Шунда Андижон шаҳрига борадиган иш чиқиб қолди. Устоз билан йўлга тушдик.

Домланинг суҳбатига интиқман. Устозимни кўпроқ суҳбатга тортиб, у кишининг кайфиятини кўтаришга уринаман. Қизиқ-қизиқ латифалар, бўлиб ўтган воқеалардан айтиб бераман. Бироқ, устознинг кайфиятлари йўқ... Кўнглим учун куладилар-у, ўзлари тунд.

Бир киши билан узоқ вақт бирга ишласангиз, ҳамнафас бўлсангиз унинг характерини ўрганиб, тушуниб бораврасиз. Агар сиз билан ёнма-ён яшаётган инсон улуг олим, республикага таниқли профессор, катта-кичик ижодкорлар икки қўллаб сўрашадиган танқидчи, давлат тан олган ёшлар мураббийи ва яна бу инсон сизнинг устозингиз бўлса-чи? Мен устозимни кўп ўргандим, яна-да кўп нарсаларни устозимдан ўргандим. Домла тўғриси ва бор гапни юзга айтадиган бўлганликлари учун бошқалардан ҳам шуни кутадилар (домланинг бу характеридан ўз мақсадида фойдаланганларни ҳам кўрдим). Шунинг учун устозимни ҳеч алдамадим. Қаттиқ койиш эшитишимни билган вазиятларимда ҳам тўғри гапирдим. Устозим юрагида менга нисбатан бироз ишонч пайдо қилдим. Шу сабаблими гоҳида турли масалаларда домла мен билан яқиндан суҳбатлашадилар. Узоқ сафарларга ота-боладай чақ-чақлашиб бориб келаемиз. Андижон сафарида эса вазият бутунлай бошқача эди...

Мазкур сафаримиздан домланинг андижонлик шогирди Фозилжон Кийикбоевнинг ҳам хабари бор эди. У киши бизни Андижонда кутиб олдилар. Бирга Избоскан туманига – шоир Абдунаби Бойқўзиев хонадонига бордик. У кишининг укаси оламдан ўтган, келди-кетди сероб эди. Маросимда республиканинг таниқли ижодкорлари, адабиётшунослари бор эди. Улар билан суҳбат жараёни қисқа бўлган бўлса-да, устознинг бироз кайфиятлари кўтарилди. Избоскандан қайтишда устоз-шогирдлар бир пиёла чой устида суҳбатлашиб турганимизда андижонлик ёзувчи Ҳабиб Сиддиқнинг келиб

қолгани домла руҳиятини янада жонлантирди. Хуллас, эрталабки тушкун кайфият бироз кўтарилгандай бўлди...

Куз эди. Табиат ҳам сокинликда. Дарахтлар олтинранг либосини кийган. Билсангиз, Андижондан Фарғонага келишда йўл бўйида боғлар жуда кўп. Кузнинг гўзаллиги, сап-сарик баргларнинг товланиши, дарахтлар остидаги заъфарон гиламлар ҳаёлни ўғирлайди. Бу гўзаллик, хатто машина хайдаб кетаётган менинг ҳам кўз қорачиқларимга қўшиб ҳисларимни қўзғатар эди. Орқани кўрсатувчи ойнадан устозни кузатиб боряпман. Устоз ҳам кузнинг тароватига махлиё бўлиб қолгандилар. Кайфиятлари анча яхшига ўхшади. Бирдан завқим тошиб кетди. Машинани тўхтатдим. Домла хайрон бўлиб, тинчликми, – дедилар. Устоз, юринг бир боғ айланамиз, – дедим. У киши бир кулиб қўйдилар-у, эътироз билдирмадилар. Устоз-шогирд ўрикзор оралаб кетдик. Муасаффо ҳаво, кузнинг латофати, дарахтларнинг чиройи ҳар қандай кишини мафтун этарди. Устоз билан чегараси кўринмайдиган, из тушмаган тилларанг гиламлар устида, тилларанг дарахтлар остида бир соатча сайр қилдик, расмга тушдик. Завқли онлар эди...

Домланинг Хамза ижоди бўйича мақола ёзиш учун маълумот йиғиб юрганларидан хабарим бор эди. Хамзанинг Аввал қишлоғидаги уйига боришни ҳам режа қилгандилар. Боғ сайридан сўнг устозга шуни эслатдим. “Аввал қишлоғига борадиган яқин йўл бор, шоирнинг уйига кириб кетсак чарчаб қолмайсизми”, – дедим. Домла хурсанд бўлиб, “майли” дедилар. Хамза Ҳақимзода Ниёзийнинг Аввалдаги уйини зиёрат қилиш жараёнида, у ерда яшовчи кўшнилари билан суҳбатда устоз бошқа одамга айланиб қолдилар. “Шоирнинг уйи қаровсиз қолганлиги, масъулларнинг бепарволиги бу – адабиётимизга эътиборсизлик эмасми? Хамзани айримлар шўрони куйлашда айблаган бўлсалар-да, лекин бадий жихатдан бақувват, халққа хизмат қилган ва хизмат қиладиган асарлари кўп-ку”, – дея жон куйдириб гапирардилар устоз. Домлада эрталабки тушкунликдан асар ҳам қолмаганди, у киши яна адабиёт ҳимоячиси, забардаст олимга, ўз ҳудудини асровчи шерга айлангандилар.

Устозда яна янги режалар пайдо бўлди. “Аввал қишлоғи Фарғона тумани ҳудуди ҳисобланади-а, бирор кун туман ҳокими олдига бориб келаман. Бу масалани шундай қолдириб бўлмайди”, – дедилар. Устоздаги жўшқинлик менга ҳам таъсир қилди. “Ҳозир бориб келсакчи, яқин йўл бор”, – дедим, яна. Устоз кулиб юбордилар ва “кетдик” дедилар. Машинани Водил томонга бурдим. Фарғона тумани ҳокими билан ҳам суҳбат самарали бўлди. Илҳом Носиров бу масалага, албатта, алоҳида эътибор беришини таъкидлади.

Фарғона тумани ҳокимлигидан қайтишимизда устоздаги эрталабки тушкун кайфиятдан асар ҳам қолмаганди. Дўстлар давраси, шогирдлар эхтироми, табиат мўъжизалари, илмий жонкуярлик – буларнинг бари биргаликда домлага қайта руҳий куч бахш этганди.

Мен биргина сафар мисолида устознинг айрим жихатларини эътироф этишга уриндим. У кишида ишонувчанлик хусусияти жуда кучли, ўзлари фақат тўғри сўзни гапирадилар ва шунинг учун бошқалар ёлғон сўзласа кечирмайдилар. Домла ҳар бир кишига, ҳолатга эътиборли бўлганликлари учун

бошқалардан ҳам шундай эътиборли бўлишни талаб қиладилар. Эътиборсизлар, албатта, “жазоланади”.

Устоз уйда жуда меҳнаткаш, у кишини ҳар куни саҳар соат 5-6 ларда уйғониб, жисмоний машқ қилишлари, эрталаб икки соат илмий фаолият билан шуғулланишни кундалик одатга айлантирганликларини кўп эшитганман, кўрганман. Фарзандларнинг барчасига жуда яхши тарбия берилган. Шунинг учун бўлса керак, устознинг бирор марта фарзандлар муаммосини гапирганликларини эшитмаганман. Ўғиллари республикада ўзига хос ўрни бор ташкилотларда ўрни бор кадр сифатида фаолият олиб боради. Домланинг аёллари Лола ая устознинг эътирофича “кўзгу”лари ҳисобланади. Кўп бора “аянгиз кўярда кўймай шуни – янгини кийдирди” деганларини эшитганман. Уйда домла учун алоҳида ижодхона, дам олиш хонаси, футбол томошахона мавжуд.

Устоз ишхонада ҳам барча вазиятларни меъёрга солиб турувчи ҳакамга ўхшайдилар, менинг назаримда. Қалтис ҳолатлар бўлмаса ҳеч нарсага аралашмайдилар. Лекин бирорта ножўя ҳаракат бўлса жавобсиз қолмайди, албатта. Туғилган кун, иссиқ-совуқ маросим, инсон ҳаётида из қолдирадиган янгилик – буларнинг бари устоз эътиборида. Талабаларга нисбатан қаттиққўл ва бу қаттиқлик илм бериш йўлидаги жонкуярликдир.

Илм йўлида захмат чекаётган тадқиқотчиларнинг моддий қийинчиликларга дуч келганлигини кўп эшитганмиз. Айниқса, айрим илмий раҳбарларининг “инжиқ”ликлари шогирдларга кўшимча “юк” бўлиши ҳам сир эмас. Менинг устозим изланишларим жараёнида, диссертацияни ҳимоя қилиш пайтларимда моддий жихатдан қўллаб-қувватлаганликларини, содда қилиб айтганда пул бериб турганликларини айтсам, балким ишонмасиз. Менинг устозим ана шундай шогирдпарвар, маънавий ва моддий жихатдан бой инсон ҳисобланадилар.

Мен Устозимга узоқ умр, соғлиқ, фарзандлар ва шогирдлар роҳатини кўришни тилайман. Оллохдан устозимдек устозлар кўп бўлишини сўрайман.

ИБРАТ НАМУНАСИ

Хурсандбек ТЎЛИБОЕВ,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Қорақалпоғистон.

*Кимки бир кўнгли бузугнинг хотирин шод айлағай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса обод айлағай.*

Алишер НАВОИЙ

Ҳаётнинг бир хил маромда кечиши мумкин эмас, ҳамиша ҳам маҳзунлик билан ўтавермайди. 2018 йили диссертациямни қўлтиқлаб, Самарқанд давлат университетига бордим. Ҳар ҳолда ўзим таҳсил олган олий масканим, юз-хотир қилишар деб, ишни кенгашга тақдим қилдим. Кенгаш раиси Муслиҳиддин Муҳиддинов домла: “Бизга 29 та иш келиб тушган. Агар хўп десангиз 30- бўлиб рўйхатга тушасиз” деди. Устозим Ҳотам Умуров билан маслаҳатлашсам:, “Ҳар

ойда 4 та ҳимоя бўлганида ҳам бир ярим йил вақт кетаркан. Ўзингиз олис қорақалпоқдан келиб, устига-устак ёш оиласиз, йўл харажатлари чарчатиб қўймайдими?” дедилар. Мен масаланинг бу томонини ўйладим-да, бошқа Илмий кенгашларни зиёрат қилиш муҳимлигини тушуниб етдим. Ўша куннинг ўзидаёқ, қайдасан Фарғона дея йўлга тушдим. Эрталаб сахармардонда Азмиддин ака Носиров билан гўзал водийга етиб келдик. ФарДУ ошхонасида эрталабки нонушта қилиб, факультетга қараб йўл олдик. Соат 9 лар чамаси, кафедрада устоз Йўлдош Солижонов магистр талаба шогирдларига дарс ўтаётган экан.

Бир соат факультетни айланиб, кафедраларга кириб-чиқдик. Белгиланган вақт келди. Мен домлани 2005 йилдан буён билардим, сабаби ўзим Шукур Холмирзаевнинг мухлиси эмасманми, газета-журналларда ёзувчи ҳақида қандай мақола, тақриз чиқиб қолса, дарров ўқирдим. Мана орадан 13 йил ўтиб, Шукур Холмирзаев ижодининг моҳир синчи-олими, адабиёт одами Йўлдош Солижонов ҳузуридаман. Ҳар доимги одатдаги салом-алиқдан сўнг: “Домла, мен сизни талабалик пайтимдан буён биламан, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” рўзномасида Шукур ака ҳақида “Деталлар тилга кирганда” номли йирик таҳлилий мақолангизни ўқиганман, ундан кейин “Жаҳон адабиёти” журналида чиққан мақолангизни ўқиганман, шу орқали сизни кашф қилганман” дедим. Домла мийиғида жилмайиб: “Ие, ҳақиқатдан ҳам ўша мақолаларни ёзган вақтларим эсимдан кўтарилибди, раҳмат сизга” дедилар. Хуллас, илк танишувимиз шундай кечди.

Кейин ишни кенгаш қабул қилди. Менинг олдимда ҳеч бир навбат йўқ экан. Кенгаш раиси М.Ҳақимов “илмий семинар муҳокамасидан олдин албатта Солижонов домлага учраб, у кишининг маслаҳатини олинг. Сиз тадқиқ этаётган мавзу бўйича домла асосий гапни айтади” деди. Шундан сўнг яна кафедрага кириб, устозга учврадим. Домла диссертациям билан авторефератимни қабул қилиб олди-да: “бир ҳафта ишларингизни қилиб келинг, мен ўшанга қадар ишни ўқиб, тақриз ёзиб қўяман, талабга жавоб берса раис Муҳаммаджон билан семинар кунини белгилаймиз” дедилар. Мен ўзимда йўқ хурсанд бўлдим. Кафедрада домланинг шогирдлари Қаҳҳоржон Йўлчиев, Абдуваҳоб Қаюмов билан ўзаро суҳбатлашдик. Уларнинг “Сиз ҳеч қисинманг, ҳаммаси яхши бўлади” дея акаларча ғамхўрликлари хали кўзим олдидан кетмайди.

Орадан бир ҳафта ўтди. Мен ёши улуғ инсонга тўғридан-тўғри телефон қилишга ботинолмадим. Чунки бу одобдан эмас. Роппа-роса бир ҳафта бўлганида “Қалайсиз Хурсанмурод, мен Йўлдошали домлангизман, ишингизни ўқиб, тақриз битиб қўйганман, келсангиз маслаҳатлашамиз” деди. Бу гапларни эшитиб, дарров деканамиз Олимжон Дуйсенбаевдан рухсат олиб Фарғонага йўл олдим. Йўлда 17 соат машинада юришга тўғри келади. Ҳеч қандай чарчоқ ҳис қилмай ФарДУга эртаси тушга яқин етиб бордим. Домла ҳар доимгидек кафедрада шогирдлари билан илм ҳақида суҳбатлашиб, тегишли тавсиялар бераётган экан. Мен дарс тугагунга қадар танишлар билан ўзаро суҳбатлашиб ўтирдим. Домланинг шогирдларидан Манзурахон Жўраева ўзининг дўстона маслаҳатларини берар, инсоннинг умидбахш туйғуларига янада рағбат оширарди.

Белгиланган вақтда домла мени ёнларига чақирдилар. Менинг ҳаяжоним ортгандан-ортар, қандай муносабат билдирар эканлар дея, кизиқсинардим. Домла менга диссертация ва тақризни олиб узатди. Ва, бир нусха тақризни бобма-боб ўқиб, тегишли камчилик ва ютуқларни билдира бошладилар. Бир ярим соат мулоқотимизда менинг ишимда ҳали тузатилиши лозим бўлган камчиликлар борлигини англаб етдим. Домланинг чуқур мулоҳазали гаплари ҳақиқатдан ҳам қилиниши шарт бўлган топшириқ дея қабул қилдим. Ўшанда домла менга бир муҳим гапини айтди: “Хурсанали, мен ишни шу ҳолича семинарга тавсия қиламан, лекин кенгашда 15 та аъзоларнинг мулоҳазалари, тавсиялари ишингизни яна кечикиб, кузга қолиб кетишингизга сабаб бўлади. Агар, сиз ҳозир Тошкентга Фанлар академияси кутубхонасига бориб бир ой кунт билан ишласангиз, ўзингизни қийинчиликлардан ҳимоя қилган ва тез орада бунинг самарасини кўрган бўласиз...” Бу олтинга тенг маслаҳат менинг ҳаётимда ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайди. Илм – амал қилиш ва уни ўзгаларга ҳам шу тарзда сингдириш эканлигини тан олиш керак.

Орадан бир ой ўтди. Бу ёғда рамазон ҳам эшик қоқмоқда. Тошкентга бориб, айтилган камчиликларни тўғрилаб келдим. Ва, шундай қилиб семинар куни белгиланди. Мен бу билан нима демоқчиман, адабиёт одамнинг оталарча ғамхўрлиги, меҳрибонлиги ҳайратимга ҳайрат, сабримга сабр қўшди. Ахир, 60 йиллик ижодий, илмий, ҳаётий тажриба эгаси Йўлдош Солижоновнинг яхшиликлари, илму амали ва дилдорлиги ҳамма-ҳамманинг илқидан келадиган мардлик эмас!

Домланинг яна битта муҳим фазилати менга жуда ёқиб қолганди. Бу тўғри сўзлиги, мардлиги, ва, ҳар қандай вазиятда инсон қадрини улуғлашидир. Катта адабий даврдан чиққан, Озод Шарафиддинов, Салоҳиддин Мамажонов, Умарали Норматов, Матёқуб Қўшжонов сингари адабиёт дарғаларидан таълим олган, ўз ҳаётий принцинга эга устоздан фақатгина олимликни эмас, одамийликни ҳам ўрганиш муҳимлигини ҳис қилганман. Семинар куни, яъни рамазон ойида иккинчи фарзандим дунёга келди. Ҳатто минбарда турганимда домланинг дуолари билан ҳимояга қараб йўл олишим янада рағбат уйғотди. Фарғонани янада яхши кўриб, меҳмондўст одамлари билан ака-ука бўлишимнинг ўзи бир бахт бўлса, устоз Йўлдош Солижоновдек адабиёт одамидан санъатнинг нозик сирларидан воқиф бўлишим ўзи бир бахт эди.

Домла мунтазам изланишда. Ҳар йили битта рисола ёки қўлланма ҳозирлаб, адабиётга фидойи хизматларини адо қилиб келмоқда. Қутлуғ 80 ёшга қадам қўйган устоз Йўлдош Солижоновнинг ўзбек адабиёти ривожига қўшган ва қўшаётган ҳиссалари ҳар бир адабиёт кишиси учун, шу соҳада ўз мақсадлари сари оғишмай кетаётган ёшлар учун ибрат намунасидир.

БОБОУСТОЗ

Табассум МҶМИНОВА,

ФарДУ адабиётшунослик кафедраси ўқитувчиси.

Мактабда ўтказиладиган сўровномалардан бирида “Келажақда ким бўлмоқчисиз?” саволига негадир “Танқидчи” деб жавоб берганим кечагидек ёдимда. Саволни ўқидиму хаёлимдан устозимиз Й.Солижоновни ўтказдим. Уйимизда устознинг ёзувчи ва шоирлар, қолаверса, ўша пайтда янги чиққан адабий-бадий асарлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари келтирилган кўп китобларининг борлиги шундай жавоб беришимга сабаб бўлган бўлиши мумкин (балки адабиёт тақдирим эканлиги учундир). Мен ўша пайтда 5- синф ўқувчиси эдим. У пайтда танқидчи ким-у танқидчилик нима эканлигига тушунмаган бўлсам ҳам, ҳозир Устозимнинг шу соҳага жуда катта меҳнатлари сингиганлигини билиб бормоқдаман.

“Қуш инида кўрганини қилади” деганларидек, мен ҳам оилавий муҳит таъсирида болалиқданок адабиётга меҳр қўйдим. Ҳар бир ота-она борки, фарзандларини илмли, яхши инсон бўлиб вояга етишини истайди. Ота-онам истаклари, айниқса, дадамларнинг саъй-ҳаракатлари, ўзимда бўлган хоҳиш туфайли ота касбим она тили ва адабиёт йўналишидан бориб, бакалавр ва магистратура босқичларини тамомладим. Дадамлар хамиша Устозим Й.Солижонов билан бир қишлоқдан эканликлари ҳамда олий ўқув-юртини тамомлашда илмий раҳбарлари бўлганликларини кўп эслайдилар. Қолаверса, онам томондан қариндош эканликлари у кишини бизга янада яқин қиларди. Тақдирни қарангки, 40 йил аввал дадамларга илмий раҳбарлик қилган Устозимиз эндиликда менинг илмий раҳбарим –Бобоустозимдир! Мени хамиша лол қолдирадиган жиҳатлари, илмга, адабиётга қўйган чексиз меҳрлари ҳамда илмда ҳам, ҳаётда ҳам жуда тўғрисиўзликларидир. Ўйлайманки, бундай иштиёқ уларни тинимсиз меҳнатга, изланишга ундайди. Биз ёшларга берадиган сабоқлари – пухта билимга эга бўлишимизни талаб қилишларидир. Эндигина илм йўлига кирган ўқувчилариданман. “Шогирд” сўзининг мавқеи баланд деб биламан. Қачонки, уларга лойиқ иш қилсак, ана ўшанда ўзимизни шундай атасак бўлар. Устоздаги кучли билим, кенг тафаккур, баланд иштиёқ, тинимсиз меҳнат, талабчанлик биз учун ўрнақдир. Ўрганишимиз керак бўлган жиҳатлари ҳали жуда кўп. Бизга илм сирларини ўргатишда, ижод қилишда асло чарчамасликларини тилайман.

Адабиётимиз, илмимиз йўлида тинимсиз изланиш ва интилишдан, шогирдаларингизга ўрнақ бўлиб юришдан асло чарчаманг, БОБОУСТОЗ!

Тўртинчи бўлим
МЕХР МУХРЛАНГАН МАНЗУМАЛАР...

Қ у т л о в

Турсунбой Адашбоев.

Холис тақризни ўйлаб,
Хаёллари бўлинган.
Фарғонада турса ҳам
Бурни Шошдан кўринган,
Олим Йўлдош Солижон.
Етти ўлчаб, бир кесган,
Кузатувча, тинчимас.
Оғир, босиқ, фикрчан,
Анов-манов синчимас,-
Устоз Йўлдош Солижон.

Ҳозиржавоб, сўзамол,
Барчани тенг сизлаган,
“Дайди кизнинг дафтари”н
Жуда бошлаб тузлаган,
Мерган Йўлдош Солижон.
Шогирдпарвар, талабчан,
Гапида собит турган.
Олимлик мақомига
Ҳамиша содиқ турган,-
Комил Йўлдош Солижон.

Камтар, комил ва зукко,
Диёнатли, турланмас.
Баъзилардай яланиб,
Таъма излаб сурланмас,-
Холис Йўлдош Солижон.
Дўстга содиқ, исми ҳам
Жисмига мос, муносиб.
Кам-кўстингни асослаб,
Елкангга кўяр осиб,-
Топқир Йўлдош Солижон.

Сочи оппоқ қордаин,
Юраги баҳордаин.
Мунаққидлар сафида
Ўз ўрни бор нордаин –
Устоз Йўлдош Солижон.

“Ёшлик” журнали, № 5, 2015.

ҲАР ДИЛДА МЕҲРИНИНГ ЧИРОҒИ БОРДИР

Таниқли адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, профессор
Йўлдошхўжа Солижонов таваллудининг 80 йиллигига

Зухра Алиева.

Олис йўл. Одимлаб боради бир зот.
Чор тараф бош эгиб қилади таъзим.
Уни, фарзандим, деб ардоқлар ҳаёт,
Чунки у муаллим – устози азим.

Изида гуллаган боғу чаманзор,
Ҳар дилда меҳридан ёқилган чироқ.
Қалб ойнаси тоза, йўқ гарду ғубор,
Кўнглидан сув ичган кўнгилар уйғоқ.

Бугун юксакликда турибди устоз,
У бир қоядирки, забардаст, мағрур.
Япроқлар тиллодан ёзиб пояндоз,
Пойида ястаниб, қиларлар ҳузур.

Умр деган дарё оқаркан шитоб,
Лаҳзадек туюлар саксон баҳор, куз.
Ҳаёт китобидан ўқилди бир боб,
Энди варақланди саксон деган сўз.

Саксонинчи бекат – олтин фасл бу,
Умр мевалари етилган шифил.
Балки кўз очмоқда ишқ деган туйғу,
Балки гул ёзмокни истайди кўнгил...

Балки сўзларимга беролмадим зеб,
Таърифу тавсифга топмадим қиёс.
Юзинчи бекатда учрашгунча, деб,
Сўнмас навқиронлик тиладим, устоз!

Ишқ ва эъзоз

Сиддиқ Мўмин.

“Эъзозланиш нима?” – десалар,
Турфа жавоб қилар кексалар.
Бири деса: топмоқлик кадр,
Бири дейди: эъзоз дилдадир.
Бир устоз бор дорилфунунда,
Фикри фақат илму фунунда.
- У – Ердаги нур, зиё, офтоб,-
Деб ҳар йили чиқарар китоб.

Қалбида ишқ жўшаверади,
Ризқига ризқ кўшаверади.
- Қанча меҳнат қилсанг, шунча оз, -
Дея устоз топади эъзоз!..

Мувашшах

Мунира Қўқонова.

Йўлларимни нур каби ёритган маёқ, устоз,
Ўргатдингиз ҳикматни, бердингиз сабоқ, устоз.
Ловуллаган чўғ каби ҳароратли сўзингиз,
Доим шогирд қалбида топдингиз ардоқ, устоз.
Омон бўлсин бошингиз, синмасин ўткир қалам,
Шону шуҳратга тўлинг лол этиб етти олам,
Хатоларим тузатиб, мени қилиб баркамол,
Ўзингиз фидокорсиз ҳазрати комил одам.
Жаннатий ифорларга тўлар босган изингиз,
Арзимаган шеър ёзди, афсус, шоир қизингиз.

11.07.2016. Фарғона.

Байрам табриги

Булут бўлмас эди осмонлар,
Бўлмас эди турфа гумонлар.
Ёмон бўлмас эди ёмонлар –
Агар Сиздек устоз бўлганда.

Сарғаймасди юракда доғлар,
Хазонларга тўлмасди боғлар.
Булбул бўлиб кетарди зоғлар, -
Агар Сиздек устоз бўлганда.

Ишонч гули эрта ўлмасди,
Очилмаган гуллар сўлмасди.
Туннинг рангги қора бўлмасди, -
Агар Сиздек устоз бўлганда.

Энтикарди бахтдан ширин жон,
Алданмасди ҳеч битта инсон.
Фаришта бўп қоларди шайтон, -
Агар Сиздек устоз бўлганда.

2016 йил 1 октябрь.

**Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи,
филология фанлари доктори, профессор Йўлдошхўжа Солижоновга
табрик**

**Абдурахмон Мақсудов,
курсдоши.**

Фарғонада Йўлдош олим бор экан,
Адаб илмида кўп устувор экан.
Қалби кенг, камтарин, дўстга ёр экан,
Ўзи фан доктори, профессор экан,
Ишлари олқишга сазовор экан.
Тунлари игнада қазибсиз қудуқ,
Сизни аташармиш алломаи зуқ.
Зеҳнингизга айтар сўз илми қуллуқ,
Олимларнинг сафи Сиз билан тўлуқ,
Унвонлар муборак, Йўлдошвой бузрук.
Адаб илми Сиздан олади таълим,
Асалари каби билмайсиз тиним,
Қат-қат китоблардан тўплайсиз билим,
Бугун шогирдлар ҳам қилади таъзим,
Унвонлар муборак, Йўлдошвой бузрук.
Булоқбоши сувин ичиб келибсиз,
Илмнинг ишқида тунлар кезибсиз.
Бирмунча китоблар ёзиб қўйибсиз,
Мартаба, унвонга эга бўлибсиз,
Унвонлар муборак, Йўлдошвой бузрук.
Олимнинг доврўғи оламни тутди,
Шогирдлар дастагул боғламин тутди.
Дўстлари ширинсўз малҳамни тутди,

Табрикдан дунёлар жаранглаб кетди:
Унвонлар муборак, Йўлдошвой бузрук!

Тил посбони

(Устозим, Фарғона давлат университети ўқитувчиси, филология фанлари доктори, профессор Йўлдош Солижоновга бағишланади)

Ином Эшонкул,
Истеъфодаги капитан, шоир.

Эзгулик сари боссам қадам,
Илҳомдан жўшиб олиб қалам,
Устозим, тилимнинг посбони
Йўлдош йўлдошим бўлди шу дам.

Ҳаёт йўлимга бериб мазмун,
Чиройин очиб, қилиб мамнун,
Устозим, тилимнинг посбони
Этди назмга тинчим маҳкум.

Ўзгачадир гўё юлдузлар,
Тол тагидаги сув қундузлар.
Устозим, тилимнинг посбони
Эсга солар кеча-қундузлар.

Панд-насихати бўлди чирок,
Руҳим тетик, зулматдан йироқ,
Устозим, тилимнинг посбони
Йўлдошим бўлиб дилга Широқ.

“Адолат йўли” газетаси, 28 октябрь, 2017.

Тахририят ҳазили:

Гоҳ “Дўрмон”да ўн кун ётиб, чиқмайди у тор хонадан.
Ёзганларин йиғиб кетиб, сўнг жўнатар Фарғонадан.
Гар ёзганин босмасангиз тинч бўлмайди ҳоли-жон,
Шу ёшда ҳам гижинглайди, бу ким?.. **Йўлдош Солижон.**

Муаллиф: **Қўчқор Норқобил.**

“Китоб дунёси” газетаси. 23 декабрь, 2015 йил. № 24 (219).

Бешинчи бўлим
МУРУВВАТ, МУНОСАБАТ...

Йўлдошхўжа Солижонов ҳақидаги мақолалар ва айтилган фикрлар

Умарали Норматов: “Фарғона давлат университети профессори, саксонни қоралаб бораётган адабиётшунос дўстим Йўлдош Солижонов ҳам мураббийлик, ҳам ижтимоий-маърифий, ҳам илмий-тадқиқот жабҳаларидаги ғайрат-шижоати билан ҳаммани лол қолдирыпти, йилига икки-учтадан китоби чиқиб турибди. Матбуотда кетма-кет чоп этилаётган мақолаларини ўқиб улгурмайсиз...” **“Тафаккур” ж., № 1 (78), 2014. 6-бет.**

* * *

Назар Эшонкул: “Мен домлани (*Й.Солижонов назарда тугтилган*) адабий фаоллиги учун жуда ҳурмат қиламан”. Ёзувчининг журналист А.Умирова билан “Адабиёт – руҳият тарбиячиси” сарлавҳали суҳбатидан. **“Хуррият” газ., 22.04.2015 № 18 (925).**

* * *

Назар Эшонкул: “Йўлдош Солижоновнинг айнан шу масалада куйиниб ёзган мақоласига (*“Миллийлик ва бадиийлик талаблари” (“ЎЗАС”, 17.XII.2010) сарлавҳали мақола назарда тугтилган*) бошқа бир адабиётшунос (*ф.ф.д. А.Холмуродов*) эътироз билдирди, гўё бу билан адабиётшуносликда фикрлар хилма-хиллигини намоёниш қилди. Аслида, бу эътироз моҳиятан олганда чўпчакбозликни адабиётга тикиштиришдан, адабиётда пайдо бўлаётган майда манфаатларнинг намоёнишидан бошқа нарса эмасди.” **“Мендан “мен”гача...” китобидан. Т., “Академнашр”, 2015. 204-бет.**

* * *

Аҳмаджон Мелибоев: Олий ўқув юртларига қабулда “Тест синовининг ижобий томонлари кўп, аммо адабиётшунос олим Йўлдош Солижонов журналингизда (“Тафаккур”, 2016 йил 1-сон) куюнчаклик билан айтган гаплар бағоят тўғри”: *“Оғзаки имтиҳонларга тайёргарлик жараёнида талаба талайгина китоб ўқийди, шеър ёд олади. Ўқиганларини таҳлил ва талқин этишига уриниш эса ҳам фикрлаш, ҳам нотқиқлик қобилиятини ўстиради. Тест синови сабабли талаба мушоҳада юритишига эмас, рақам, ном ва фактларни қуруқ ёдлашга ўрганиб қолаётгани чатоқ”.* **Журъат–фикр дояси. “Тафаккур” журналининг 2016 йил 3-сонидан эълон қилинган суҳбат.**

* * *

Баҳодир Карим. Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур. Адиб таваллудининг 120 йиллигига. Т., “Академнашр”, 2014. Ушбу монографиянинг “Бадиий асар ва биографик маълумот” сарлавҳали бобида муаллиф Чўлпоннинг “Алданиш” шеъри таҳлилига тўхталиб, Д.Қуронов, Н.Каримов, А.Расуловлар қаторида менинг “Чўлпон – эрк куйчиси” (“Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси” республика илмий-амалий анжуман материаллари. Андижон, 2000.) сарлавҳали мақоламдан “Шоир октябрь тўнтаришининг алдамчи тузоғида беш йил жони қийналганини англади, унинг барча орзулари сароб бўлиб чиқди” деган

фикримни келтиради ва “Шу боис “Алданиш”ни қатъий равишда ижтимоий таҳлил этганлар ҳам бўлди” дея хулоса чиқаради (184-185-бетлар).

* * *

Олим Тошбоев. “Шукур Холмирзаев ҳаёти ва ижодий фаолиятдан лавҳалар”дан иборат китобнинг “Бойчечак – мажозий образ” номли бобида адибнинг “Озодлик” ҳикояси ҳақида тўхталиб, “Ватан” газетасининг 1994 йил 21-сонида босилган Фарғона давлат дорилфунуни талабаси Гулбаҳор Таваккалованинг “Забондошлар, диллашайлик!” сарлавҳали мақоласи ҳақида маълумот беради ва: “Мақолага сўзбоши ёзган Йўлдош Солижонов университетнинг ўзбек филологияси факультети талабалари амалий машғулотида “кутилмаганда гўё мўъжиза содир бўлди: Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаевнинг “Озодлик” ҳикоясида ЭРК ва ИСТИҚЛОЛ ҲОЯСИ мавзусида маъруза қилган талабамиз Гулбаҳор Таваккалова “Ватан” ҳафтаномаида яқиндагина эълон қилинган асарни ўзига хос равишда ижодий таҳлил қилиб берди” дейди. Й.Солижонов фикрича, “Ватан” ўз саҳифаларида “Озодлик”ни эълон қилиб, бағоят савобли ишни амалга оширди. Чунки ҳикоя озодлик йўлида энди тетапоё қадам ташлаётган муштарийларга ҳам, талабаларга ҳам дастуриламал бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир!”

Шундан сўнг муаллиф “Г.Таваккалова ҳикояни ниҳоятда ўзига хос таҳлил қилган. Ҳикоя бошдан-оёқ рамзий маънода ёзилган”ини эътироф этган” деб хулоса қилади. **Абадий замондош. Т., Гафур Гулом номидаги НМИУ, 2018.**

* * *

Сувон Мелиев. “Абадий висол” сарлавҳали мақоласида менинг “Камю. Абсурд, Сизиф ва ўзбек адабиёти” номли мақоламдаги “Навоийнинг Лайли ва Мажнунини том маънодаги абсурд қаҳрамонлар деса бўлади” деган фикримга муносабат билдиради (“Тафаккур” журнали 2019 йил 1-сон) ва “улар абсурд каби майда ва ўткинчи оқимлар тарновига сиғмайди, улардан беҳад юқори бир маснадда туради” деб ёзади. “ЎЗАС” газ., 2019 йил 16 август, №33 (4535).

* * *

Нодира Офоқова: “Афсурд - кўламдор, айни чоқда, мунозарали мавзу. Шунга кўра, биз Сизиф тимсолига оид кузатувлар ила чекландик. Бир жиҳати, росмана баҳсларга сабаб бўлган “Донишманд Сизиф” романи, адабиётшунос олим Йўлдош Солижоновнинг журналимизда эълон қилинган мақоласи ҳам фикримизни қоғозга туширмаққа ундади”. **“Мен Сизиф тошига эгаман бошим” “Тафаккур” ж., 2019 йил 3-сон (100). 56-бет.**

* * *

Минҳожиддин Мирзо. “Таниқли адабиётшунос олим Йўлдош Солижонов тўғри таъкидлаганидек, “Адиб (Ч.Айтматов назарда тутилган) асарларида тасвирланган воқеалар, чизилган манзаралар, яратилган персонажлар тақдири худди ўзимизнинг ҳаётимиздан олингандек яқин ва тушунарлилиги билан қимматлидир. Бундай қиёсий ўрганиш адабиётшунослигимизнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифасидир. Адабиётшунос олим Йўлдош Солижонов “қочоқ аскар образи”нинг адабиётга киришини “Юзма-юз” ва “Уфқ” асарлари билан боғлайди.” (“Бадиий кашфиётлар уйғунлиги”. “Ш. Юл.” ж.,8/2019. 166-167-б.

* * *

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази раҳбари академик А.Саидовдан мактуб:

“Ҳурматли Йўлдош ака! Сизнинг *“Чингиз Айтматов – адолат ва ҳақиқат куйчиси”* номли китобингизни қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг “Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида ёзилган ушбу китоб менда ижобий таассурот қолдирди. Унда машҳур адиб Чингиз Айтматовнинг ҳаёт ва ижод йўли, илк ҳикояларидан тортиб, қисса ва романларигача, улардаги қаҳрамонлар руҳияти, воқеалар талқини, шунингдек, буюк адиб ижодининг ўзбек адабиёти ривожигаги ўрни маҳорат билан ёритилган.

Сизни ушбу монография билан самимий қутлаган ҳолда Сизга яқинда нашрдан чиққан *“Феномен Чингиза Айтматова”* номли китобимдан бир нусха тақдим этмоқдаман.”

Ҳурмат билан, (имзо)

А.Саидов.
07 январь, 2020 й.

“БУНИ ТАҚДИР ДЕЙДИЛАР...”

Филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи
Йўлдошхўжа Солижонов билан суҳбат

– *Устоз, суҳбатимизни болалик чоғларингиз, адабиётга, илмга, ижодга иштиёқнинг пайдо бўлиш мавзуси билан бошласак...*

– Болалик чоғларимни эсласам, маҳалламиз (Ховузбўйи деб аташарди) қинғир-қийшиқ, ёзда чанг, қишда лой, тор кўчалари, пастак тупроқтом уйлар, негадир бор овози билан бақириб гаплашувчи кўни-кўшнилар ёдимга тушади. Ёшлигим П жаҳон уруши ва урушдан кейин оғир, йўқчилик даврига тўғри келган бўлса ҳам, мен бу қийинчиликларни қарийб сезмаганман. Негаки, дадам жамоа хўжалиги идорасида ҳисобчи бўлиб ишлагани боис рўзғорда камчилик бўлмас экан. Айниқса, мен оилада якка ўғил бўлганим учун авайлашиб, яхши боқишга уринишар экан.

Дадам эскичадан ҳам, янги алифбодан ҳам хабардор одам эдилар. Эсимда қолгани – куз, қиш ойларида дадамнинг иши бироз енгиллашиб, эртароқ келган кунлари иссиққина сандал атрофида тўпланишиб, ширали овозда кўшиқ қилиб ўқиб берган ривоятлар, дostonлар... Афсуски, китоблар номи ёдимда қолмаган. Очиғи, мактабда ҳам ёлчителиб ўқидик, дея олмайман. У пайтда синфлар учун алоҳида бино бўлмаганидан маҳалла масжидидан битта хона ажратилганди. Ўша хона ёши биздан 4-5 ёш катта бўлган акалар, опалар билан 1-4- синф ўқувчилари сифатида ўқирдик. Улар орасида ўзимни кўрсатишга интилардим. Эҳтимол, шу хусусиятим мени келгусида ўз йўлимни топишимга ёрдам бергандир.

Адабиётга қизиқишимга эса асосий сабабчи отам – Мулла Солижон Усмонхўжа ўғли деб биламан. Китоб ўқиб беришдан ташқари колхоз кутубхонасидан ҳар хил китоблар обкелиб берардилар. 6-синфдан бошлаб Садриддин Айнийнинг “Қуллар”, “Дохунда”, Ойбекнинг “Олтин водийдан шабадалар”, Шароф Рашидовнинг “Ғолиблар”, Асқад Мухторнинг “Опасингиллар” каби романларини мутолаа қилганман. Улар, шубҳасиз, менинг келажакдаги ҳаётимга асос солган бўлса керак.

– *Илмдаги, ижоддаги устозларингиз, уларнинг ҳаётингиздаги ўрни ҳақида ҳам гапириб берсангиз.*

– Ҳаётимда кўп устозларни кўрдим, улардан кўп нарсаларни ўргандим. Менга сабоқ берган, йўл-йўриқ кўрсатган устозларим орасида, айниқса, иккитасини алоҳида қадрлайман. Биринчиси – Фарғона давлат педагогика институтида дарс берган, менинг илмий иш қилишим, олим бўлишимга сабабчи бўлган устозим Акрамжон Иброҳимовдир. Агар бу улуғ инсон атайлаб бориб, ўша пайтда ишлаб юрганим – вилоят газетаси таҳририятидан мени ўзи мудирлик қилаётган ўзбек адабиёти кафедрасига олиб келмаганида мен ҳозир журналист ёки мактаб ўқитувчиси бўлиб етишардим. Иккинчиси, менинг илмдаги илк қадамларимдан то докторлик диссертациям яқунлангунча маслаҳатларини аямаган, эринмай йўл-йўриқ кўрсатган, керак пайтда

маънавий-руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватлаган таниқли адабиётшунос академик Салоҳиддин Мамажонов бўлади. Оллоҳ ҳар иккаларининг охираатларини обод қилган бўлсин.

Шу нарса кўнглимга таскин берадики, мен шогирд сифатида ҳар иккала устозим олдидаги қарзимнинг юздан бирини бўлса-да, уза олдим: “Нутқ ва услуб” деб аталган дастлабки монографиямни отам ва устозим А.Иброҳимовлар хотирасига бағишладим. Салоҳиддин ака ҳақида эса ҳаётлигида “Олимнинг олами” номли рисола ёзиб, дуосини олдим. Устозларни қадрлаш шогирднинг бурчи эканлигини ҳеч қачон унутмайлик.

– Юртдошларимиз Сизни ҳам етук адабётшунос олим, ўзига хос услубга эга бўлган ижодкор сифатида яхши танишади. Мабодо иккаласидан биттасини танлаш шартини қўйилса, қайсинисини танлаган бўлардингиз?

– Сиз ўзингиз-чи? Ҳам билимдон олим, ҳам таниқли шоирсиз. Энди шу ёшга кирганда икки қанотингдан бирини танла, иккинчисини кесиб оламиз десалар, ҳаётим кемтик бўлиб қолмайдами? Худо ҳам илмда, ҳам ижодда нимадир айтиш қобилиятини берган экан, бу марҳамати учун шукурлар айтайлик-да, ҳар иккала соҳада ҳам қурбимиз етганича ҳаракат қилаверайлик. Энг муҳими, ёзганларимиз, айтганларимиз одамларга маъқул бўлса, ҳаётда нафи тегса, бас. Мана, ҳозиргача йигирмадан зиёд илмий, бешта ижодий китобим дунё юзини кўрди. Ҳозирча бировдан “мана бу асарингиз ёки мақолангиз менга ёқмади” деган гапни эшитмадим. Бунинг учун яна бир бор Яратган эгамга шукрлар айтаман. Ва, албатта, руҳим кўтарилиб, илм ва ижодда янада кўпроқ самарага эришиш учун интилавераман.

– Ҳаммасини бошидан бошлаш имкони берилганда яна шу йўлни танлармидингиз?

– Билмадим... Буни тақдир дейдилар. Кимлардир бу каби саволга “албатта шу йўлдан юрардим, бундан бошқа касбни тасаввур қилолмайман” деб, гўё гўдаклигидан бошлаб онгли равишда “мен келажакда шундай одам бўламан, бунинг учун ундоқ қилишим, бундоқ қилиши керак” дея тақдирини белгилагандек жавоб берганларини ўқиганим, эшитганим бор. Аммо бу масалада бир оз ўйланиб қоламан. Чунки юқорида айтганимдек, ёшликнинг ҳавойи орзулари кўп бўлади. У ўзича осмону фалакларда сайр қилишни, Ер юзида ҳамма тан берадиган, хайратда қоладиган касб эгаси бўлишни орзу қилади. Мен ҳам гоҳ учувчи, гоҳ ҳарбий офицер, гоҳ кон қидирувчи геолог, гоҳ дадам сингари чўтни кўз юмиб туриб чиқиллатганича аниқ ҳисоб – натижага эришувчи ҳисобчи бўлишни истаганман. Аммо буларнинг биронтаси амалга ошмади. Тақдиримга бошқа нарса ёзилган экан.

Мабдо кўшни Бўжай қишлоғида яшовчи Мирзаабдулла Тошпўлатов (Оллоҳ раҳматига олган бўлсин) деган танишим “Мен Фарғонага ўқишга кетяпман, юринг сиз ҳам” демаганида қишлоқ почтабони бўлибми, бригадада табельчи ёки қурувчим бўлиб қолаверардим. Ўқидим, битирдим, илм йўлини танлаб шу даражага эришдим. Энди шу кунга келиб амин бўляпманки, шу касбсиз ҳаётимда маъни бўлмас экан. Оллоҳ пешонамга ёзган ўқитувчилик, олимлик мени элга танитди, обрў берди. Бунинг учун беадад шукрлар қиламан.

– Ушалмаган орзуларингиз борми? Армонларингиз-чи?

– Ушалмаган орзуларим – хаёлимда аллақачонлар режалаштириб, тарhini ва таркибини ўйлаб қўйган бўлсам-да, ҳали ёзилмаган китобларим. Армон эса... Беш нафар фарзанддан йигирмага яқин неvara, ўнга яқин чевара қўрган мендек одамда армон нима қилсин?! Ахир:

Ёлғиз эдим, ўсдим, ундим,
Мўл-кўл бўлди меваларим.
Бугун ҳовлим торлик қилар,
Жам бўлишса болаларим!..

Рўзғорим бут, барча болаларим уйли-жойли, ўзларидан тинчиган, умай-жумай яшаяпти. Иш фаолиятимда ҳам ҳеч кимдан кам эмасман. Барча ҳамкасбларим ҳурматимни жойига қўйишади. Яна нима керак?..

– Сиз учун энг қийин иш нима? Умуман, ишнинг осони бўладими?

– Рус адиби Максим Горькийнинг “Энг қийини бошлаб олишдир” деган гапи бор. Мен учун ҳам бирор ишни бошлаб олиш мушкулроқ. Ўйлайвераман, ўйлайвераман. Калаванинг учини топиб олганимдан сўнг у жуда тез ва осон кетади. Баъзида битта мақолани бир-икки кунда, бутун бир китобни эса кўпи билан 3-4 ой ичида битирган пайтим ҳам бўлган. Албатта, бу тинимсиз меҳнат билан бўлади. Демак, ҳар бир ишнинг осони йўқ, ишни осонлаштиришни чидаганга чиқарган.

– Шогирдларингиз, ҳозирги ёшлар фаолиятдан кўнглингиз тўладими? Уларга қандай гапларингиз бор?

– Шогирдларимнинг ҳаммасидан ҳам хурсандман, кўнглим тўлади, десам, рост сўзламаган бўламан. Улар орасида садоқатлилари ҳам, иши битиб, эшаги лойдан ўтиб олгач, устоздан воз кечиб, нобакорлик қилганлари ҳам учраркан. Бундайларнинг жазосини Оллоҳ ўзи берсин. Ҳозирги ёшлар фаолиятдан кўнглим тўлади, деб тўла ҳуқуқ билан айтолмайман ҳам. Уларнинг бир қисми ўз йўлини онгли равишда топаётган, аниқ мақсад сари қатъият билан интилаётган бўлса, аксарияти оғирнинг устидан, енгилнинг остидан ўтишга уринаётгани бор гап. Ишқилиб, ҳар кимнинг ўзига инсоф берсин. Чунки кексаликнинг хотиржамлигига ёшлик пайтда асос солинади. Шу ҳақиқатни унутмасалар бас...

– Сиз қайта-қайта ўқийдиган китоб?

– Касбим битта ёки иккита китобни қайта-қайта ўқишни тақозо қилмайди. Мен одатим бўйича ҳар қандай китобни биринчи ўқишимдаёқ алоҳида дафтаримга фикр-мулоҳазаларимни ёзиб бораман. Биласиз, ҳам ўқиш, ҳам ёзиш, ҳам фикрлаш туфайли асар воқеалари, қаҳрамонлари ёдда қолади. Кейинги мутолаада улар эсимга келиб, ўқишга халақит беради. Тадқиқот олиб бориш, мақола ёзиш жараёнида эса китобга қайта мурожаат қиламан.

Қандай бўлганда ҳам, китоб ўқиш ниҳоятда лаззатли машғулот! Бундай лаззат барчага насиб қилсин!..

– Мароқли ва фойдали суҳбатингиз учун катта раҳмат, Устоз! Адабиётимиз, мухлисларингиз бахтига ҳаммиша соғ бўлинг!..

**Суҳбатдош: Сиддиқ МЎМИН,
филология фанлари доктори, профессор.**

ЙЎЛДОШ СОЛИЖОНОВ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ МУҲИМ САНАЛАРИ

1940 йил 11 июль – Фарғона вилоятининг Риштон туманидаги Булоқбоши қишлоғида туғилди.

1947-1954 йиллар – Булоқбоши қишлоғидаги А.П.Чехов номли 7 йиллик мактабда ўқиди.

1954-1957 йиллар – Бешкапа қишлоғидаги Охунбобоев номли 3-ўрта мактабда таълим олди.

1957-1960 йиллар – Киров номли колхозда табельчи, қурувчи ва почтальон бўлиб ишлади.

1960-1965 йиллар – Улуғбек номидаги Фарғона давлат педагогика институти тарих-филология факультетида ўқиди ва уни имтиёзли диплом билан битирди. М № 338145.

1961-1964 йиллар – институтнинг иш юритиш хонасида ўзбек тилида ёзадиган машинист лавозимида ишлади.

1965-1968 йиллар – Фарғона вилояти “Коммуна” (ҳозирги “Фарғона ҳақиқати”) газета редакциясида адабий ходим бўлиб ишлади.

1968 йил февраль – Фарғона давлат педагогика институти ўзбек адабиёти кафедрасининг ўқитувчиси лавозимига қабул қилинди.

1969-1972 йиллар – институтнинг кўп нусхали “Педагог” газетасига муҳаррирлик қилди.

1974 йил май – филология фанлари доктори С.Мамажонов илмий раҳбарлигида “Ўзбек совет прозасида автор нутқининг шаклланиши ва ёзувчининг шахсий услуби” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Шу йилнинг 27 декабрида ОАК қарори билан филология фанлари номзоди илмий даражасини олди (МФЛ № 009374).

1976-1980 йиллар – ўзбек адабиёти кафедраси мудири лавозимида ишлади.

1980 йил 16 апрель – Олий аттестация комиссиясининг 16д/30-баённомасига кўра ўзбек адабиёти кафедраси бўйича доцентлик илмий унвони берилди (ДЦ № 035554).

1982-1986 йиллар – Ўзбек адабиёти кафедрасининг мудири лавозимини бажарди.

1984 йил – “Моҳир санъаткор” номли илк китоби нашр қилинди (ф.ф.н. С.Тошканов билан ҳаммуаллифликда).

1987-1989 йиллар – ўзбек филологияси факультети деканининг ўринбосари бўлиб ишлади.

1989-1993 йиллар – ўзбек адабиёти кафедрасининг мудири.

1991 йил – “*Ўзбекистон республикаси халқ маорифи аълочиси*” нишони билан тақдирланди.

1997-2010 йиллар – Фарғона давлат университети ўзбек адабиётшунослиги кафедрасининг мудири лавозимида меҳнат қилди.

2001 йил – университет илмий Кенгашининг қарори билан “*Университетда хизмат кўрсатган доцент*” фахрий унвони берилди.

2002 йил сентябрь – Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди (гувоҳнома YU № 0355).

2003 йил 8 январь – “*XX асрнинг 80-90-йиллари ўзбек насрида бадиий нутқ поэтикаси*” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Республика Олий аттестация комиссиясининг 25 декабрдаги қарори билан филология фанлари доктори илмий даражаси берилди (04 № 003716).

2002 йил январь – “Қалб садоси” газетаси таҳририяти аъзоси.

2004 йил январь – ФарДУ “Илмий хабарлар” таҳририяти аъзоси.

2009 йил январь – Андижон давлат университети “Илмий хабарнома” журнали таҳририятининг аъзоси.

2010 йил январь – “Шарқ юлдузи” журнали жамоатчилик Кенгашининг аъзоси.

2010 йил декабрь – университет ректорининг буйруғига асосан кафедра профессори лавозимига ўтказилди (буйруқ № 146-к).

2013 йил 17 август – “Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!” шиори остида олий ўқув юртлири ўртасида ўтказилган вилоят кўрик-танловининг “Энг яхши маъруза матни” номинацияси бўйича 111 даражали дипломи ғолиби.

2014 йил январдан ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017. Fil.46.01 рақамли Илмий кенгаш аъзоси.

2014 йил 14 август – Ўзбекистон республикаси давлат мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб, “Ягонасан, мақаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!” эзгу шиори остида ўтказилган “Энг улуғ, энг азиз” вилоят кўрик-танловида “Ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари” номинацияси бўйича 1 даражали диплом ғолиби.

2014 йил август – Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси томонидан Ўзбекистон республикаси давлат мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб ўтказилган “Ватан учун яшайлик!” IV республика танловида “Мўъжизалар сеҳри” китоби рағбатлантирувчи мукофот билан тақдирланди.

2015 йил 25 август – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра “*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи*” унвони берилди (гувоҳнома № 18).

2015 йил 18 ноябрь - Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг қарори билан *профессор* илмий унвони берилди (диплом 05 № 002752).

2015 йил 11 декабрь. Университет ректорининг 247-к буйруғига асосан кафедра профессори лавозимига ўтказилди.

2016 йил 6 сентябрдан ўз аризасига кўра 0,75 штат миқдоридан кафедра профессори лавозимига ўтказилди (буйруқ № 171-к). Ойлик маоши 1.366052 сўм.

2017 йил июндан Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD. 27.06.2017. Fil.05.02 рақамли Илмий кенгаш аъзоси.

2018 йил август – Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси томонидан давлат мустақиллигининг 27 йиллигига бағишлаб ўтказилган “Ватан учун яшайлик!”

V11 республика танловида “**Лирика латофати, насрнинг назокати**” китоби учун рағбатлантирувчи мукофотга сазовор бўлди.

2018 йил 14 сентябрдан яна 1 штатлик кафедра профессори лавозимига ўтказилди (буйруқ № 167-к). Ойлик маоши 3.700000 сўм.

2018 йил 11 декабрь. Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан тақдим этилган “**Чингиз Айтматов – адолат ва ҳақиқат куйчиси**” номли монографияси ҳамда унинг ижодий меросини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилишга қўшган ҳиссаси учун вилоят ҳокимининг “**Ташаккурномаси**” билан тақдирланди.

2018 йил 26 декабр. Фарғона вилояти ҳокими ҳамда ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими томонидан “Эркин Воҳидов ижоди бўйича энг яхши илмий мақола” номинациясининг ғолиби сифатида 1-даражали диплом ва “**Lenovo**” компютери билан мукофотланди.

2019 йил 30 октябрь. Вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

2020 йил 29 июнь. Вилоят ҳокимининг Фахрий ёрлиғи ва ўн миллион сўм мукофоти билан тақдирланди.

2020 йил 25 сентябрь. Йўлдош Солижонов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган “Бадий адабиётда нутқ ва услуб муаммолари” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция (ЗУМ орқали) бўлиб ўтди. Унда Туркия, Русия, Озарбайжон, Тожикистон мамлакатларидан олимлар иштирок этди.

Б И Б Л И О Г Р А Ф И Я

Монографиялар, рисолалар, ўқув-услубий қўлланмалар

1. Формирование авторской речи в узбекской советской прозе и индивидуальный стиль писателя (на материалах литературы 20-30-годов). Автореферат диссертации на соискание ученой степени канд. филол. наук. Т., 1974 г.
2. Моҳир санъаткор. Т., “Ўзбекистон” нашриёти, 1984 (ҳаммуаллиф: С.Тошканов).
3. Шеърятнинг сирли жилвалари. “Сўз масъулияти” номли адабий-танқидий мақолалар тўплами. Т., Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1986. 92-148-бетлар.
4. Тонг юлдузлари. Фарғона, 1995.
5. Миллий истиқлол ғоясини ўрганишнинг баъзи долзарб муаммолари. Фарғона, 2001 (ҳаммуаллиф: Н.Собиров).
6. Нутқ ва услуб (монография). Т., Чўлпон номидаги нашриёт, 2002.
7. XX асрнинг 80-90-йиллари ўзбек насрида бадиий нутқ поэтикаси. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т., 2002.
8. Олимнинг олами. Фарғона, 2004.
9. Фарғона адиблари. Фарғона, 2005.
10. Зулматдан нур кидирганлар. Т., А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхона нашриёти, 2007.
11. Мен Сиздан сабоқ олдим (адибларга мактублар). Т., А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхона нашриёти, 2007.
12. Сўз сеҳргари. Т., “Нихол” нашриёти, 2007.
13. Чингиз Айтматов – инсон ва табиат куйчиси Фарғона, 2008. (ҳаммуаллиф Т.Абдукаримов).
14. Ҳозирги ўзбек лирикаси. Ўқув-услубий кўрсатма. Фарғона, 2009.
15. Ҳақиқатнинг синчков кўзлари (Адабий-танқидий мақолалар). Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхона нашриёти, 2009.
16. Ҳамид Олимжон ижодини ўрганиш. (ҳаммуаллиф-А.Сабирдинов). Фарғона, 2009.
17. Нутқ маданияти ва давлат тилида иш юритиш. Андижон, “Ҳаёт” нашриёти, 2010 (Қ.Йўлчиев, А.Йўлчиевалар билан ҳамкорликда).
18. Дил дафтаридаги битиклар. Фарғона, “Фарғона” нашриёти, 2011.
19. Фарғона адабиёти (Кеча, бугун, эртага). “Фарғона” нашриёти, 2012
20. Мўъжизалар сеҳри (Таҳлил, талқин, ҳайрат ва адабий ўйлар). Т., “Адиб”, 2013.
21. Ватан озод, турмуш обод, қўнғиллар шод. “Фарғона” нашриёти, 2013.
22. Кўзгудаги ҳаёт (Адабий-танқидий мақолалар, суҳбатлар). Т., А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхона нашриёти, 2013.
23. Замонамизнинг забардаст шоири. Ўзбекистон халқ шоири Зулфия ижодий портретига чизгилар. “Фарғона” нашриёти, 2015.
24. Фарғона адиблари (қайта ишланган, тўлдирилган нашри). “Фарғона” 2015.
25. Эркин ўғлингман, Ватан!.. Ўзбекистон халқ шоири Э.Воҳидов портретига чизгилар (ҳаммуаллиф С.Мўмин). Фарғона, 2016.

26. Лирика латофати, насрнинг назокати. (Адабий-танкидий мақолалар). Тошкент, “Адабиёт учкунлари”, 2018.
27. Чингиз Айтматов – адолат ва ҳақиқат куйчиси. Монография. “Фарғона” нашриёти, 2018. 3,5 б/т.
28. Ижоднинг машаққатли йўли. Адабий рисола. Ч.Айтматов таваллудининг 90 йиллигига. Т., “Mashur-press” нашриёти, 2018. 10 б/т.
29. Сўз сеҳри ва меҳри. (Адабий суҳбатлар). Т., “Шарқ” НМАК, 2018. 6,5 б/т.
30. Адабиёт хиёбони (адабий-танкидий мақолалар, эссе ва суҳбатлар). “Фарғона” нашриёти, 2020. 20,5 б/т.

Олимнинг масъул муҳаррирлигида нашр қилинган тўпламлар

1. **70-80-йиллар ўзбек прозасида услубий изланишлар.** Низомий номидаги ТДПИ. Т., 1985.
2. **Ўзбек адабиётининг ривожланишида Х.Х.Ниёзий ижодининг асосий йўналиши.** Т., 1989.
3. **Огоҳлик сирлари** (Огаҳий таваллудининг 190 йиллигига бағишланган илмий мақолалар тўплами). Фарғона, 1999.
4. **Бадиият уммони** (А.Навоий таваллудининг 560 йиллигига бағишланган 1- илмий мақолалар тўплами). Фарғона, 2001.
5. **Ғафур Ғулом – шоир, ёзувчи ва олим.** Фарғона, 2003.
6. **“Чўлпон ҳаёти ва ижодини ўрганиш”** ўқув-услубий қўлланма. Фарғона, 2003 (муаллиф Т.Абдукаримов).
7. **Фарғона давлат университети олимлари.** Фарғона, 2003.
8. **Бадиият уммони** (А.Навоий таваллудининг 565 йиллигига бағишланган 2- илмий мақолалар тўплами). Фарғона, 2006.
9. **Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб масалалари** (таниқли адабиётшунос олимлар А.Иброҳимов ва А.Раҳимовлар хотирасига бағишланган илмий мақолалар тўплами). Фарғона, 2006.
10. **Серқирра истеъдод соҳиби** (А.Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигига бағишланган илмий мақолалар тўплами). Фарғона, 2007.
11. **Узлуксиз таълим тизимида Абдулла Қаҳҳор ижодининг ўрни.** Фарғона, 2008.
12. **Барҳаёт сиймо** (Ч.Низомиддинованинг Бокий ҳаёти ва фаолиятига бағишланган илмий рисоласи). Фарғона, 2010.
13. **Бадиият уммони.** А.Навоий таваллудининг 570 йиллигига бағишланган 3- илмий мақолалар тўплами.. Фарғона, 2011.
14. **Ҳ.Бурхон.** Чин инсон қиссаси. Хужжатли қисса. “Андижон”, 2011.
15. **Ф.Кийикбоев.** Бадиий асарнинг муаммоли таҳлили. Ўқув қўлланма. Андижон, “Ҳаёт” нашриёти, 2012.
16. **Қ.Йўлчиев.** Поэтик олам сирлари. Монография. Т., “Академнашр”, 2012.

17. **З.Раҳимов.** Адабиётшунослик: савол ва жавоблар. Услубий кўрсатма. “Фарғона” нашриёти, 2013.
18. **Нурли манзил сари.** Иқтисод фан. док., проф. М.Адҳамов ҳаёти ва фаолиятига бағишланган тўплам. Т., “Фарғона”, 2013.
19. **Ўзбек филологиясининг долзарб масалалари.** М.Юсуф таваллудининг 60 йиллигига бағишланган илмий мақолалар тўплами. Т., “Наврўз” нашриёти, 2014.
20. **А.Раҳимов.** Роман санъати. Илмий мақолалар тўплами. Ф., “Фарғона” нашриёти, 2015.
21. **Тошқин ва сокин дарё.** Адабиётшунос олим Азимжон Раҳимов ҳақида хотиралар. “Фарғона” нашриёти, 2015.
22. **Адабиётшуносликнинг долзарб муаммолари.** Азимжон Раҳимов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган илмий мақолалар тўплами. “Фарғона” нашриёти, 2015.
23. **Қ.Йўлчиев.** Типологик ўхшашликлар: бирлик ва учлик. Монография. Т., “Turon zamin ziyo” нашриёти, 2016.
24. **Сиддиқлик саодати.** (Ф.ф.д., проф. С.Мўмин замондошлари нигоҳида). Фарғона, 2016.
25. **Эркин Воҳидов ижодининг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти.** Илмий-амалий анжуман материаллари. Фарғона, 2016.
26. **Х.Жўраев, А.Дехқонов.** Навоий ижодида ёшлар тарбияси масалалари. Ўқув-услубий кўлланма. ФарДУ, 2017.
27. **З. Раҳимов.** Ўзбек адабий танқидчилиги тарихи (услубий кўрсатма). Фарғона, 2017.
28. **G. Muxammadjonova.** Badiiy asar tahlili. Talqinlar. Tahlillar. Sharhlar. Т., “Adabiyot uchqunlari” nashri. 2018. 5 b/t/
29. **Қ. Йўлчиев.** Кичик лирик шеър таҳлили. Ўқув-услубий кўрсатма. ФарДУ, 2018.
30. **Қ.Йўлчиев.** Исҳоқхон тўра Ибрат. Ўқув-методик кўрсатма. Фарғона, 2018.
31. **“Филологиянинг долзарб масалалари”**(ф.ф.д.А.Сабирдинов таваллудининг 60 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман материаллари). Ф., 2018.

111. Илмий тўпламлардаги мақолалар

1. **Автор нутқи ва психологик тасвир** // Ижодий жараён ва адабий индивидуаллик. Т., 1980. 51-57-бетлар.
2. **Халқ оғзаки ижоди асарларида психологик тасвир усуллари** // Етмишинчи йиллар ўзбек прозасида анъана ва маҳорат. Т., 1987. 71-77-бетлар.
3. **Лирик қаҳрамоннинг камолот йўллари** // Ўзбек совет адабиётининг ривожланишида Ҳ.Ҳ.Ниёзий ижодининг асосий йўналиши. Т., 1989. 27-40-б.
4. **Ўзбек миллий характерининг шаклланишида адабиётнинг роли** // Ўзбек характерининг ижтимоий-психологик хусусиятлари. Т., 1999. 48-49-бетлар.

5. **Ранглар ва оҳанглар уйғунлиги** // Улуғ шоир, драматург, йирик жамоат арбоби Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижоди ва фаолияти ҳақида. Фарғона, 1999. 5-6-б.
6. **Жонпарвар ашъор сирлари** // Огоҳлик сирлари. Фарғона, 1999. 15-24-бетлар.
7. **“Отамдан қолган далалар” романида нутқ шакллари** // Адабий алоқалар бўйича Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Т., 2000. 52-53-б.
8. **Эрк куйчиси** // Чўлпон: ҳаёти ва ижодий мероси. Андижон, 2000. 17-21-б.
9. **Алишер Навоий асарларида қаҳрамонлар ёши ва психологияси** // Бадиият уммони. Фарғона, 2001. 10-14-бетлар.
10. **Маърифатимиз илдизлари** // Эзгуликка даъват. Фарғона, 2001. 54-60-бетлар.
11. **Истиклол ғояси ва ҳозирги адабий жараён** // Истиклол йиллари: миллий-диний кадрларнинг халққа қайтиши. Т - 2001. 52-54-бетлар.
12. **Ҳозирги ўзбек насрида аёллар нутқи муаммолари** // Экология ва аёл. Фарғона - 2001. 35-36-бетлар.
13. **Бағри кенг инсон эди** // Қалам ёритган йўл. Фарғона - 2002. 41-42-бетлар.
14. **Ҳозирги ўзбек прозасида нутқ шакллари** // Ўзбек филологияси материаллари. Т - 2002. 117-118-бетлар.
15. **Нутқий жараёндаги янгиликлар** // Ўзбек филологияси масалалари. Т - 2002. 17-18-бетлар.
16. **Ғафур Ғулом шеърларининг тил хусусиятлари** // Ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари. Андижон - 2003. 74-77-бетлар.
17. **Замон, истеъдод ва имконият** // Ғафур Ғулом – шоир, ёзувчи ва олим. Фарғона - 2003. 22-26-бетлар.
18. **Ёзувчининг замон ва қаҳрамонга муносабати** // Ғафур Ғулом – шоир, ёзувчи ва олим. Фарғона - 2003. 22-26-бетлар (ҳаммуаллиф: Г.Қўзибоева).
19. **Мавзу** // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 5-жилд. Т - 2003. 341-бет.
20. **Мамажонов Салоҳиддин** // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 5-жилд. Т - 2003. 432-бет.
21. **Мемуар** // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 5-жилд. Т - 2003. 587-бет.
22. **Нутқ маданияти** // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 6-жилд. Т - 2003. 425-426-бетлар (ҳаммуаллиф: А.Мадвалиев).
23. **Очерк** // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 6-жилд. Т - 2003. 610-611-бет.
24. **Пейзаж** // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 7-жилд. Т - 2004. 33-бет.
25. **Персонаж** // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 7-жилд. Т – 2004. 49-бет.
26. **Прагматика** // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 7-жилд. Т - 2004. 164-165-бетлар (А.Мадвалиев билан ҳамкорликда).
27. **Бадиий тасвирда сўзнинг ўрни** // Бетақроп истеъдод соҳиби. Термиз – 2005. 180-182-бетлар.
28. **Адиб услубининг ўзига хослиги** // Ойбек ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти. Қарши – 2005. 10-12-бетлар.

29. **Экспозиция** // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 10-жилд.Т - 2005. 168-б.
30. **Эпистоляр адабиёт** // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 10-жилд.Т - 2005. 236-бет.
31. **Ҳикоя** // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 11-жилд.Т - 2005. 330-331-бет.
32. **Зукколик палласи** // Зуллисонайн олим. Т - 2005. 60-62-бетлар.
33. **Икки овозли нутқ** // Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари. Фарғона - 2005. 198-201-бетлар.
34. **Бадий асарда гротеск** // Ўзбек услубшунослигининг долзарб муаммолари. Фарғона – 2006. 140-142-бетлар.
35. **Ҳақ йўли** // Бадиият уммони. Фарғона – 2006. 5-7-бетлар.
36. **Устозларим ҳақида** // Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб масалалари. Фарғона – 2006. 6-8-бетлар.
37. **Буюк соддалик** // Сўз сеҳри. Т – 2006. 131-133-бетлар.
38. **Сўз қудрати** // Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб масалалари. Фарғона – 2006. 31-33-бетлар (ҳаммуаллиф: Н.Мақсудова).
39. **“Бошсиз одам”нинг такомиллашуви** // Адабиётимиз фахри. Т., “Ўзбекистон”, 2007. 229-238-бетлар.
40. **“Синчалак”нинг парвози** // Таълим тизимида Абдулла Қаҳҳор ижодини ўрганиш ва унинг маънавий-тарбиявий, эстетик аҳамияти. Фарғона., – 2007. 12-14-бетлар.
41. **Марғилон – шоирлар шахри** // Марғилон шаҳрининг ўтмиши, бугуни ва эртаси. Фарғона., – 2007 (ҳаммуаллиф: А.Қаюмов).
42. **Ҳинд ва ўзбек адабиётининг атоқли намояндалари** // Ўзбекистон-Ҳиндистон ўртасида ривожланаётган ҳамкорлик муносабатлари. Фарғона – 2007. 17-19-б.
43. **Қаҳрамон характерини ўрганишда ижодий муҳитнинг ўрни** // Таълим муассасаларида ижтимоий муҳитни ривожлантириш: муаммолар, ечимлар. Фарғона – 2008. 14-17-бетлар.
44. **Саид Аҳмаднинг “Жимжитлик” романидаги Жайронанинг психофизиологик қиёфаси** // Филологиянинг долзарб муаммолари. Фарғона – 2008. 48-50-бетлар (ҳаммуаллиф: Н.Ғуломова).
45. **Ижодда аниқлик – маҳорат мезони** // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. Наманган – 2009. 33-36-бетлар.
46. **Ҳамид Олимжон ижодида дарё образи** // Мен элимнинг юрагида яшайман. Андижон – 2009. 24-28-бетлар.
47. **Шеърда оҳанг, портрет ва пейзаж** // Ўзбек адабиётининг атоқли вакили. Қарши, “Насаф” нашриёти, 2009. 18-20-бетлар.
48. **Ижодкорнинг эстетик эътиқоди** // Фурқат ижодини ўрганиш муаммолари. Қўқон – 2009. 18-20-бетлар.
49. **Фаридун ғазаллар** // Андижонда бир ишқли дил бор. Андижон, “Ҳаёт” нашриёти, 2010. 30-38-бетлар (ҳаммуаллиф: А.Иброҳимов).

50. **Адабиёт, инсон ва табиат муаммоси** // Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва Фарғона водийсининг экологик муаммолари. Фарғона – 2010. 170-172-бетлар.
51. **Боқийнинг барҳаёт руҳи** // Барҳаёт сиймо. Фарғона – 2010. 3-4-бетлар.
52. **Қадри баланд санъаткор** // Саид Аҳмад санъати – Тошкент, “Ўзбекистон”-2010. 90-95-бетлар.
53. **Эркинлик одами** // Шукур Холмирзаев замондошлари хотирасида. – Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2010. 137-139-б.
54. Туйғулар мусаввири. “Шамолда шам кўтариб...” (Ф.Афрўз ижоди ҳақида мақолалар тўплами). Т., “Davr-press”, 2010. 49-53-бетлар.
55. **Адабиётимизнинг пўлат чавандози.** “Эл севган адиб”. Ў.Хошимов замондошлари наздида. Т., “Мумтоз сўз” нашриёти, 2011. 180-185-бетлар.
56. **Тазкирада ижодкор шахси ва муаллиф муносабати.** Бадиият уммони (3-китоб). ФарДУ, 2011. 5-8-бетлар.
57. **Навоийни англаш усуллари** (ҳаммуаллиф Ҳ.Жўраев). Бадиият уммони (3-китоб). ФарДУ, 2011. 8-11-бетлар.
58. **Муқимий мувашшаҳлари ҳақида.** Бадиият уммони (3-китоб). ФарДУ, 2011. 34-37-бетлар.
59. **Миллийлик ва бадиийлик талаблари.** Филологиянинг долзарб масалалари. ФарДУ, 2011. 6-10-бетлар.
60. **Деталлар тилга кирганда...** “Ўзбек адабий танқиди”. Антология. Т., “Турон-иқбол”, 2011. 205-214-бетлар.
61. **Жасур ва сермахсул адиб.** “Оловқалб адиб”. Ўзб. халқ ёзувчиси И.Раҳим замондошлари хотирасида. Т., “Турон-иқбол”, 2012. 26-29-б.
63. **Бадиий асарда ҳикоячи-ровий образи.** Ўзбекистон халқ ёзувчиси Х.Тўхтабоевнинг 80 йиллигга бағишланган “Дунёга танилган адиб” китоби. Т., “Мумтоз сўз” нашриёти, 2012. 82-88-бетлар.
